ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

УРАЗОВ К.Б., ЭРГАШЕВ Х.Х., ШИРИНОВ У.А., УРАЗОВ Д.К., ПЎЛАТОВ Х.У.

АУДИТ ВА ЭШУРЕНС
(Audit and Assurence)

(1-қисм)

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

САМАРҚАНД - 2023

UO‘K: 657.631.6(075.8)
А 88
КВК: 65.053я73

Уразов К.Б. Эргашев Х.Х., Ширинов У.А., Уразов Д.К., Пўлатов Х.У.

“Аудит ва Эшуренс” (Audit and Assurence) 1-қисм [Матн]: **ўқув қўлланма** / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, 2023 - 130 бет.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор К.Б. Уразовнинг умумий рахбарлиги ва тахрири остида

Тақризчилар:

З.О.Ахроров - Тошкент Давлат иқтисодиёт унверстети Самарқанд филиали “Молия, солиқ ва банк иши” кафедраси доценти, PhD.

О.И.Неъматов - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси PhD., доценти в.б.

Мазкур ўқув қўлланма “Аудит ва Эшуренс” (Audit and Assurence) фанининг ўқув дастури асосида қайта тайёрланган. Унда “Аудит ва Эшуренс” (Audit and Assurence) фанининг предмети, методи ва тамойиллари, уларнинг моҳияти, аҳамияти ва меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари, Республикамизнинг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни” асосида очиб берилган бўлиб, у 60410100 - «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма институт Кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги мажлисда муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган. (4-сонли мажлис баёни).

ISBN: 978-9910-720-25-3

© Уразов К.Б. ва б., СамИСИ. 2023 й.
©“STEP-SEL” МЧЖ. нашриёти. 2023 й.

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ривожланиб, макроиқтисодий барқарорликка эришилмоқда. Президенимиз эътироф этганларидек: “Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан Давлат бюджети барча даромади мутоносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг устувор вазифасидир”[1]. Миллий иқтисодиётнинг жадал ўсиши ва ижтимоий соҳадаги вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши, Давлат бюджет даромадлари, турли мулкдаги корхоналардаги мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурлардан самарали фойдаланилишига бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегияси” да макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Республикамиз иқтисодиёти тармоқларининг жадал ривожланиши давлатнинг асоссиз аралашувини қисқартириш орқали амалга оширилмоқда. Шу боис олий таълим муассасаларида таълим йўналишлари бўйича “Аудит” фани ўрганилади.

Мазкур ўқув қулланмада узвийлик ва узлуксизлик нуқтаи-назаридан мантиқий кетма-кетликда ўз аксини топган аудит ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти, Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тизимида аудитнинг тутган ўрнини ўрганиш республикамиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида аудиторлик фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади. «Аудит» фанини чуқур ўрганиш молия, солиқ, банк иши, суғурта ва бошқа соҳалар муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

“Аудит” фанининг асосий мақсади – талабаларда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш, молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини расмийлаштириш, аудитнинг профессионал хизматларини кўрсатишни ташкил қилиш бўйича назарий ва амалий билимлар орқали талабаларнинг касбий маҳоратини шакллантиришдан иборат.

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

I БОБ. АУДИТ АСОСЛАРИ

1.1. Аудитга умумий тавсиф

Иқтисодиётда содир бўладиган иқтисодий инқирозлари бухгалтер аудиторлар хизматига бўлган талабни янада кучайтирди. Бу даврларда аудиторлик текшируви сифатига талаблар мураккаблаштирилди ҳамда мажбурий тус олди. Булар ҳаммаси ушбу хизматга бозор талабини оширди. Ҳамма давлатларда иқтисодий ва молиявий ахборотларга зарур талаблар белгиланиб, улар аудитор хулосаси билан бирга албатта чоп этилиши белгиланди. Аудит алдамчиликка қарши катта қурол бўлиб хизмат қила бошлади.

Англияда аудиторлар деб молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини назорат қилиш билан шуғулланувчи барча мутахассислар, шу жумладан давлат ташкилотида ишлаётган мутахассислар ҳам ҳисобланади. Францияда мустақил молиявий назорат билан шуғулланувчи икки профессионал ташкилот бухгалтер экспертлар уларнинг ваколатига бевосита бухгалтерия ҳисобини, ҳисобот тузиш ушбу доирада консалтинг хизматлари кўрсатиш ҳамда молиявий ҳисобот ишончлилигини назорат қилувчи счетлар бўйича комиссарлар мавжуд. АҚШда молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини текширадиган дипломли жамоат бухгалтерлари мавжуд. Биз юқоридаги маълумотларга таянган холда аудитнинг вужудга келишни жадвал асосида бердик (1.1-жадвалга қаранг).

1.1-жадвал

Аудитнинг вужудга келишни

1	Бошкарув назоратининг ташкил этилиши	Хитойда эрамиздан 700 йил аввал давлат ходими (ценз) территорияларда назорат олиб борган Рим империясида эрамиздан 200 йил аввал давлат ходими (квестор) территорияларда назоарт олиб борган
2	Аудит атамасининг ишлатилиши	1324 йил Англия кироли «Едуард 11» 3 та аудиторни («Аудит» лугатий мазмуни –у эшитади) тайинлаган. Чунки вилоят территория бошликлари молиявий ишлар буйича хисобот беришни билмаган. 1689 йил Россияда Петр 1 подшох армиядаги мулкий мунозараларни текшириш учун белгилади

3	Давлат микёсида мажбурий аудит-нинг киритилиши (конун билан белгиланиши)	1862 йили Англияда, 1867 йили Францияда, 1931 йили Германияда, 1937 йили АКШда, 1982 йили Хитойда, 1987 йили Россияда, 1992 йили Узбекистон Республикасида.

Аудиторлик фаолияти ва аудиторлик касбининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида қуйидагича келтирилган:

Аудит профессионал хизматлар соҳасида тез ривожланиб бораётган тадбиркорлик фаолиятининг муҳим турларидан бири ҳисобланади.

Профессионал хизматлар - бу мазмун-моҳияти, бажариш техника ва технологияси, сифати ва бошқа тавсифлари бўйича махсус билим, амалий кўникма ва тажрибаларни талаб қилувчи, мос равишда, бундай талабларга жавоб берувчи малакали профессионал ходимлар томонидан кўрсатиладиган хизматлардир[2].

Аудитни профессионал хизматлар сирасига кириши негизида, авваламбор, “аудит” ва “аудитор” атамаларининг моҳияти ва аҳамияти ётади.

Ҳаракатдаги қонунларда, меъёрий хужжатларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларида ушбу атамаларнинг моҳияти атрофлича ёритилган.

«Аудит» - бу лотинча **«auditing»** сўзидан олинган бўлиб, рус тилига ўгирилганда *«слушаю»,* рус тилидан ўзбек тилига ўгирилганда эса *«эшитаман»* маъносини англатади. Рус ва ўзбек тиллари лексиконида ушбу сўзнинг ўзи мавжуд эмас, шунинг учун уни кўчирма сўз сифатида тўлиғича ўзгаришсиз ишлатиш мақсадга мувофиқ[3].

«Аудитор» – бу лотинча **«auditor**» сўзидан олинган бўлиб, рус тилига *«слушатель», «ученик», «следователь*» маъноларида таржима этилган. Бизнинг тилимизга аудитор сўзини рус тилидан таржима этсак, у мос равишда *«эшитувчи», «ўқувчи*», *«терговчи*» маъноларини англатади[4].

Рус олими профессор П.И.Камышанов аудитга қуйидаги таъриф ва тавсифларни берган: «Аудит – хўжалик фаолиятини иқтисодий

[2] Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М., Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудити”. Дарслик.- Самарканд, “Фан булоғи” нашриёти, 2022. – 310-б.

[3] Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма, -Т.: Ўқитувчи, 2004. 345- бет.

[4] Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма, -Т.: Ўқитувчи, 2004. 345- бет.

таҳлил этиш ва назорат қилишнинг нисбатан янги йўналиши», …. «аудит – бу бизнесни ўзига хос экспертизаси»[5].

«Аудит- бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни, бу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив хужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилиши», деб таъкидлайди профессор М.М. Тўлахўжаева[6].

«Аудит (auditing) –бу даҳлсиз компетент ходим томонидан ахборотларни белгиланган мезонларга мослигини аниқлаш ва холисона хулоса бериши мақсадида хўжалик тизими тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва баҳолаш жараёни”[7]

«Аудитнинг моҳияти – бозор иқтисодиёти шароитида унинг объектив иқтисодий тараққиёт қонунлари, категориялари, ҳалқаро хамжамиятда тан олинган ҳамда айрим олинган бир конкрет мамлакатда амал қилаётган меъёрий хужжатларнинг талабларига мос текширув объектида унинг барча фаолиятлари рақамлар ёрдамида ифодаланган, махсус тизим асосида хулоса ва таклифлар беришдан иборат», деб ёзади профессор Н. С. Санаев[8].

Профессор Х.Н.Мусаев аудитнинг моҳиятини қуйидагича эътироф этган: «Аудит –бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан хўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг республикада қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва холисона хулосалар беришдир»[9]

Ўзбекистон республикасининг 2000 йил 13 майда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни»да (2-модда) аудитнинг моҳиятига қуйидагича таъриф берилган: «аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини

---

[5] Камышанов П.И.Знакомьтесь: аудит. (организация и методика проверок). – М.: Информационно-внедренческий центр "Маркетинг" , 1994. -стр.4.

[6] Тўлахўжаева М..М. Молиявий аҳволнинг аудити. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 1996, 94-бет.

[7] Э.А.Аренс., Дж.К. Лоббек. Аудит. - М, Финансы и статистика, 1995, стр.7

[8] Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит. Дарслик, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик коппанияси Бош таҳририяти, Тошкент, 2001, 33-бет.

[9] Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003, 18-бет.

ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»[10].

Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ – 677 сонли «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни» (3-модда)га кўра: «аудиторлик фаолияти — аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти”[11].

Д.К. Уразовнинг[12] фикрича, аудиторлик фаолиятини профессионал хизматлар сирасига кириши қуйидагиларда яна ҳам ёрқин намоён бўлади.

Биринчидан, аудиторлик хизматларини кўрсатиш бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот, назорат, таҳлил, банк, молия, суғурта, солиқ, бошқарув, ҳуқуқ ва бошқа соҳалар бўйича, шунингдек текширув усуллари, улар натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш, хато ва камчиликларни аниқлаш, уларни тузатишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш борасида чуқур билим, амалий кўникма ва тажрибаларни талаб қилади.

Иккинчидан, аудиторлик хизматларига кирувчи аудиторлик текширувларини ўтказишда аудиторлик фаолияти ҳамда текширилаётган субъектлар ва улар фаолиятига доир қонунлар, халқаро ва миллий стандартлар, шунингдек лицензиялаш талабларига қатъий амал қилиш лозим бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан, аудиторлик хизматларига кирувчи аудиторлик текширувлари фақат Молия вазирлигининг реестрига киритилган аудиторлик ташкилотлари номидан унинг шу вазирлик томонидан бериладиган махсус малака сертификатига эга бўлган аудиторлари томонидан тузиладиган хўжалик шартномалари асосида амалга оширилади.

Тўртинчидан, аудиторлик хизматларини тўғри ўтказиш, улар бўйича аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларини ҳаққоний ва холислиги учун аудиторлар давлат ва мижозлар олдида қонуний масъул ва жавобгар ҳисобланади.

---

[10] Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», 2002 йил 25 майда қабул қилинган.

[11] Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», 2002 йил 25 майда қабул қилинган.

[12] Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М., Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудити”. Дарслик.- Самарканд, “Фан булоғи” нашриёти, 2022. – 311-312-б.

Бешинчидан, аудиторлик хизматлари дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида улар иқтисодиётининг муҳим соҳаси бўлган хизмат кўрсатишнинг алоҳида тармоғи бўлиб ҳисобланади. Ушбу хизматлар макон ва замонда амалга оширилаётган иқтисодий фаолиятнинг муҳим туридир. Халқаро амалиётда, шунингдек бизнинг республикамизда қабул қилинган иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (ИФУТ)да аудиторлик хизматлари профессионал фаолият сафига киритилган ва унга 69202 фаолият тури коди бириктирилган (1.2-жадвалга қаранг).

1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ)

Бўлим	**Гуруҳ**	**Синф**	**Кичик синф**	**НОМ**	**ИФУТ 1-таҳрир**	**ХХТУТ**
М секцияси			**ПРОФЕССИОНАЛ, ИЛМИЙ ВА ТЕХНИК ФАОЛИЯТ**			
69				**Ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги фаолият**		
	69.2			Бухгалтерлик ҳисоби ва аудит соҳасидаги фаолият; солиқ солиш бўйича маслаҳат бериш		
		69.20		Бухгалтерлик ҳисоби ва аудит соҳасидаги фаолият; солиқ солиш бўйича маслаҳат бериш		
			69.20.1	Бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги фаолият	74120	84400
			69.20.2	Аудиторлик фаолияти	74120	84400
			69.20.3	Солиқ солиш масалалари бўйича маслаҳатчилар хизмати	74120	84400

Юқоридагиларнинг барчаси аудиторлик фаолиятини махсус тайёргарликдан ўтган ва шу соҳанинг профессионаллари бўлган аудиторлар томонидан амалга ошириладиган профессионал аудиторлик хизматлари деб номлашга ва унга қуйидагича таъриф беришга асос бўлади: **профессионал аудиторлик хизматлари** – бу аудиторлик ташкилотларининг хўжалик юритувчи субъектларга улар

молиявий ҳисоботлари реаллигини холис аудиторлик текширувидан ўтказиш, шунингдек бухгалтерия ҳисоби, ички назорат, таҳлил, солиқ солиш, бюджетлаштириш ва бошқа молиявий-иқтисодий масалалар бўйича аутсорсинг ва консалтинг туридаги профессионал хизматларни кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти[13].

Профессионал аудиторлик хизматларининг моҳияти уларнинг турлари мазмунида ёрқин намоён бўлади. Профессионал аудиторлик хизматларининг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (1.1-чизмага қаранг).



1.1-чизма. **Профессионал аудиторлик хизматларининг асосий турлари[14]**

Мажбурий аудиторлик текшируви деганда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобот йили якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни реаллигини билиш мақсадида ўтказиладиган профессионал аудиторлик хизмати тушунилади. Қонунга асосан (35-модда) қуйидаги ташкилотлар ҳар йили мажбурий аудитдан ўтишлари шарт:

- акциядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- суғурта ташкилотлари;
- инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамловчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари;

[13] Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М., Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудити". Дарслик.- Самарканд, "Фан булоғи" нашриёти, 2022. – 313-б.

[14] Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М., Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудити". Дарслик.- Самарканд, "Фан булоғи" нашриёти, 2022. – 313-б.

- манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмаларидан иборат бўлган хайрия, жамоат фондлари ва бошқа фондлар;
- устав фондида (устав капиталида) давлатга тегишли улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари;
- фонд ва товар биржалари;
- ҳисобот йили якунларига кўра қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари: активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз минг баравари миқдоридан ортиқ, ходимларининг ўртача йиллик сони юз нафардан ортиқ бўлса.

Қуйидаги шартларга мувофиқ бўлган аудиторлик ташкилотлар юқорида кўрсатилган ташкилотларнинг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишига ҳақлидирлар:

-штатида камида кетма-кет уч йиллик узлуксиз иш стажига ёки халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган камида икки нафар аудиторнинг мавжудлиги;

-аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш натижаларига кўра, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари мавжуд эмаслиги.

Банкларнинг аудиторлик текшируви штатида банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган камида икки нафар аудитор мавжуд бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилади.

Мажбурий аудит субъектлари мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин ўн беш кун ичида, бироқ ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 июнидан кечиктирмай, солиқ органларига аудиторлик хулосасининг кўчирма нусхасини тақдим этади. Мажбурий аудиторлик текширувини қонунга мувофиқ ўтказишдан бўйин товлаш хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилишига сабаб бўлади.

Йиллик молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 июнигача ўтказмаслик ва аудиторлик хулосасининг йўқлиги хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий

аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши деб эътироф этилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаш хўжалик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг 179-1 - моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Солиқ органлари томонидан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин календарь йил тугагунига қадар мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаслик хўжалик юритувчи субъектдан базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги суммада жарима ундиришга сабаб бўлади. Хўжалик юритувчи субъект жаримани ихтиёрий равишда тўлашдан бош тортган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги масала иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

Жаримани тўлаш хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан озод қилмайди.

Мажбурий аудит, одатда, комплекс характерга эга бўлади, шунингдек ушбу аудитни мослик аудити деб ҳам атайдилар.

Комплекс аудит деганда молиявий хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олган аудиторлик текшируви тушунилади. *Мослик аудити* деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини харакатдаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга мос равишда тузилганлигига хулоса бериш билан якунланадиган аудиторлик текшируви тушунилади.

Ташаббусли аудит деганда хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташаббуси билан ўтказиладиган аудит тушунилади. Бундай аудитнинг буюртмачилари бўлиб хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари, уларнинг инвесторлари, таъсисчилари, акционерлари, шунингдек очилган жиноий ишларни якунлаш мақсадида аудитни тайинлаган ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва бошқа назорат органлари (прокуратура, суд, ички ишлар органлари, солиқ қонунчилигини бузилишига қарши курашиш депортаментлари) ҳисобланади. Ташаббусли аудит комплекс ва тематик характерга эга бўлиши мумкин.

Тематик аудит деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек бошқа қизиқувчи томонларнинг ташаббуси билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тегишли бўлган у ёки бу операцияларни, жараёнларни, аниқ активлар ва мажбуриятларни, молиявий муносабатларни, бухгалтерия ҳисобининг тегишли бўлимларини ёки хужжатларини аудиторлик текширувидан ўтказиш тушунилади. Тематик аудитда аудиторлик хулосаси фақатгина текшириш объектига нисбатан берилади. Мақсадига кўра тематик аудит тасдиқловчи аудит ҳисобланади, чунки унинг натижасида аудиторлар текшириш объекти бўйича мавжуд ҳолатларни харакатдаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга мос келиш ёки келмаслиги тўғрисида хулоса берадилар. Иқтисодий адабиётларда тематик аудитни турлича бошқа номлар билан ҳам атайдилар, масалан, молиявий аудит, бошқарув аудити ва бошқалар.

Молиявий аудит – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига баҳо бериш мақсадида ўтказилган аудит.Ушбу аудит корхоналарнинг ўзлари, унинг инвесторлари ва таъсисчилари, акционерлари, кузатув кенгаши ва назорат органлари ташаббуси билан ўтказилади.

Бошқарув аудити деганда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг бошқарув тизими самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилган аудит тушунилади. Бошқарув аудитининг объекти бўлиб хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий тузилмалари (бўлинмалари) фаолияти, хўжалик жараёнлари, уларга сарфланган харажатлар ва бошқалар ҳисобланади. Ушбу аудит хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг таъсисчилари ва инвесторларининг ташаббуси билан ўтказилади.

Бошқа профессионал аудиторлик хизматлари[15] – бу аудиторлик ташкилоти томонидан мижозларга кўрсатилган бошқа турдаги профессионал хизматлар. Республикамизнинг аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунининг янги таҳририга кўра (33-модда) бошқа турдаги аудиторлик хизматлари аудиторлик ташкилотларининг турдош хизматлари деб номланган. Қонунда белгиланган ушбу турдош

[15] Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М., Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудити". Дарслик.- Самарканд, "Фан булоғи" нашриёти, 2022. – 315-316-б.

профессионал хизматларни иккита гуруҳга бирлаштириш мумкин. Булар: (1) аутсорсинг[16] хизматлари; (2) консалтинг[17]хизматлари.

Алоҳида олинган профессионал хизмат турларини ушбу гуруҳларга киритилиши 1.2-чизмада келтирилган.



1.2-чизма. Аудиторлик ташкилотларининг турдош хизматлари гуруҳлари таркиби[18]

Аудиторлик текширувлари ва бошқа турдош профессионал хизматларидан иборат бўлган аудитнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

---

[16] **Аутсорсинг** (инг. outsourcing: (outer-source-using) – ташқи манбалар ва (ёки) ресурслардан фойдаланиш – ташкилот томонидан ўзининг маълум бир функцияларини шартнома асосида бошқаларга юклаш.

[17] ***Консалтинг*** — раҳбарларга, бошқарувчиларга кенг қамровли масалалар бўйича маслаҳатлар беришга доир хизматлар (фаолият).

[18] Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М., Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудити". Дарслик.- Самарканд, "Фан булоғи" нашриёти, 2022. – 316-б.

- шартномаларда кўрсатилган комплекс ёки тематик аудит объектлари бўйича харакатдаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга амал қилинганликни аниқлаш, мавжуд камчиликларни очиб бериш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳолатини баҳолаш ва унга хулоса бериш;
- мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш;
- хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобни юритиш, уни тиклаш, солиқ декларацияларини тузиш, мавжуд камчиликларни бартараф қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ва бошқалар.

Аудитнинг предмети ва объектлари

Аудит, бир томондан махсус аудиторлик ташкилотларининг фаолияти, иккинчи томондан, махсус иқтисодий фан сифатида ўзининг предметига ва аниқ объектларига эга.

Аудитнинг **предмети** деганда аудиторлик текширувидан ўтадиган объектлар мажмуаси тушунилади. Бундай объектлар бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти, ушбу фаолиятни ташкил этувчи барча жараёнлар ва операциялар, хўжалик маблағлари, маблағларни ташкил топиш манбалари, ҳисоб-китоблар, ўзаро муносабатлар, молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, уларни акс эттирувчи бошланғич, оралиқ ва йиғма хужжатлар, молиявий ва статистик ҳисоботлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа маъсул ва моддий жавобгар шахсларнинг фаолиятлари, буйруқлар, қарорлар ва бошқалар ҳисобланади. Профессионал хизмат, иқтисодий фаолият тури сифатида аудит юқорида келтирилган объектларни текшириш, уларга баҳо бериш ва бирон-бир хулосага келишни билдиради. Иқтисодий фан сифатида аудит белгиланган объектларни текшириш тартибларини, текшириш натижаларини аниқлаш, умумлаштириш, расмийлаштириш ва тадбиқ этиш усулларини ўргатади.

Аудитнинг предмети ва объектлари кўрсатиладиган аудиторлик хизматининг турига, унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга боғликдир. Мисол учун, комплекс аудиторлик текширувининг предмети бўлиб хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир ҳисобот

йиллардаги молиявий хўжалик фаолияти натижалари, улар мулки ва мулкни ташкил топиш манбалари, пул оқимлари, хусусий капиталдаги ўзгаришлар ҳисобланади. Тематик аудиторлик текширувининг предмети сирасига бухгалтерия ҳисобининг маълум бир бўлими ёки молиявий хўжалик фаолиятининг аниқ кўрсаткичи, хўжалик ситуациялари, шубҳали ёки мунозарали ҳолатлар киради. Аутсорсинг асосида олиб бориладиган профессионал аудиторлик хизматларининг предмети бўлиб мижоз корхона томонидан аудиторлик ташкилотига шартнома асосида юклатилган аниқ функциялар, жумладан, ҳисобни тиклаш, уни юритиб бериш, солиқ декларацияларини тузиб бериш ва бошқалар ҳисобланади. Консалтинг хизматлари предметига мижоз томонидан маслаҳат бериш сўралган масалалар ёки саволлар киради.

Профессионал аудиторлик хизматлари на фақат бухгалтерия ҳисобига тегишлидир. Профессионал аудиторлик хизматларининг предметига кирувчи объектларга бухгалтерия ҳисоби объектларидан ташқари бошқарув ҳужжатлари (бизнес-режа, буйруқлар, қарорлар, устав, шартномалар, баённомалар), маъсул ва моддий жавобгар шахслар фаолияти, улар ўртасидаги муносабатлар ва бошқалар ҳам киради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, профессионал аудиторлик хизматларининг предметини ташкил қилувчи объектларни қуйидагича таснифлаш мумкин (1.2.1-чизмага қаранг).

Аудит фан сифатида «Бугалтерия ҳисоби", "Иқтисодий таҳлил", «Молия», «Солиқ ва солиқ солиш» ва шу каби корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини турли жабхаларини ўрганувчи барча бошқа иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу фанлар берувчи иқтисодий билимларсиз, бир томондан, аудит фанининг моҳиятини тўлиқ тушуниб бўлмайди, иккинчи томондан аудитни амалий фаолият сифатида ўтказиб бўлмайди. Билимдан аудитор бўлиш ушбу тизим ходимларидан барча иқтисодий билимлар соҳаларини назарий асосларини, шунингдек амалий кўникмаларини чуқур билишни тақазо этади.



1.3-чизма. **Профессионал аудиторлик хизматлари предметини ташкил қилувчи объектлар**[19]

Аудитнинг методи ва унда қўлланиладиган усуллар

Аудит профессионал хизмат тури, махсус иқтисодий фаолият сифатида ўзининг предметини ташкил қилувчи объектларнинг макон ва замонда доимий ривожланишда акс эттиради. Шунингдек, аудит махсус фан сифатида уни предметини ташкил қилувчи объектларни, мос равишда, диалектика қонуниятларига асосан ўрганади ва тадқиқ этади. Айнан шундай ёндашиш аудитнинг фаолият ва фан сифатидаги методини ташкил этади.

Аудит методининг моҳияти унинг объектларини акс эттириш ва ўрганишда қўлланиладиган усулларнинг таснифи, тавсифи ва аҳамиятида ўзининг ёрқин аксини топади.

[19] Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М., Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудити". Дарслик.- Самарканд, "Фан булоғи" нашриёти, 2022. – 318-б.

Аудитда қўлланиладиган усулларни уларни аудиторлик хизматларининг қайси турида қўлланилиши қараб 3 та гуруҳга ажратиш мумкин (1.3.1-чизмага қаранг).



1.4-чизма. **Профессионал аудиторлик хизматларида қўлланиладиган усулларнинг гуруҳлари**[20]

Аудиторлик хизматларида қўлланиладиган усуллар гуруҳларини, ўз навбатида, қуйидаги гуруҳларга ажратиш ва улар таркибига қуйидаги усулларни киритиш мумкин (5-чизмага қаранг).

Аудиторлар аудиторлик текширувини ўтказишда ва аутсорсинг асосида кўрсатиладиган профессионал хизматларда бухгалтерия ҳисобида кенг қўлланиладиган барча усуллардан тўлиғича фойдаланадилар. Аудиторлик текширувларини ўтказишда ва аутсорсинг асосида хизматларни кўрсатишда бажарилган ишлар ҳажмини аниқлаш, уларга кетадиган меъёрий сарф-харажатлар, бухгалтерия ҳисоби хужжатларининг ва улардаги ёзувларнинг ҳаққонийлигини (мисол учун, имзоларнинг ҳаққонийлиги, хужжатларни кимнинг хуснихати билан тўлдирилганлиги ва шу кабиларни) аниқлаш заруриятлари туғилиши мумкин. Бундай ҳолларда аудиторлик текширувларида иқтисодий, инженерлик, техник, тиббий ва бошқа турдаги экспертиза усуллари қўлланилади.

Аудиторлар текширувларида ва консалтинг хизматларини кўрсатишда тегишли исботу-далилларни йиғиш ва жамлаш учун танлаб текшириш, тест, хронометраж, аудиторлик иш ҳужжатлари (жадваллари)ни тузишда маълумотларни гуруҳлаш ва таққослаш,

[20] Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М., Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудити". Дарслик.- Самарканд, "Фан булоғи" нашриёти, 2022. – 319-б.

фарқларни (четланишларни) аниқлаш, бу фарқларга таъсир қилган омилларни аниқлашда эса занжирли алмаштириш каби тахлил ва математик-статистика усулларидан кенг фойдаланадилар.



1.5-чизма. **Профессионал аудиторлик хизматлари турларида қўлланиладиган усуллар**[21]

Мавзуга оид таянч атамалар

Профессионал хизматлар - бу мазмун-моҳияти, бажариш техника ва технологияси, сифати ва бошқа тавсифлари бўйича махсус билим, амалий кўникма ва тажрибаларни талаб қилувчи, мос равишда, бундай талабларга жавоб берувчи малакали профессионал ходимлар томонидан кўрсатиладиган хизматлардир.

«Аудит» - бу лотинча **«auditing»** сўзидан олинган бўлиб, рус тилига ўгирилганда *«слушаю»,* рус тилидан ўзбек тилига ўгирилганда эса *«эшитаман»* маъносини англатади.

[21] Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М., Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудити". Дарслик.- Самарканд, "Фан булоғи" нашриёти, 2022. – 320-б.

«Аудитор» – бу лотинча **«auditor»** сўзидан олинган бўлиб, рус тилига *«слушатель», «ученик», «следователь»* маъноларида таржима этилган. Бизнинг тилимизга аудитор сўзини рус тилидан таржима этсак, у мос равишда *«эшитувчи», «ўқувчи»*, *«терговчи»* маъноларини англатади.

Аудит – хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил этиш ва назорат қилишнинг нисбатан янги йўналиши.

Аудит – бу бизнесни ўзига хос экспертизаси.

Аудит – бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни, бу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив хужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилиши.

Аудит (auditing) – бу даҳлсиз компетент ходим томонидан ахборотларни белгиланган мезонларга мослигини аниқлаш ва холисона хулоса бериши мақсадида хўжалик тизими тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва баҳолаш жараёни.

Аудиторлик фаолияти - аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти.

Профессионал аудиторлик хизматлари – бу аудиторлик ташкилотларининг хўжалик юритувчи субъектларга улар молиявий ҳисоботлари реаллигини холис аудиторлик текширувидан ўтказиш, шунингдек бухгалтерия ҳисоби, ички назорат, таҳлил, солиқ солиш, бюджетлаштириш ва бошқа молиявий-иқтисодий масалалар бўйича аутсорсинг ва консалтинг туридаги профессионал хизматларни кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти.

Мажбурий аудиторлик текшируви - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобот йили якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни реаллигини билиш мақсадида ўтказиладиган профессионал аудиторлик хизмати.

Комплекс аудит - молиявий хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олган аудиторлик текшируви.

Мослик аудити - хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини харакатдаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга мос равишда тузилганлигига хулоса бериш билан якунланадиган аудиторлик текшируви.

Ташаббусли аудит - хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташаббуси билан ўтказиладиган аудит

Тематик аудит - хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек бошқа қизиқувчи томонларнинг ташаббуси билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тегишли бўлган у ёки бу операцияларни, жараёнларни, аниқ активлар ва мажбуриятларни, молиявий муносабатларни, бухгалтерия ҳисобининг тегишли бўлимларини ёки хужжатларини аудиторлик текширувидан ўтказиш.

Молиявий аудит – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига баҳо бериш мақсадида ўтказилган аудит.

Бошқарув аудити - хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг бошқарув тизими самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилган аудит.

Бошқа профессионал аудиторлик хизматлари – бу аудиторлик ташкилоти томонидан мижозларга кўрсатилган бошқа турдаги профессионал хизматлар.

Аудитнинг предмети - аудиторлик текширувидан ўтадиган объектлар мажмуаси.

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1.Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри

а) аудит бухгалтерия ҳисобининг давоми

б) аудит бухгалтерия ҳисобининг дастлабки босқичи

в) аудит молиявий ҳисоботга баҳо бериш усули

г) аудит баланс ва ҳисоботнинг бошқа шаклларини тузиш усули

2.Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри

а) аудит жисмоний шахслар фаолияти

б) аудит хусусий тадбиркорнинг фаолияти

в) аудит махсус лицензияга эга аудиторлик ташкилотининг фаолияти

г) аудит бухгалтерлик фирмасининг фаолияти

3.Иш ҳақини тўғри ҳисобланганлиги ва ундан ушланмаларни текшириш

а) комплекс аудит ҳисобланади

б) тематик аудит ҳисобланади

в) бошқарув аудити ҳисобланади

г) молиявий аудит ҳисобланади

4.Қуйидагиларни қайси бири аудиторлик ташкилотининг фаолиятига тааллуқли эмас?

а) дебиторларнинг қарзларини ундириб бериш

б) ходимларга иш ҳақи ҳисоблаб бериш

в) қурилиш объекти лойиҳасини тайёрлаб бериш

г) акциялар га дивиденд ҳисоблаб беришсони

5**. Аудитнинг объекти ҳисобланмайди**

а) пул киримлари

б) пул чиқимлари

в) солиқ тўловлари

г) солиқ органининг қарори

6.**Аудиторлик текширувидан мажбурий ўтади**

а) қўшма корхона

б) хусусий корхона

в) давлат корхонаси

г) хорижий хусусий корхона.

1.2 Аудитнинг норматив-ҳуқуқий асослари

Аудит тадбиркорлик асосида амалга ошириладиган махсус иқтисодий фаолият, профессионал хизматларнинг муҳим тури сифатида давлатлар томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бизнинг республикамизда аудиторлик фаолиятини тартибга солиб турувчи асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонун», Президент фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ва улар билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар, аудиторлик фаолияти стандартлари ҳисобланади.

Республикамизнинг 2021 йил 25 февралда янги таҳрирда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонун» таркибан 9 та боб ва жами 55 та моддадан иборат (1.2.1-жадвалга қаранг).

1.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуннинг таркибий тузилиши

Қонуннинг боблари номерлари ва номлари		**Қонуннинг моддалари номерлари ва номлари**	
1-боб.	Умумий қоидалар	1-модда	Ушбу Қонуннинг мақсади
		2-модда.	Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик
		3-модда.	Асосий тушунчалар
		4-модда.	Аудиторлик фаолияти соҳасидаги асосий принциплар
		5-модда.	Мустақиллик принципи
		6-модда.	Холислик ва ҳалоллик принципи
		7-модда.	Чуқур касбий билимга эгалик принципи
		8-модда.	Ахборотнинг махфийлиги принципи
		9-модда.	Аудиторлик фаолияти стандартлари
2-боб.	Аудиторлик фаолияти соҳасини тартибга солиш	10-модда.	Аудиторлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари
		11-модда.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари
		12-модда.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари
		13-модда.	Ваколатли давлат органи фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш
		14-модда	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари
		15-модда.	Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари
		16-модда.	Аудиторлик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги
3-боб.	Аудитор ва унинг ёрдамчиси, аудиторнинг малака сертификати	17-модда.	Аудитор. Аудиторнинг ёрдамчиси
		18-модда	Аудиторларнинг малакасини ошириш
		19-модда.	Аудиторнинг малака сертификати
		20-модда.	Малака имтиҳони
		21-модда.	Сертификат олиш учун талабгорга қўйиладиган малака талаблари
		22-модда.	Сертификат олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун зарур бўлган ҳужжатлар
		23-модда.	Талабгорнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари
		24-модда.	Малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш
		25-модда.	Сертификатни расмийлаштириш ва қайта расмийлаштириш, унинг

			дубликатини бериш
		26-модда.	Сертификатнинг амал қилишини тугатиш
4-боб.	Аудиторлик ташкилоти. Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги	27-модда.	Аудиторлик ташкилоти
		28-модда.	Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари
		29-модда.	Аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари
		30-модда.	Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги
5-боб.	Аудиторлик ташкилоти томонидан хизматлар кўрсатиш	31-модда.	Аудиторлик хизматларининг турлари
		32-модда.	Аудиторлик текшируви
		33-модда.	Аудиторлик ташкилотларининг турдош хизматлари
6-боб.	Аудиторлик текширувларини ўтказиш	34-модда.	Аудиторлик текширувини ўтказишдаги чекловлар
		35-модда.	Мажбурий аудиторлик текшируви
		36-модда.	Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви
		37-модда.	Хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини ўтказиш чоғидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари
		38-модда.	Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви буюртмачисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
		39-модда.	Аудиторлик хулосаси
		40-модда.	Била туриб сохта тузилган аудиторлик хулосаси
7-боб.	Аудиторлик ташкилотларининг реестрини ва Аудиторлар реестрини юритиш	41-модда.	Аудиторлик ташкилотларининг реестри
		42-модда.	Аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш
		43-модда.	Аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқариш
		44-модда.	Аудиторлар реестри
8-боб.	Аудиторлар иши сифатининг ички назорати ва аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати	45-модда.	Аудиторлар иши сифатининг ички назорати
		46-модда.	Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назорати
		47-модда.	Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назоратини ўтказиш муддати ва асослари
		48-модда.	Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг асосий кўрсаткичлари ва уни баҳолаш
9-боб.	Якунловчи қоидалар	49-модда.	Халқаро ҳамкорлик
		50-модда.	Низоларни ҳал этиш
		51-модда.	Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик
		52-модда.	Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун

			ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш
		53-модда.	Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш
		54-модда.	Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш
		55-модда.	Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун мазмунидан кўриниб турибдики, у аудиторлик фаолияти ва аудиторлик хизматлари турларининг моҳияти, мақсади ва вазифаларини, аудиторлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатларини, аудиторлик ташкилоти, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, аудитор ва унинг ёрдамчиси, аудиторнинг малака сертификатини олиш, тўхтатиб туриш ва бекор қилиш, аудиторлик ташкилотлари реестрини ва аудиторлар реестрини юритиш, аудиторлик хизматлари турларини ўтказиш, аудиторлик хулосасини бериш, шунингдек аудиторлар иш сифатини баҳолаш ва назоратини ўтказиш тартибларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ аудиторлик фаолияти республикамизда фақатгина бу соҳада ваколатли давлат органи бўлган Молия вазирлиги реестрига киритилган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Аудиторлик ташкилотлари қонунчиликда назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда, бундан акциядорлик жамияти мустасно, ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг таъсисчилигида аудиторлик ташкилотларини тузиш қатъиян ман этилади.

Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун қуйидаги талабларга жавоб берувчи аудиторлик ташкилотлари давлат реестрига киритилади:

- аудиторлик ташкилоти ўзи учун асосий иш жойи бўлган аудиторларнинг энг кам сони штатдаги камида тўрт нафар аудитордан иборат бўлиши;
- аудиторлик ташкилотининг устав фонди (устав капитали) аудиторлик ташкилоти ўз фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланадиган мол-мулкдан, шу жумладан пул маблағларидан шакллантирилиши;

- устав фондидаги (устав капиталидаги) аудиторларга (аудиторга) тегишли бўлган улуш камида эллик бир фоизни ташкил этиши (бундан аудиторлик ташкилоти - чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба хўжалик жамияти ташкил этилган ҳоллар мустасно);
- аудиторлик ташкилотига фақат ўзи учун мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи бўлган аудитор раҳбар бўлиши.

Аудиторлик ташкилоти бошқа аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин эмас.

Юқоридаги талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда аудиторлик ташкилоти номувофиқлик юзага келган кундан эътиборан беш кун муддатда ваколатли давлат органини бу ҳақда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади ва юзага келган номувофиқликни кўрсатиб ўтилган санадан эътиборан уч ойдан кўп бўлмаган муддатда бартараф этиши ёхуд аудиторлик фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт. Ушбу талабларига номувофиқлик бартараф этилгунига қадар аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувлари ўтказиш тақиқланади.

Аудиторлик ташкилотининг филиали ташкил этилганда филиал раҳбари аудитор бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотининг фирма номида «аудиторлик ташкилоти» деган сўз бирикмаси бўлиши ва бу ном бошқа аудиторлик ташкилотларининг фирма номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгиларни ўз ичига олмаслиги керак.

Ўзи ҳақидаги маълумотлар Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига киритилган санадан эътиборан уч ой давомида у тўғрисидаги маълумотлар Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилмаган тижорат ташкилоти ўз номида «аудиторлик ташкилоти» деган сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Аудиторлик ташкилоти Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилган тақдирда, аудиторлик фаолиятини амалга оширишга ва фирма номида «аудиторлик ташкилоти» деган сўз бирикмасидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Аудиторлик ташкилотларининг устав капиталини шакллантириш муддати бошқа юридик шахслар сингари ташкил этилган кундан бошлаб бир йил ҳисобланади. Ушбу муддатда ўз устав капиталини шакллантирмаган аудиторлик ташкилотлари юридик статусга эга бўлмайдилар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ёпилиши лозим.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолияти билан реестрга киритилган кундан бошлаб шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Реестрга киритилгунга қадар ўтказилган аудиторлик текшируви қонуний

ҳисобланмайди, ушбу тартибга амал қилмаган аудиторлик ташкилотларининг фаолияти Молия Вазирлигининг буйруғи билан тўхтатилади, тегишли ҳолда у реестрдан чиқарилади.

Қонун аудиторлик ташкилотларининг ходимлари статусини белгилаб берувчи асосий ҳужжатдир. Бундай ходимлар бўлиб аудиторлар ва аудиторлар ёрдамчилари ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ (3,17-моддалар) **аудитор** – бу аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс. Бундай квалификацион сертификат Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ махсус курсларни битирган ва малака сертификати учун ушбу вазирликнинг буйруғи билан тасдиқланган давлат аттестацияси комиссиясига имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга берилади. Аудитор ўзи билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартнома асосида бир вақтнинг ўзида фақат битта аудиторлик ташкилоти таркибида ишлаши мумкин. Аудитор ўзи ишлайдиган фақат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги муносабати билан Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилган аудиторлик ташкилотини илгари бошқарган аудитор аудиторлик ташкилоти Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилган санадан эътиборан уч йил ичида бошқа аудиторлик ташкилотининг раҳбари бўлиши мумкин эмас.

Аудитор ёрдамчиси – аудиторнинг малака сертификатига эга бўлмаган, аудиторлик ташкилотида ишловчи ҳамда аудиторнинг топшириғига кўра аудиторлик хулосасига ва аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатга имзо қўйиш ҳуқуқисиз аудиторлик текширувида иштирок этадиган жисмоний шахсдир. Аудиторларнинг ёрдамчилари аудиторлик ташкилотига меҳнат шатномалари асосида ишга олинади. Уларнинг ёрдамчи сифатида ишлаган вақтлари аудиторлик квалификацион сертификатини олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади. Аудиторларга тегишли бўлган маълумотларни сир сақлаш талаби аудиторларнинг ёрдамчиларига ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

Аудиторлик ташкилотлари Қонунга мувофиқ (28-модда) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқишни амалга оширишга;

• аудиторлик текширувини ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил тарзда белгилашга;

• аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда олишга, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текширишга;

• хўжалик юритувчи субъект томонидан эълон қилинган аудиторлик ташкилоти танловларида иштирок этишга, шунингдек танлов шартлари билан танишиб чиқиш ва ўз таклифларини тақдим этишга;

• хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахсларидан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан, аудит қўмитасидан аудиторлик текшируви жараёнида юзага келган масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар олишга;

• учинчи шахслардан ахборотнинг ёзма тасдиқномаларини олишга;

• аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган тақдирда аудиторлик текшируви ўтказишни рад этишга;

• аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этиш учун бошқа мутахассисларни эксперт сифатида жалб этишга;

• аудиторлик текшируви билан қамраб олинадиган даврда хўжалик юритувчи субъектга турдош хизматлар кўрсатишга, бундан бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш, шу жумладан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тузиш, тафтиш комиссияси (тафтишчи) вазифаларини, инвестиция активларини ишончли бошқарувчи вазифаларини амалга ошириш мустасно;

• ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашишга ҳақли.

Аудиторлик ташкилоти қонунчиликка ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонунга (27-модда) мувофиқ аудиторлик ташкилотлари фақат аудиторлик фаолияти билан шуғулланишлари лозим, ушбу фаолиятни юритишда улар қонуннинг

29 моддаси билан белгиланган қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари керак:

ушбу Қонун, аудиторлик фаолиятининг стандартлари ва Профессионал бухгалтернинг одоб-ахлоқи кодекси талабларига риоя этиши;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

аудиторларга (аудиторга) устав фондидаги (устав капиталидаги) тегишли улуш камида эллик бир фоиз бўлишини таъминлаши (бундан аудиторлик ташкилотини - чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба хўжалик жамиятини ташкил этиш ҳоллари мустасно);

штатида асосий иш жойи аудиторлик ташкилоти бўлган камида тўрт нафар аудитор мавжуд бўлишини таъминлаши;

аудиторларнинг йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишини таъминлаши;

аудиторлик фаолиятини фақат аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда амалга ошириши;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида мустақилликни таъминлаши;

аудиторлик хизматлари буюртмачисининг талабига кўра аудитор (аудиторлар) сертификатини, аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полисини кўрсатиши;

аудиторлик текширувини ўтказишга доир аудитнинг халқаро стандартлари талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътирозларига асос бўлган қонунчилик ҳужжатлари нормалари ҳақидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъектнинг сўровига биноан тақдим этиши;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши;

аудиторлик текшируви натижаларини аудиторлик фаолияти стандартларига мувофиқ расмийлаштириши ва аудиторлик хулосаларининг нусхаларини аудиторлик ташкилотида камида беш йил сақлаши;

ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъектнинг идентификация маълумотларини ва аудиторлик хулосасини кўрсатган ҳолда ўз расмий веб-сайтларига ёки аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириши;

аудиторлик ташкилотлари рэнкингини ўтказиш учун ахборот тақдим этиши;

бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишлари тўғрисида ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқ тасдиқловчи фактлар ҳақида хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятини ва корпоратив бошқарув учун масъул бўлган шахсларни, аудит қўмитасини ёзма шаклда хабардор қилиши;

аудиторлар иши сифатининг ички назорат тизимини ўрнатиши ва унга риоя этиши;

аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказишга монелик қилмаслиги;

ўз почта манзили ва электрон манзили ўзгарганлиги тўғрисида, аудиторлик ташкилотининг раҳбари алмашганлиги ва (ёки) аудиторлар таркиби ўзгарганлиги ҳақида ваколатли давлат органини беш кунлик муддатда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиши;

ҳар йили 20 январга қадар аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органига ёзма ёки электрон шаклда тақдим этиши шарт.

Аудиторлик ташкилотининг зиммасида қонунчиликка ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қонунга мувофиқ (30-модда):

* аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида уларга молиявий ҳисоботлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисидаги нотўғри якунни ўз ичига олган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида етказилган зарар учун жавобгар бўлади;

*жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун аудиторлик ташкилоти раҳбари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади;

*маълумотлари Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилмаган ташкилот томонидан аудиторлик текширувини ўтказганлик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонунга мувофиқ (34-модда) аудиторлик ташкилотлари касбий хизматлар кўрсатган хўжалик юритувчи субъектларга бир вақтнинг ўзида аудиторлик текширувини ҳам ўтказиб беришлари мумкин эмас. Бундан ташқари, Қонуннинг ушбу моддасига асосан аудиторлик

ташкилотларига қуйидагиларга нисбатан аудиторлик текширувини ўтказиш тақиқланади:

*мазкур аудиторлик ташкилотининг кредиторлари, суғурталовчилари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шунингдек ушбу аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар ўзининг муассислари, иштирокчилари, акциядорлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан;

*муассиси, иштирокчиси, акциядори ёки раҳбарлик вазифаларини ёхуд бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахси, аудит қўмитаси аъзоси бир вақтнинг ўзида мазкур аудиторлик ташкилотининг ходими бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан;

*ходимлари муассиснинг, иштирокчининг яқин қариндошлари ёки раҳбарлик вазифаларини ёхуд бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахснинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект аудит қўмитаси аъзосининг яқин қариндошлари бўлган;

*аудиторлик ташкилотининг ёки аудиторнинг манфаатдорлиги молиявий ҳисобот ва у билан боғлиқ молиявий ахборот тўғрисида фикр билдиришга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда.

Аудиторлик ташкилоти кетма-кет етти йилдан кўпроқ айни бир хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини ўтказишга ҳақли эмас.

Аудиторлик фаолиятини юритишда ушбу фаолиятга доир стандартлар катта аҳамият касб этади..

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) – бу Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан нашр қилинадиган аудитнинг халқаро стандартларидир. Ушбу стандартларга қуйидаги киради (1.2.2-жадвал).

1.2.2-жадвал

Аудитнинг халқаро стандартлари

АХС коди	АХС номи
200-сон АХС	Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш»
210-сон АХС	Аудит келишуви шартларини келишиш
230-сон АХС	Аудитни ҳужжатлаштириш
240-сон АХС	Молиявий ҳисоботлар аудитидаги фирибгарликка нисбатан аудитор мажбуриятлари
250-сон АХС	Молиявий ҳисоботлар аудитида қонунлар ва меъёрий

	ҳужжатларни эътиборга олиш
260-сон АХС	Бошқарув юклатилган шахслар билан ахборот алмашинуви
265-сон АХС	Ички назоратдаги камчиликлар юзасидан бошқарув юклатилган шахслар ва раҳбарият билан ахборот алмашинуви
300-сон АХС	Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш
315-сон АХС	Муҳим бузиб кўрсатишлар рискларини тадбиркорлик субъекти ва унинг муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш
320-сон АХС	Аудитни режалаштириш ва бажаришда муҳимлик
330-сон АХС	Баҳоланган рискларга жавобан аудиторнинг ҳаракатлари
402-сон АХС	Хизмат кўрсатувчи ташкилот хизматларидан фойдаланадиган тадбиркорлик субъектлари аудитини ўтказиш жиҳатлари
450-сон АХС	Аудит ўтказиш жараёнида аниқланган бузиб кўрсатишларни баҳолаш
500-сон АХС	Аудиторлик далиллари
505-сон АХС	Ташқи тасдиқномалар
510-сон АХС	Дастлабки аудит келишувлари – бошланғич қолдиқлар
520-сон АХС	Таҳлилий тартиб-таомиллар
530-сон АХС	Аудиторлик танлови
540-сон АХС	Ҳисоблаб чиқилган баҳолар, шу жумладан ҳаққоний қиймат бўйича ҳисоблаб чиқилган баҳолар, ва улар билан боғлиқ очиб бериладиган маълумотлар
550-сон АХС	Ўзаро боғлиқ томонлар
560-сон АХС	Кейинги ҳодисалар
570-сон АХС	Фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги фараз
580-сон АХС	Ёзма баёнотлар
600-сон АХС	Махсус кўриб чиқишлар – гуруҳ молиявий ҳисоботларининг аудитлари (жумладан компонент аудиторлари ишлари)
610-сон АХС	Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш
620-сон АХС	Аудитор томонидан жалб қилинган эксперт ишидан фойдаланиш
700-сон АХС	Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва ҳисобот (хулоса) бериш
705-сон АХС	Мустақил аудитор ҳисоботи (хулосаси)да фикрни модификациялаш
706-сон АХС	Мустақил аудитор ҳисоботи (хулосаси)да тушунтириш параграфлари ва бошқа масала параграфлари
710-сон АХС	Қиёсий ахборот – қиёсий кўрсаткичлар ва қиёсий молиявий ҳисоботлар
720-сон АХС	Аудит ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисоботлар ифодаланган ҳужжатлардаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги
800-сон АХС	Махсус масалалар – махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудити
805-сон АХС	Махсус масалалар – айрим молиявий ҳисоботлар ҳамда молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, счётлар ёки моддалар аудити
810-сон АХС	Қисқартирилган молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот (хулоса) тақдим этиш келишувлари
910-сон АХС	Молиявий ҳисоботнинг шарҳи бўйича келишув
920-сон АХС	Молиявий ҳисоботга тааллуқли амалларни бажариш бўйича келишув
930-сон АХС	Молиявий маълумотларнинг компиляцияси бўйича келишув

Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилоти мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжат-лари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжат-лари билан олдиндан танишиб чиқиш;

аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш;

аудиторлик текширувини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;

учинчи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни хўжалик юритувчи субъектдан олиш;

ишончли аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган барча ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган тақдирда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш;

аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этишга аудиторлар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш.

аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжат-лари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжат-лари билан олдиндан танишиб чиқади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари яъни устави ва таъсис шартномаси билан танишиш аудиторга бўлғуси мижозининг юридик мақоми, фаолият тури, предмети ва таъсисчилари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Бунда аудитор корхонанинг асосий устав фаолияти, уставнинг қачон ва қайси давлат органида рўйхатга олинганлиги ҳамда нотариал идора томонидан тасдиқланган-лигига эътибор бериши керак. Шунингдек, таъсис шартномасига мувофиқ таъсисчилари кимлар, уларнинг юридик мақо-ми, устав капиталидаги иштироки (улуши), молия-хўжалик фаолияти

бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишади.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжатлари билан танишиш аудитор учун корхонада бухгалтерия ҳисобининг қайси шакли (мемориал-ордер, журнал-ордер, жадвал-автоматлаштирилган ва б.) қўлланилиши, бухгалтерия аппара-тининг ҳажми ва тузилиши, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишнинг қай даражада меъёрий таъминланганлиги, умумий молиявий аҳвол ва бошқалар тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш.

Қонунда белгиланган ушбу ҳуқуқлар текширув жараёнида зарур бўлган, мижоз-корхонанинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни ҳеч қандай тўсқинликсиз тўлиқ ҳажмда олиш имконини беради. Шунингдек, аудитор ушбу ҳужжатларда акс эттирилган мол-мулкларнинг ҳақиқатда мав-жудлигини ва мажбуриятлар ҳолатини тегишли усуллар (инвентаризация қилиш, қарама-қарши текширув ва ҳ. к.) билан текшириш ҳуқуқига эга. Мижоз-корхона эса аудитор талаб қилган барча ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этиши, мол-мулклар мавжудлиги ва мажбуриятлар ҳолатини текширишга зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим.

Аудитолик текширувини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш.

Аудитор текширув жараёнида аниқланган хато-камчилик-лар, хусусан камчиликлар ва уларнинг сабаблари ҳамда моддий жавобгар шахслардан ёзма ва оғзаки тушунтириш олади. Шунингдек, аудиторлик текширувини бошлашдан олдин ҳам моддий жавобгар шахслар (кассир, омборчи ва б.)дан белгиланган тартибда тилхат олади.

Шу билан бирга аудитор зарур ҳолларда учинчи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни хўжалик юритувчи субъектдан олишга ҳам ҳақли.

Ишончли аудиторлик хулосаси тузиши учун барча ахборотлар хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган ҳолларда аудитор текширув ўтказишдан бош тортиши ва бу ҳолни №70-«Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ҳа-қидаги аудиторлик ҳулосаси» номли АФМС га мувофиқ «Аудиторлик ташкилотининг

аудиторлик хулосаси тузишдан воз кечиш тўғрисидаги аризаси» билан расмийлаштириши мумкин.

Булардан ташқари аудиторлик ташкилоти заруратдан келиб чиқиб текширувда иштирок этишга бошқа аудиторлар ва мутахассисларни ҳам белгиланган тартибда жалб этиш ҳуқуқига эга.

Аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотларининг мажбуриятлари. Аудиторлик ташкилотларининг мажбуриятлари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонуннинг 7-моддасида белгиланган. Унда таъкидланишича, аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти билангина шуғулланиши мумкин. Ушбу қонуннинг 3-моддасига мувофиқ «аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»

Шунингдек, аудиторлик ташкилотининг зиммасига қуйи-даги мажбуриятлар юклатилади:

аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганида ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

аудиторлик текшируви ўтказишга доир шартнома тузишдан олдин буюртмачининг талабига биноан аудиторлик фаолиятини ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияни, аудитор (аудиторлар)нинг малака сертификатини тақдим этиши;

хўжалик юритувчи субъектнинг сўровига биноан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларининг талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътирозлари асосланилган қонун ҳужжатларининг нормалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотларнинг махфийлигига риоя этиши;

аудиторлик ҳисоботида молиявий-хўжалик операцияларининг қонунийлиги бузилиши фактларини ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни акс эттириши;

хўжалик юритувчи субъектга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари зарар этказилганлигини аниқ тасдиқлаб турган фактларни аниқлаган тақдирда бу ҳақда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятига (мулкдорига) маълум қилиши ҳамда аудиторлик хулосасига тегишли қайдни киритиши шарт. Зарур ҳолларда аудиторлик текширувининг натижаларини маълум қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашчиларнинг (акциядорларнинг) умумий йиғи-лиши чақирилишини талаб қилиши шарт.

Аудиторлик ташкилоти зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги. «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги» Қонуннинг 8 моддасига мувофиқ аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри якундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга этказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Аудиторлик текширувини сифациз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ва (ёки) аудиторлик текширувининг буюртмачисига этказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт.

Шунингдек, аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 336 моддасига мувофиқ икки тарафлама шартномани бажармаслик оқибати-да ҳам вужудга келади. Унда кўрсатилишича: агар икки тарафлама шартномада бир тараф ўзи жавобгар бўлган вазият туфайли уни бажариши мумкин бўлмай қолса, иккинчи тараф, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномадан воз кечишга ва шартноманинг бажарилмаслиги туфайли этказилган зарарни ундириб олишга ҳақли.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия уни берган давлат органи томонидан қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

аудиторлик ташкилоти лицензияни бекор қилиш тўғри-сида ариза билан мурожат қилганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

махсус ваколатли давлат органининг лицензия бериш тўғрисидаги қарори ноқонунийлиги аниқланганда;

агар аудиторлик ташкилоти унга лицензия бериш тўғри-сидаги қарор қабул қилингани ҳақида хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой муддат ичида махсус ваколатли давлат органига лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса.

Аудиторлик стандартларининг асосини ташкил этувчи тамойиллар

Америка Қўшма Штатларида аудит стандартлари тарихан ўн умумий қабул қилинган аудит стандартлари (одатда ўн стандартлар деб аталади) молиявий ҳисоботлар аудити учун пойдевор бўлиб хизмат қилган. Айни пайтда, ПСАОБ (улар ўз муваққат стандартлари қисми сифатида ПСАОБ томонидан қабул қилинган) стандарти бу ўн стандартларни бирлаштирадиган стандарт ташкил этди. АИСПА этти тамойиллари билан ўн стандартлари ўрнини алмашди. Таҳриран аудит стандартлари фарқи бўлса-да, асосий мақсад аудит сифатли тарзда амалга оширилиши керак.

ПСАОБ қўлланма- Ўн Стандартлар

Ўн стандартлари учта турга бўлинади:

Умумий стандартлари аудитор ва аудит фирмаси учун амал қилади ва танлаш ва жамоатчилик ишончини қондириш учун ўз мутахассисларини тайёрлашда йўл-йўриқ кўрсатади. Умумий стандартлар қуйидагиларни талаб этади:

1. Аудит жарёни аудитор томонидан этарли техник таълим ва малакага эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши лозим.
2. Аудиторлар аудиторлик текширувини ўтказишда уларнинг руҳий муносабатда мустақил бўлиши (аслида мустақиллик) ва фойдаланувчилар томонидан мижознинг (қиёфаси мустақиллик) мустақил идрок қилиниши ҳисобланади.
3. Аудит -профессионал эҳтиёткорлик билан стандарт асосида кучли эътибор асосида аудитор томонидан олиб борилади.

Ёрдамчи стандартлар аудит ўтказишда амал қилади ва қуйидагиларни талаб этади:

4. Аудит тўғри режалаштирилган ва назорати остида бўлади.
5. Аудитор муайян аудит тести ишлаб чиқиш муҳим шарт сифатида, мижознинг назорат тушунчасини ривожлантиради.
6. Аудитор аудит хулосасини тақдим этишда, этарли даражадаги тегишли аудит далилларни олишини таминлайди.

Ҳисобот стандартлар аудиторлик ташкилотининг хулосаси учун амал қилади ва қуйидагиларни талаб этади:

7. Аудитор молиявий ҳисоботларни Умуман қабул қилинган Бухгалтерия тамойиллари (ГААП) ёки Молиявий ҳисоботнинг Халқаро стандартлар (ИФРС) доирасида ўзининг ижобий хулосасини тақдим этиди.

8. Аудитор аудиторлик ҳисоботида олдинги даврга нисбатан жорий даврда кузатилмаган ҳолатларда бухгалтерия принципларини аниқлаштиради

9. Аудитор этарлилик даражасини кўриб чиқади, ва аудитор ахборот изоҳлари этарли эмас деб хулоса қилса, аудитор буни аудиторлик ҳисоботида акс эттириши шарт

10. Аудитор тўлиқ изҳолай олмаган фикрини молиявий ҳисобот буйича аудиторлик хулосасида билдиради

АИСПА: аудитини этакчи тамойиллари

АИСПА ўн стандартлари ўрнига, аудитда этакчи этти асосий тамойилларни ишлаб чиқди. Уларнинг ўзига хос тамойиллари тўрт категория бўлиб, улар қуйидагилар:

Аудит жараёнида аудитнинг мақсади.

1. Аудитнинг мақсади фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботнинг ишонч даражасини оширишдан иборат. Аудитор молиявий ҳисобот устида хулоса билдирганда бу мақсадга эришилади.

2. Аудит бу менежментнинг жавобгарлигидаги тайёрланган молиявий ҳисоботлар, молиявий ҳисоботлар устидан ички назоратни таъминлаш, ва аудитор учун тегишли ахборот билан таъминлаш ва аудиторга фойдаланишга рухсат булишига асослангандир.

Мажбуриятлар

3. Аудиторлар тегишли ваколат ва имкониятларини сақлаб қолиш учун аудит давомида профессионал шубҳа ва ахлоқий талабларга риоя қилиш керак

Бажариш

4. Аудитор молиявий ҳисоботлардаги муҳим хато мавжуд бўлганда сабабларини билиши лозим.

5. Асосли сабабларини олганда аудитор режалаштириш ва кузатиши, жиддийлик даражасини аниқлаши, жиддий хатоларни рискини аниқлаши, аудит жараёнини тузиш ва амалга ошириш учун рискларни баҳолаши.

6. Аудитда аудитор молиявий ҳисоботларда мавжуд жиддий хатолар ҳақида мутлақ ишонч билан таъминлаш имкониятига эга бўлмагаб табиий чекловлар мавжуд.

Ҳисобот

7. Аудитор тўлиқ изҳолай олмаган фикрини молиявий ҳисоботда жиддий хатолик буйича аудиторлик хулосасида билдиради

Аудиторлик хулосасини шакллантириш жараёни

Аудитор сифатида сиз фақат бир ташкилотнинг молиявий ҳисоботи аудитни амалга оширришингиз мумкин, ёки сиз ташкилотнинг молиявий ҳисоботлар аудити ва молиявий ҳисоботларни устидан ички назорат интеграциясини амалга оширишингиз мумкин. Комплекс аудит АҚШда йирик акциёнерлик компаниялари учун талаб қилиниб, уни асосий тамойиллари ҳар қандай молиявий ҳисоботлар аудити учун амал қилади. "Комплекс аудитнинг ижобий томони" амалий аудитда кўрсатилишича, молиявий ҳисобот аудити ва ички назорат интеграцияси аудитда самарадорликка олиб келади.

Аудит хулосасини шакллантириш жараёни асосан молиявий ҳисобот аудити ва комплекс аудит учун бир хил бўлади. Бироқ, комплекс аудитда аудитор молиявий ҳисобот устидан ички назорат тизимининг самарадорлиги фикрини беради ва молиявий ҳисоботлар устида хулоса беришда қўшимча аудит ишини амалга оширади. Хусусан, аудитор мижознинг баланс санасидаги ички назорат шаротида жиддий хатолик мавжуд бўлганда аудиторнинг режалаштириш ва амалга ошириш иши.

Мавзуга оид таянч атама

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) – бу Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан нашр қилинадиган аудитнинг халқаро стандартларидир.

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри

а) аудит Қонун устиворлигига дахлдор эмас

б) аудит Қонун устиворлигига бўйсинади

в) аудит стандартлари меъёрий ҳужжат ҳисобланмайди

г) аудит стандартлари биринчи даражали меъёрий ҳужжатдир

2. Қуйидагиларни қайси бири аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқига кирмайди?

а) дебиторлардан маълумотларни тасдиғини сўраш

б) буюртмачи ахборотларини прокуратурага етқазиш

в) моддий жавобгар шахслардан тушинтиришлар олиш

г) корхона фаолиятини таъсисчилар йиғилишидаги муҳокамасида қатнашиш

3. Аудиторлик ташкилотлари тузилмайди

а) қўшма корхона сифатида

б) ёпиқ акционерлик жамияти сифатида
в) очиқ акционерлик жамияти кўринишида
г) хусусий корхона сифатида

4. Аудиторлик текширувидан мажбурий ўтмайди

а) қўшма корхона
б) акционерлик жамияти
в) давлат корхонаси
г) хайрия фондлари

5. Прокуратура буюртмаси билан ўтказилган аудит шартномаси тузилади

а) аудит ўтқазилган корхона ва прокуратура ўртасида
б) прокуратура ва аудиторлик ташкилоти ўртасида
в) аудиторлик фирмаси ва корхона ўртасида
г) уч томоннинг иштирокида

6. Аудиторлик текшируви тўғрисида шартнома тузилади

а) дастлабки кузатишсиз
б) дастлабки кузатиш натижалари асосида
в) суд органининг тавсияси билан
г) солиқ органининг қарори билан

1.3. Аудиторнинг касб этикаси

Аудиторларнинг юқори даражадаги касб маҳорати ўтказиладиган аудиторлик текширувлар ва профессионал хизматлар энг юқори даражада амалга оширилишининг гарови ҳисобланади.

Айнан шунинг учун ҳам Молия Вазирлиги томонидан аудиторлик фаолияти билан шуғулланишга юқори талаблар ўрнатилган.

Аудитор этикаси (ахлоқи). Юзаки қараганда унчалик таниш ва одатий бўлмаган сўз бирикмаси. Масалан, педагог ёки врач этикаси, одатда, ҳаммага таниш ва ҳеч кимни ҳайратлантирмайди. Булар касб этикасининг турлари бўлиб, кишиларнинг касбий фаолиятларидан келиб чиқади ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маънавий-аҳлоқий жиҳатларини тавсифлайди. Барча ахлоқий талаблар умуминсоний негизга эга бўлишига қарамасдан, айрим касб турлари учун уларнинг ўзига хос аҳлоқий меъёрлари шаклланган. Бундай касб эгалари соҳани ҳам назарий, ҳам услубий, ҳам амалий жиҳатдан юксак профессионал даражада билишлари билан бирга, шаклланган, меъёрий-ҳуқуқий асосга эга аҳлоқий жиҳатлари билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. Аудиторлик ҳам мана шундай мураккаб касблар қаторига киради.

Шу боисдан, мамлакатимизда «Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид аҳлоқ кодекси» ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторларининг миллий ассоциацияси (ЎБАМА томонидан-26.08.2005й.) ва Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси (ЎАП томонидан-25.06.2005й.) амалиётга тадбиқ этилди.

Юқорида таъкидланганидек, врач этикаси, Гиппократ қасамёди бизга қадимдан таниш тушунчалар. Аудитор бажарадиган ишларни эса врач вазифалари билан қиёслаш мумкин. Фарқи шундаки, врач бажарадиган хайрли иш инсон организми билан боғлиқ бўлса, аудитор фаолияти «корхона организми» устида, унга аниқ «ташҳис» қўйиб, молиявий соғломлаштириш устида олиб борилади.

Лекин, айрим ҳолларда аудитордан «вазиятни тушуниш», «юз-хотир қилиш», «кўзни чирт юмиш» кабилар талаб қилинади. Бундай ҳолларда қандай йўл тутиш кераклиги «Ўзбекистон аудиторларининг касб этикаси кодекси» лойиҳасида баён этилган.

Кодекс 18 та моддадан иборат бўлиб, аудиторлар олдига қўйиладиган аҳлоқий талаблар мазмуни ҳақида ушбу моддалар орқали тасаввурга эга бўлиш мумкин:

1-модда. Виждонлилик ва обективлик.

2-модда. Аҳлоқий низоларни ҳал этиш.

3-модда. Профессионал компетентлилик.

4-модда. Махфийлик.

5-модда. Солиқ амалиёти.

6-модда. Халқаро фаолият.

7-модда. Омма учун ахборотни тақдим этиш.

8-модда. Мустақиллик.

9-модда. Касбий лаёқатлилик ва аудитор бўлмаган шахслардан фойдаланишга боғлиқ мажбуриятлар.

10-модда. Шартнома бўйича ва комиссион тўловлар.

11-модда. Аудитор амалиётига мувофиқ келмайдиган фаолият.

12-модда. Бошқа аудиторлар билан муносабатлар. Янги ходимларни қабул қилиш.

13-модда. Реклама ва хизматларни таклиф қилиш.

14-модда. Манфаатлар низоси.

15-модда. Ҳамкасбларни қўллаб-қувватлаш.

16-модда. Профессионал компетентлилик.

17-модда. Ахборотларни тақдим этиш.

18-модда. Интизомий чоралар.

Аудиторлик касбининг ахлоқий меъёрлари унинг тарихий тараққиёти йўлида шаклланган: мустақиллик, компетентлилик (пухта билимга эгалик), ҳалоллик, виждонлилик, ҳаққонийлик ва махфийлик

(сир сақлаш) каби халқаро принциплари негизида шаклланган. Ушбу принциплар мазкур лойиҳанинг юқорида келтирилган моддаларида ўз ифодасини топган. Шу боисдан, буларга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Лойиҳада малакали аудиторларнинг касбга оид аҳлоқий меъёрлари мужассамлашган, аудиторлик ҳамжамияти муҳитида қарор топган аҳлоқ-одоб қадриятлари аниқланган. Умуминсоний ва касб этикаси меъёрларига аудиторлик ташкилотининг раҳбари, ҳар бир аудитори ва бошқа ходимлари қатъий риоя қилишлари зарур.

Аудитор учун энг юқори аҳлоқий меъёр ҳар қандай вазиятда ҳам қонунни устун қўйиш, ишончга сазовор аниқ дилилларга асосланган аудиторлик хулосаси тузиш, йўл қўйилган хато-камчиликларни таҳлил қилиб, уларни тузатиш йўлларини аниқлаш, корхона молиявий аҳволини яхшилайдиган тавсиялар беришдан иборат. Бунинг учун аудиторнинг касб маҳорати виждон, ор-номус каби аҳлоқий фазилатлар билан ҳам уйғунлашган бўлмоғи лозим.

Аудитор ҳамма вақт мустақил бўлиши керак. Бу принцип, агар аудиторлик ташкилоти ва мижоз-корхона ўртасидаги муносабатлар (молиявий, қариндош-уруғчилик ёки шахсий тобелик, бошқарув органлари ёки умумий лойиҳаларда қатнашиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича олдиндан хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) аудиторлик фаолияти натижаларига таъсир кўрсатадиган бўлса, аудиторлик ташкилоти аудит ўтказиш ёки профессионал хизмат кўрсатишдан воз кечиш лозимлигини билдиради.

Аудит ўтказиш ёки профессионал хизмат кўрсатиш чоғида аудитор профессионал компетентлиликка риоя қилиши зарур. Аудит ўтказиш ёки профессионал хизмат кўрсатиш бўйича мажбурият олган аудитор мазкур соҳада ўзининг компетентлилигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Хусусан, ўз мажбуриятини виждонан бажариши, аудиторлик хизматларини кафолатлай олиши учун замонавий методикага асосланган ва барча амалдаги меъёрий ҳужжатлар қоидалари ҳисобга олинган, этарли даражадаги билим ва тажрибага эга бўлиши лозим.

Аудитор ўзининг билим ва тажрибаси этишмаган, ҳамда унинг малака сертификатига мос келмаган ҳолларда аудиторлик текширувлари ўтказмаслиги ва профессионал хизматлар кўрсатмаслиги керак.

Аудиторлик ташкилоти мураккаб масалаларни ҳал қилишда аудиторга ёрдам бериш учун малакали эксперт-мутахассисларни жалб қилиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса, Луқмони Ҳакимнинг ўгли Саронга айтган: «Билмаган нарсангда устозлик қилма» деган насиҳатини эслатишимиз ўринлидир.

Аудиторлар бухгалтерлик ҳисоби, солиққа тортиш, молиявий

фаолият ва фуқаролик ҳуқуқи, аудитни ташкил этиш ва режалаштириш, қонунчилик, бухгалтерлик ҳисоби ва аудиторлик фаолиятининг миллий ва халқаро стандартлари, ҳамда нормалари соҳасидаги ўз профессионал билимларини доимо янгилаб боришлари лозим.

Аудит ўтказиш ёки профессионал хизмат кўрсатишда аудитор ҳалол бўлиши, барча вужудга келган вазиятлар ва реал фактларни шахсий адоватларга йўл қўймасдан, холисона ўрганиши, аудиторлик фаолиятининг халқаро ва миллий стандартлари талабларига риоя қилиши лозим. Агар у ҳалолликни рад этиб, тез бойлик орттириш мақсадида «имзосини сотиш» йўлига ўтиб олса, ўзининг касб маҳоратини йўқотади. Натижада, аудиторлик хизмати бозорида ўзига ўрин топа олмайди ва аудиторлик ҳамжамиятида беобрў бўлиб қолади.

Аудитор солиқ қонунчилигининг барча жиҳатларига қатъий риоя қилиши лозим. Солиққа тортиш бўйича профессионал хизмат кўрсатиш чоғида аудитор мижоз-корхона манфаатларини ҳимоя қилади. Лекин у мижоз-корхона солиқни яшириш ва солиқ органини алдаш мақсадида ҳужжатларни қалбакилаштиришга йўл кўрсатмаслиги керак. Солиқ ҳисоб-китоблари ва тўланиши бўйича текширув жараёнида аниқланган барча хато-камчиликлар тўғрисида мижоз-корхона маъмуриятига билдириши зарур.

Аудитор текширув жараёнида олинган мижоз-корхона фаолияти тўғрисидаги барча ахборотларни, унинг билан алоқа тўхтатилган ёки давом этаётганлигидан қатъий назар, чекланмаган вақт давомида махфий сақлаши лозим. Аудитор ушбу ахборотларни ўз фойдаси учун ёки ҳар қандай учинчи томон фойдаси учун, ҳамда мижоз-корхона манфаатларига зид равишда ишлатишга ҳақли эмас. Аудиторлик ташкилоти, аудитор ёрдамчилари ҳамда бошқа ходимлари махфий ахборотларнинг сақланиши учун жавобгар ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолларда мижоз-корхоналарнинг махфий ахборотларини чоп этиш ва бошқа шаклда ошкор қилиш профессионал этикани бузиш ҳисобланмайди:

- Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик Фаолияти Миллий стандартларига риоя қилишда;
- Судлашув жараёнларида аудиторларнинг профессионал манфаатларини ҳимоя қилишда;
- Ташкилот, иштирокчи ёки профессионал орган томонидан ўтказилган шарҳлар сифатининг мувофиқлигини текширишда;
- Ташкилот, иштирокчи ёки тартибга солувчи орган томонидан ўтказилган сўров ёки тергов жараёнида саволларга жавоб беришда.

Аудиторлик ташкилоти ўз профессионал хизматларининг шарт-

шароитлари ва ҳақ тўлаш тартибини мижоз-корхона билан олдиндан келишиб, шартномада акс эттириши зарур. Аудиторлик хизматлари учун тўланадиган ҳақ кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми ва сифати билан аниқланиб, уларнинг мураккаблиги, аудиторларнинг малакаси, тажрибаси, профессионал обрўси ва масъулиятлилик даражасига боғлиқ. Аудиторлик хизматларини реклама қилиш ҳалол, одоб доирасидан четга чиқмаган, мижозларни алдаш ва адаштириш эҳтимолидан узоқ бўлиши лозим.

Аудиторлар ҳамкасблари билан яхши муносабатда бўлишлари, улар билан аудиторлик тажрибаларини алмашишлари, улар фаолиятини асоссиз танқид қилмасликлари лозим. Ҳамкасбларининг камчиликларини кўрсатиш фақат дўстона ва самимий тарзда бўлиши керак.

Юқорида кўрсатилган аҳлоқ меъёрларига риоя қилиш аудиторларнинг юқори аҳлоқи ва профессионал масъулиятлари жамоатчилик фикрида ушбу касбга ҳурмат ва ишончни сақлашнинг обектив зарурлиги билан кафолатланади.

Халқаро амалиётда «Аудиторларнинг касб аҳлоқи Кодекси» вақти-вақти билан янгиланиб, айрим қоидалари янги таҳрирда тасдиқланмоқда, уларга янги тушунтиришлар ва изоҳлар бериб борилмоқда.

Мавзуга оид таянч атамалар

Аудитор этикаси (ахлоқи)- Юзаки қараганда унчалик таниш ва одатий бўлмаган сўз бирикмаси. Масалан, педагог ёки врач этикаси, одатда, ҳаммага таниш ва ҳеч кимни ҳайратлантирмайди. Булар касб этикасининг турлари бўлиб, кишиларнинг касбий фаолиятларидан келиб чиқади ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маънавий-аҳлоқий жиҳатларини тавсифлайди

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. «Ўзбекистон аудиторларининг касб этикаси кодекси» қачон қабул қилинган?

А. 2002- йил 13 -май.
Б. 2004- йил 5 - апрел.
С. 1999 -йил 15- январ.
Д. Кодекс ҳали қабул қилинмаган.
Е. Тўғри жавоб йўқ.

2. «Ўзбекистон аудиторларининг касб этикаси кодекси» лойиҳаси нечта моддадан иборат?

А. 15 модда.
Б. 22 модда.
С. 18 модда.
Д. 25 модда.
Е. 19 модда.

3. Аудиторлик касбининг мақсади нимада намоён бўлади?
А. Корхона молиявий маълумотлари тўғрисида тегишли юқори ташкилотларга ахборот бериш.
Б. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш.
С. Асосан жамият эҳтиёжларини қондириш учун энг юқори самарадорликка эришиш учун олий даражадаги профессионализм меъёрларига мос ишлашдан иборат.
Д. А ва Б.
Е. тўғри жавоб келтирилмаган.

II ВОВ. АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1 Аудиторлик текширувини режалаштириш

Ҳар қандай фаолият, хусусан аудиторлик фаолияти ҳам самарали бўлиши учун даставвал, унинг пухта ва аниқ режаси ёки дастурини тузиш лозим. Уларнинг мазмуни қўйилган мақсад ва уни бажариш учун белгиланган аниқ вазифалардан келиб чиқади. Аудитнинг мақсадлари хусусан қуйидагилардан иборат: бухгалтерия ҳисобининг ҳолатини экспертиза йўли билан баҳолаш, йиллик молиявий ҳисобот маълумотларининг хаққоний-лигини текшириш ва тасдиқлаш валюта муомалаларини тафтиш қилиш, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси проспектининг маълумотларини тасдиқлаш, корхонанинг молиявий барқарорлигини мустахкамлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, иқтисодиёт ва молиявий ҳуқуқ соҳасидаги янги қонунчилик ҳужжатлари бўйича аниқ маслаҳат (консултация) ўтказиш ва хоказо.

Аудитни режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти томонидан қўлланиладиган меъёрлар №300 «Аудитни режалаштириш» номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АХС) билан белгиланади. Юқорида таъкидланганидек, аудит режасини пухта тузмасдан сифатли аудиторлик текшируви ўтказиш мумкин эмас. Шу боисдан ушбу стандартга батафсилрок тўхталиб ўтамиз. Амалда, аудитни режалаштириш жараёни аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида шартнома тузилгунга қадар бошланади. Бу ҳолат кўп ҳолларда, агар мижоз билан шартнома тузилмаса, аудитни режалаштириш билан боғлиқ харажатлар қайси манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги саволни юзага келтиради. Кейинчалик шартнома тузилган ҳолда аудитни дастлабки режалаштиришга доир ишлар қиймати ўтказиладиган аудиторлик хизматининг умумий қийматига қўшилади, акс ҳолда у аудиторлик ташкилотининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Режалаштириш аудиторлик текширувини бошлангич босқичи бўлиб, аудиторлар режа тузулгунга қадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари лозим. Стандартга мувофиқ аудитни режалаштириш қуйидаги босқичларга бўлинади:

а) аудитни дастлабки режалаштириш;

б) аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;

в) аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Ушбу стандарт ҳар қандай корхонани аудиторлик текширувидан ўтказишда ҳам аудит режасини, ҳам аудит дастурини тузишни талаб этади. Дарҳақиқат, йирик хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботларини тасдиқлаш учун катта аудиторлик гуруҳи томонидан

текширув ўтказилганида бундай кўп босқичли режалаштириш зарур. Бироқ, бизнинг фикримизча, унчалик катта бўлмаган хўжалик муомалалари кам содир бўладиган, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш (иш, хизмат бажариш) билан шугулланувчи микрофирмаларда аудит ўтказганида, бундай кенг қамровли режа тузиш мақсадга мувофиқ эмас.

Агар аудиторлик ташкилотининг кўпчилик мижозлари кичик бизнес корхоналарига таалукли бўлса, у ҳолда унчалик катта бўлмаган тузатишлар киритилганида кўпчилик корхоналарни текшириш учун мос келадиган намунавий аудит режаси ишлаб чиқиш ва режалаштириш чоғида аудит дастурини батафсил тузишга махсус эътибор қаратиш зарур. Бундай намунавий режалар бир нечта бўлиб, улар бир-бирларидан турли бизнесга эга корхоналар учун фарқ қилишлари мумкин. Масалан, савдо корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ва хоказо. Шунингдек аудитор қандайдир бошқа тамойиллар бўйича умумий намунавий режалар ҳам тузиши мумкин. Агар умумий аудит режаси сифатида намунавий режа танланса, у ҳолда режалаштириш чоғида асосий эътиборни аудит дастурини тузишга қаратиш зарур. Режалаштириш аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан аудит ўтказишнинг умумий тамойиллари каби, хусусий тамойилларига ҳам мувофиқ амалга оширилиши лозим. Улар:

- уйғунлик (комплекслик);
- узлуксизлик,
- мақбуллик.

Уйғунлик тамойили аудитнинг дастлабки режасини тузишдан тортиб, то умумий режаси ва дастурини тузгунга қадар бўлган барча босқичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлигини таъминлашни назарда тутади.

Режалаштиришнинг ***узлуксизлик тамойили*** текширувда иштирок этадиган аудиторларга келишилган топшириклар белгиланиши ва режалаштириш босқичларининг муддатлар ҳамда таркибий бўлинмалар бўйича боғлиқлигида ифодаланади.

Аудитни режалаштиришнинг ***мақбуллик тамойили*** шундан иборатки, режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти ўзи белгилаган мезонлар асосида аудитнинг умумий режаси ва дастуридан мақбулини танлаш имкониятига эга бўлиши зарур.

Аудиторлик текшируви узоқ вақт давом этганида, аудитор мижознинг молия - хўжалик фаолиятидаги ва қонунчиликдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда режа ва дастурга зарур тузатишлар киритиши мумкин.

Халқарода *“Аудитни режалаштириш”* номли 300-сон АХСга мувофиқ ташқи аудитни режалаштириш аудит текширувлари буюртмачилари ва уни олиб борувчилари томонидан олиб бориладиган бир қатор ишларни олади. Чунончи, ташқи аудитда бундай ишлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин (2.1-жадвалга қаранг).

2.1-жадвал

Ташқи аудитни режалаштиришга доир ишлар

Буюртмачи корхонада	Аудиторлик ташкилотида
1.Корхона бошқарув органи томонидан ташқи аудитга танлов эълон қилинади.	1. Эълон қилинган тендерга қатнашиш учун тижорат таклифи ҳамда аудиторлик текширувини ўтказишга ҳуқуқ берувчи лицензия, аудиторлар сертификатлари, суғурта полиси ва бошқалар тақдим этилади
2. Ташқи аудиторлик ташкилотларининг тижорат таклифлари қабул қилинади	2. Аудитни ўтказишга асос бўлувчи ҳужжатларни – аудит режаси, аудит дастури ва шартнома вариантини тақдим этишга мурожаат-хат қабул қилинади
3.Тақдим этилган тижорат таклифларини ўрганиш асосида улар ичидан макбули танланади ва унинг тасдиғи масаласи акциядорлар умумий йиғилишига олиб чиқилади	3.Мижознинг хат-мурожаати асосида мижоз фаолияти ўрганилади.
4.Умумий мажлисда тасдиқланган аудиторорлик ташкилотига аудитни ўтказишга асос бўлувчи ҳужжатларни – аудит режаси, аудит дастури ва шартнома вариантини тақдим этиш тўғрисида мурожаат хати тайёрланади	4. Аудит режаси, аудит дастури ва шартнома варианти тайёрланади.
5.Аудитнинг ташкилий асосларини белгиловчи аудит режаси, аудит дастури ва шартномалар имзоланади	5.Аудитнинг ташкилий асосларини белгиловчи аудит режаси, аудит дастури ва шартномалар имзоланади

Аудит режаси – бу аудитор томонидан тузиладиган, аудиторлик ташкилоти раҳбари ва буюртмачи ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланадиган хужжат. Режа ўз ичига аудитни режалаштириш, уни ўтказиш, аудит натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва амалиётга тадбиқ этишга доир барча ишлар рўйхатини, ушбу ишларни бажариш муддатларини, масъул аудиторлар фамилияси, исми-шарифини, буюртмачи ташкилот томонидан жалб этиладиган маъсул

ходимларнинг фамилияси ва исми-шарифларини, шунингдек ишни бажаришда натижаларини ифодаловчи ҳужжатлар таркибини. Аудит режаси аудиторлик хизматлари тўғрисидаги шартномага илова сифатида ёки алоҳида ҳужжат сифатида тасдиқланади. Аудит режасининг шакл ва мазмуни аудиторлик текшируви учун намуна сифатида кўргазмали тарзда (2.2-жадвалда келтирилган.)

2.2-жадвал

Келишилган
ХХХХ корхона раҳбари
_____
____ _____ й.

Тасдиқлайман
Аудиторлик ташкилоти раҳбари
_____
_____ _____ й.

АУДИТ РЕЖАСИ

Асос: шартнома № ААГ2/09 -10.01.2022 йил
Текширилаётган давр: 2021 йил
Текширув: бошланиши _____ якунланиши _____.
Иш ҳажми: 240 соат/киши
Аудиторлик гуруҳи раҳбари_Салимов А.Б.
Аудиторлик гуруҳи таркиби:аудитор-1киши, аудитор ёрдамчиси – 1 киши.
Режалаштирилаётган аудиторлик риски - 5 % (шартнома қийматидан)
Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси – 50 % (шартнома қийматидан)

N	Бажариладиган иш турлари	Бажариш муддати, кунларда	Аудиторлик ташкилоти томонидан масъул аудитор	Буюртмачи корхона томонидан масъул ходим	Эришиладиган натижа
1	Корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат ҳолатини ўрганиш	2	Салимов А.Б.	Асадов Ш.Х.	Ҳисоб ва ички назорат ҳолати аниқланади
2	Таъсис хужжатлари, корхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари, устав капитали аудити	2	Салимов А.Б.	Асадов Ш.Х., Соатов Т.С.	Таъсис ҳужжатларига амал этилганлик ҳолати аниқланади
3	“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” моддалари реаллигини текшириш	8	Салимов А.Б.	Асадов Ш.Х.	Молиявий натижалар кўрсаткичлари реаллиги аниқланади
4	“Бухгалтерия баланси” моддалари реаллигини текшириш	8	Салимов А.Б.	Асадов Ш.Х.	Баланс моддалари реаллиги аниқланади
5	Аудит натижаларини умумлаштириш ва расмий-	6	Салимов А.Б.		Аудит иш ҳужжатлари, аудиторлик

	лаштириш, аудиторлик хисоботи ва аудиторлик хулосасини тайёрлаш				хисоботи ва аудиторлик хулосаси тайёрланади
6	Аудиторлик текшируви натижаларини мухокама этиш, тегишли карорларни кабул килиш, аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаларини қабул қилиш	4	Салимов А.Б.	Асадов Ш.Х., Соатов Т.С.	Аудиторлик текшируви натижалари асосида молиявий ҳисоботдаги четланишлар аниқланади ва уларни тузатишга оид тегишли карорлар кабул килинади

Аудит дастури – бу ўз ичига бевосита аудитор томонидан кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари турлари, уларга оид бажариладиган ишлар, амаллар, тузиладиган аудит иш ҳужжатларини оладиган ҳужжат. Чунончи аудиторлик текширувлари дастурида текшириладиган объектлар, жараёнлар, операциялар, саволлар, ҳисоб реестрлари ва ҳужжатлари рўйхати, тузиладиган аудит иш ҳужжатлари ўз аксини топади. Дастур аудиторлар учун ўзига хос эслатма ва кўрсатмадир. Дастур аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аудит дастури амалиётда аудит режасини реализация қилиш стратегиясини акс эттиради. Аудит дастури аудиторлар иш сифатини назорат этувчи асосий восита ҳам бўлиб ҳисобланади. Аудит дастурининг шакл ва мазмуни аудиторлик текшируви учун намуна сифатида кўргазмали тарзда (2.3-жадвалда келтирилган).

2.3-жадвал

Келишилган
ХХХХ корхона раҳбари
_____
____ _____ й.

Тасдиқлайман
Аудиторлик ташкилоти раҳбари
_____
_____ _____ й.

АУДИТ ДАСТУРИ

Асос: шартнома № ААГ1/09 -10.01.2022 йил
Текширилаётган давр: 2021 йил
Текширув: бошланиши _____ якунланиши _____.
Иш ҳажми: 240 соат/киши
Аудиторлик гуруҳи раҳбари_ Салимов А.Б.
Аудиторлик гуруҳи таркиби:аудитор-1киши, аудитор ёрдамчиси – 1 киши.
Режалаштирилаётган аудиторлик риски - 5 % (шартнома қийматидан)

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси – 50 % (шартнома қийматидан)

N	Аудит булимлари буйича аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш муддати, кун	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари
1	Корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат ҳолатини текшириш	2	Салимов А.Б.	Ҳисоб сиёсати, корхонада фойдаланаётган бухгалтерия ҳисобининг шакли, ва ишчи счётлар режаси
2	Таъсис хужжатлари, корхона фаолиятининг хуқуқий асослари, устав капитали аудитини текшириш	2	Салимов А.Б.	Таъсис шартномаси, корхона лицензияси, корхона устави
3	Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот моддалари аудити: *даромадлар *харажатлар *соликлар *якуний молиявий натижалар	6	Салимов А.Б.	Хўжалик операцияларини қайд этиш журнали, бош китоб журнал ордерлар ва қайдномалар
3	Бухгалтерия баланси моддалари аудити *узок ва қиска муддатли активлар (асосий воситалар,номоддий активлар, молиявий ва капитал инвестициялар, ТМЗ, пул маблағлари, дебиторлик қарзлар) *мажбуриятлар (иш хаки, соликлар, банк кредити ва бошка карзлар) *хусусий капитал элементлари (устав капитали, резерв ва қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва бошкалар)	6	Салимов А.Б.	Активлар, мажбурият-лар, хусусий капитал элементларини акс бошланғич ҳужжатлар, журналлар, синтетик счётлар бўйича айланма қайдномаси, бош китоб, журнал ордерлар ва қайдномалар

Мавзуга оид таянч атамалар

Аудит режаси – бу аудитор томонидан тузиладиган, аудиторлик ташкилоти раҳбари ва буюртмачи ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланадиган хужжат.

Аудит дастури – бу ўз ичига бевосита аудитор томонидан кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари турлари, уларга оид бажариладиган ишлар, амаллар, тузиладиган аудит иш ҳужжатларини оладиган ҳужжат.

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Агар хўжалик юритувчи субект бухгалтерия ҳисобининг у ёки бу усулларини мустақил ишлаб чиқадиган бўлса у ҳолда аудитор нималарга эътибор бериши ва нималарни текшириши лозим.

А. Корхонада юритилаётган ҳисоб сиёсати “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига” мос келишини.

Б. Статистика, молия ва солиқ органлари талабларига мослигини.

С. Бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоида ва талабларга мос келишини.

Д. Жавобларнинг барчаси тўғри.

Е. Тўғри жавоб берилмаган.

2. Аудиторлик текширувини ўказиш тўғрисида шартномани бажармаганлиги ёки қониқарсиз бажарганлиги учун буюртмачи ва бажарувчи амалдаги қонунчиликка мувофиқ қандай сўммада мулкий жавобгарлика тортилади?

А. 5 минималдан 10 минималгача.

Б. Мазкур шартнома сўммасидан икки баробар миқдорида.

С. Юқори ташкилот органлари хулосасига биноан.

Д. Мазкур шартнома сўммаси доирасида.

Е. Тўғри жавоб берилмаган.

3. Аудиторлик текшируви обектлари аудитини режалаштириш қайси АХС орқали тартибга солинади?

А. 300-сон АХС.

Б. 600-сон АХС.

С. 920-сон АХС.

Д. 820-сон АХС.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

4. Аудитни режалаштириш жараёни қачон бошланади?

А. Аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субект ўртасида шартнома тузилгандан сўнг бошланади.

Б. Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субектга пул тўлаганидан сўнг бошланади.

С. Аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субект ўртасида шартнома тузилгунга қадар бошланади.

Д. Аудиторлик ташкилоти билан эксперт ўртасида шартнома тузилгунга қадар бошланади.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

5. 300-сон АХСга мувофиқ аудитни режалаштириш неча босқичга бўлинади?

А. 2.

Б. 3.

С. 4.

Д. 5.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

6. Режалаштиришнинг қайси тамойили текширувда иштирок этадиган аудиторларга келишилган топшириқлар белгиланиши ва режалаштириш босқичларининг муддатлар ҳамда таркибий бўлинмалар бўйича боғлиқлигида ифодаланади?

А. Мустақиллик.

Б. Узлуксизлик.

С. Ошкоралик.

Д. Конфиденциаллик.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

7. Аудиторнинг умумий режасида қандай кўрсаткичлар акс эттирилади?

А. Аудит ўтказиш муддати.

Б. Амалга ошириладиган ишларнинг давомийлиги.

С. Аудитор қўллайдиган усуллар.

Д. Бажариладиган ишлар ҳажми.

Е. Барча жавоблар тўғри.

8. Аудиторлик текширувини режалаштириш қайси жараёндан бошланади?

А. Моддийлик даражасини аниқлашдан.

Б. Текшириладиган корхона фаолиятини батафсил ўрганишдан.

С. Корхона ҳисоб сиёсатини ўрганишдан.

Д. Таваккалчилик даражасини аниқлашдан.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

9. 300-сон АХСга биноан аудитор қайси ҳужжатда аудит ўтказиш муддатлари ва аудит ўтказиш графигини тузишни, аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тузишни назарда тутиши лозим?

А. Умумий режада.

Б. Аудит дастурида.

С. Аудитнинг умумий дастурида.
Д. Шартномада.
Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

10. Аудитни режалаштириш босқичлари тўғри ва тартиб билан кўрсатилган қаторни аниқланг.

А. 1-аудитнинг умумий режасини тайёрлаш, 2- аудит дастурини тайёрлаш, 3-бевосита аудит ўтказиш.

Б. 1-аудитни дастлабки режалаштириш, 2-аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

С. 1-аудит мақсадини белгилаш, 2-аудит дастурини тузиш, 3-аудит ўтказиш.

Д.1-аудитни дастлабки режалаштириш, 2-аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш, 3-аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Е. 1-аудитни режалаштириш, 2-аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш, 3-аудитни ўтказиш.

2.2 Аудиторлик текширувида муҳимлик ва риск

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида (янги таҳрирдаги) аудиторлик фаолияти «...тадбиркорлик фаолияти...» эканлиги таъкидланган (2-модда). Демак, бу фаолият аудиторлик ташкилоти ва мижоз-корхона ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Аудиторлик ташкилоти ўз шартнома мажбуриятларини бажаришда, амалда текширув объектларини тўлиқ (100%) қамраб олаолмайди. Натижада, молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг мутлақо (шак-шубҳасиз) ҳаққоний эканлигини кафолатлай олмагани ҳолда, маълум даражадаги таваккалчилик билан уларни тасдиқлайди. Шу боисдан, аудитор ишида доимо маълум даражада таваккалчилик хавф-хатари мавжуд бўлади. Кўриниб турибдики, аудитор хулосасида баён этилган фикр ҳар доим ҳам мутлақо тўғри бўлиши мумкин эмас. Аммо, деярли ҳамма вақт ахборотдан фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши лозим. Бундай фойдалиликнинг таъминланиши маълум даражадаги муҳимлик ва риск билан боғлиқ ва уларни тўғри баҳолашни талаб этади.

Ушбу чегара оралиғидаги эҳтимоллик хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботларининг ишончлилигига таъсир кўрсатадиган хатолар мавжудлигини аниқлаш, тегишли аудиторлик қарорларини қабул қилиш учун ушбу хатоларни баҳолаш мумкинлиги(ёки мумкин эмаслиги)ни ифодалайди. Бу Муҳимликни сифат жиҳатдан тавсифлайдиган таркибий қисмдир. Муҳимликнинг миқдорий жиҳатини тавсифлайдиган таркибий қисми эса унинг маълум

даражалари орқали ифодаланади.

Агар хато бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларини сезиларли даражада чалкаштирса ва мазкур ҳисобот кўрсатки-чидан фойдаланувчининг шу ҳисоботга асосан қабул қилган қарорига таъсир кўрсаца, унинг аниқланмаслиги (билмасдан ўтказиб юборилиши) жиддий ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоботида йиғиндиси катта суммани ташкил этадиган бир нечта сезиларсиз хатолар бўладиган вазиятлар ҳам учрайди. Аудитор битта жиддий бўлмаган хатони аниқлаб, бу ҳақда аудиторлик хулосасида билдириши ва салбий аудиторлик хулосаси тузиши ҳам мумкин. Ҳақиқатда эса, бухгалтерия ҳисоботида жамланганида жиддий тус оладиган бир нечта аҳамияциз хатолар бўлиши мумкин.

Стандартда таъкидланишича, барча жиддий ҳолатларда молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги деганда ундаги кўрсаткичлар аниқлигининг шундай даражаси тушуниладики, бу ҳисоботдан малакали фойдаланувчилар тўғри хулосаларга келиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш имконига эга бўлади.

Маълумки, республикамизда ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши ва иқтисодиётнинг эркинлашуви натижасида бухгалтерия ҳисоботи ахборотларидан фойдаланувчиларнинг турлари кўпаймоқда. Уларнинг ҳар қайсиси учун Муҳимлик даражаси турлича бўлиши мумкин. Масалан, акциядорлар учун корхона фаолиятининг натижалари, хўжалик маблағла-рининг ҳаққонийлиги ва фойданинг динамикаси тўғрисидаги маълумотлар муҳим ҳисобланади. Инвесторлар учун эса корхонанинг молиявий барқарорлиги, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга талабнинг ўзгариши, қўйилмаларнинг рентабеллиги ва инвестицион лойиҳаларнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги ахборотлар муҳим бўлиши мумкин.

Аудиторлар энг муҳим, кам учрайдиган ва хатолари бор ҳисобот моддалари ва счетларни аниқлаш чоғида Муҳимлик тушунчасидан аудитни режалаштиришнинг асоси сифатида фойдаланадилар. Бундай моддалар ва счетларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, тўпланган аудиторлик далил-исботларини баҳолашда ва қандай аудиторлик хулосаси тузиш тўғрисида бир қарорга келишда ҳам муҳимлик даражасидан фойдаланилади.

Демак, Муҳимлик тушунчаси аудитор томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатонинг ҳажмини ва ўтказиладиган аудиторлик текширувининг кўламини аниқлаш ҳамда тузиладиган аудиторлик хулосасининг шаклини белгилаш (ижобий ёки салбий) учун бирламчи ва асос бўлувчи манба ҳисобланади.

Ушбу жумла ахборотдан фойдаланувчиларга аудиторлик

хулосасида билдирилган фикрнинг жиддий ҳисобланган молиявий ахборотларгагина тааллуқли эканлиги тўғрисида маълумот беради. “Муҳимлик” тушунчаси шунинг учун зарурки, ҳеч қайси аудитор молиявий ҳисоботнинг 100% тўғри эканлигига кафолат бера олмайди.

Жиддий хатоларнинг аудитор томонидан аниқланиши кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан, ҳам корхона раҳбария-ти, ҳам аудитор томонидан мавжуд жиддий хатоларнинг баҳоланиши; текширувлар вақти ва қийматининг чегараланганлиги; мижознинг хатоларни аудитор аниқлашини “кутиб ўтириши”; аудиторнинг мустақиллик даражаси; унинг виждонлилиги; ташқи аудиторнинг ички назорат тизимига ишончи; корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсати ва ундаги айрим қоидаларнинг тафсилоти; ҳисоб сиёсатининг меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги.

Аудитор қуйидаги ҳолларда муҳимликни кўриб чиқиши лозим:

- аудиторлик амалларининг хусусиятлари, вақти ва чуқурли-гини аниқлашда;
- хатолар таъсирини аниқлашда

Аудитор муҳимлик даражасини аниқлашда жорий йилнинг асосий кўрсаткичлари каби, жорий ва ўтган йилларнинг ўртача кўрсаткичларидан ҳам, шунингдек маълум бир шаклга келтирилиши мумкин бўлган исталган ҳисоб-китоб амалларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Мазкур муайян текширув учун муҳимлик даражасининг ягона кўрсаткичи каби, муҳимлик даражасини белгилайдиган ҳар хил кўрсаткичлар йиғиндисидан ҳам фойдаланишига рухсат этилади. Муҳимлик даражасини аниқлашда қўлланиладиган ҳар хил кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат тўпламдаги кўрсаткичларнинг ҳар бири бухгалтерлик ҳисоби счётларининг маълум бир гуруҳини, баланс моддасини, ҳисобот кўрсаткичларини баҳолаш учун мўлжалланган бўлиши лозим.

Енг муҳим кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни олиш ва уларга нисбатан қўлланиладиган фоизларни тавсия сифатида белгилаш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар қуйидаги жадвалга туширилиб (2-графа), қабул қилинган муҳимлик даражаси (%) га мувофиқ (3-графа) муҳимлик даражасининг абсолют миқдори (4-графа) ҳисоблаб чиқарилади.

Кўрсаткичларнинг бир қисми ушбу жадвалга киритилмаслиги мумкин. Масалан, мижоз-корхона жорий йил якуни бўйича фойда олмаган ёки кам фойда олган бўлиб, бу кўрсаткич – корхонанинг баланс фойдаси аудитор фикрига кўра мазкур корхонада аудит ўтказиш учун аҳамияциз бўлиши мумкин. Корхона агар фойда олмайдиган, нотижорат корхона ёки товар, иш ва хизматлар реализациясидан

олинган тушумдан бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириладиган ташкилот бўлса, унда сотиш жараёни бўлмаслиги мумкин.

2.2.1-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари бўйича Муҳимлик даражасини ҳисоблаш жадвали. (намуна)

Асосий кўрсаткичлар	Асосий кўрсаткич қиймати	%	Муҳимлик даражасини суммаси, м.с.
Маҳсулот(иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум (2-шакл, 010 сатр)		5%	
Сотилган маҳсулот(иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи (2-шакл, 020-сатр)		3%	
Жами давр харажатлари (2-шакл, 040-сатр)		3%	
Корхонанинг хусусий капитали (1-шакл, 460-сатр)		10 %	
Баланснинг умумий суммаси (1-шакл активидаги 380-сатр ёки пассивдаги 700-сатр)		5%	
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (1-шакл, 150-сатр)		3%	
Тақсимланмаган фойда (1-шакл, 430-сатр)		2%	

Аудитор жадвалнинг 4 графасида чиқарилган миқдор кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқиши керак. У бошқаларидан катта ва (ёки) кичик томонга кескин фарқ қиладиган миқдорларни чиқариб ташлаши мумкин. Қолган кўрсаткичларга асосан ўртача миқдор ҳисоблаб чиқарилиб, уни кейинчалик ишлашга қулай бўлиши учун яхлитлаш лозим. Аммо яхлитланганидан сўнг унинг миқдори ўртача миқдордан у ёки бу томонга ўзгариши 20% дан ошмаслиги керак. Ушбу кўрсаткич муҳимлик даражасини тавсифлайдиган ягона кўрсаткич бўлиб, аудитор улардан ўз иш фаолиятида асос сифатида фойдаланиши мумкин.

Ушбу кўрсаткичларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

«Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи» энг муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади ва «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум» кўрсаткичига қараганда кўпроқ ўзгариб туради.

Бу иккала кўрсаткич ҳам асосан савдо, энгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг молиявий ҳисоботлари учун жиддий кўрсаткич бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалик корхоналарида эса баланс активидаги I бўлимнинг жами (120-сатр), II бўлимнинг жами (380-сатр) ва пассивдаги II бўлим жами (690-сатр) энг жиддий асосий

кўрсаткичлар бўлиши мумкин. Баланс активидаги И бўлимни жиддий кўрсаткич деб олишнинг сабаби амалиётда кўпчилик қишлоқ хўжалик корхоналарида узоқ муддатли активлар ҳаққоний қайта баҳоланмаган ва бозор баҳосидан кескин фарқ қиладиган ҳолатлар учрайди.

II-«Жорий активлар» бўлимини аудитда жиддий кўрсаткич сифатида қўллаш аграр сектор корхоналарида асосан «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддаси (150-сатр) билан боғлиқ. Чунки, амалиётда кўпчилик қишлоқ хўжалик корхоналарида айрим субъектив сабабларга кўра жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга тегишли харажатлар, гўёки тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланиб, баланс активида сунъий равишда оширилган ноҳақ суммани юзага келтиради. №4-«Товар-моддий заҳиралар» ва №21- «Хўжалик юритувчи субектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли БҲМС ларга мувофиқ эса тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳам товар-моддий заҳиралар қолдиғи ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқатда йўқ нарса корхона маблағи сифатида кўрсатилади. Бу ҳол биринчидан, аудиторлик фаолиятида жиддий кўрсаткич ҳисобланса, иккинчидан корхона молиявий ҳолатини баҳолайдиган мезонларнинг бузилишига олиб келади.

Шунингдек, корхоналари баланси активидаги II бўлим ва пассивидаги II бўлимни аудитни режалаштиришда жиддий кўрсаткич деб қабул қилиш кўпинча дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳаққонийлик даражаси билан боғлиқ.

Ўз маблағларининг манбаи (пассивдаги I бўлим жами – 460 сатр)ни муҳимлик мезони сифатида қўллаш эса жамоа хўжаликлари негизида ташкил этилган ширкат хўжаликлари ва янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига хос бўлиши мумкин.

Юқорида баён этилган шарт-шароитлар, хусусан, хўжалик юритувчи субъектнинг қайси тармоққа тегишлилиги, мулкчилик шакли, ташкилий-иқтисодий тавсифлари ва бошқалардан келиб чиқиб, аудиторлик ташкилоти аудитни режалаштириш учун муҳим кўрсаткичларни танлаш ва муҳимлик даражасини ҳисоб-китоб қилиш учун ўзининг ички стандартларини (услуб ва шаклларини) ишлаб чиқиши зарур.

Муҳимлик даражасини аниқлаш амаллари, барча арифметик ҳисоб-китоблар, ўртача миқдор чиқариш, яхлитлаш ва аудитор қайси бир миқдорни ҳисоб-китобдан чиқариб ташлаши учун асос бўлган сабаблар текширишнинг ишчи ҳужжатларида акс эттирилиши лозим. Муҳимлик даражасининг муайян миқдори аудитни режалаштириш босқичининг якунида аудиторлик ташкилоти томонидан

маъқулланиши лозим.

Аудиторлик фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишдан олдин муҳимлик даражасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Муҳимлик даражасини аниқлашнинг юқорида кўриб чиқилган тартиби тавсия тавсифига эга бўлиб, намуна сифатида берилган.. Бунда улар тавсия қилинган жадвалдаги тартибга қуйидаги ўзгартишларни киритишлари мумкин:

а) 3-устундаги коеффициентларни ўзгартириш;

б) 1-устунда келтирилган кўрсаткичларни алмаштириш, янгиларини киритиш ёки айримларни чиқариб ташлаш;

в) муҳимлик кўрсаткичини аниқлашда ўртача миқдор чиқариш тартибини ўзгартиш;

г) ўтган йиллардаги молиявий кўрсаткичларни инобатга олиш ва уларнинг ўзгариш динамикасини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш;

д) битта муҳимлик кўрсаткичини эмас, балки баланснинг ҳар хил моддалари учун бир неча кўрсаткичларни олиш;

е) жадвални мустақил ишлаб чиқиш ва муҳимлик даражасини ҳисоб-китоб қилиш бўйича ўзининг схемасини киритиш.

Муҳимлик даражаси кўрсаткичлари ва унинг ягона (умумлаштирувчи) кўрсаткичини аниқлаш, унинг аҳамияти тўғрисида баён этилган фикр-мулоҳазаларни мустаҳкамлаш учун жадвалда тавсия этилган услуб бўйича қуйида муҳимлик даражасини ҳисоб-китоб қилишнинг бир неча усулларини келтирамиз:

Биринчи усул. Бу усулга мувофиқ аудитор юқорида келтирилган асосий кўрсаткичлардан муайян корхона учун энг мос келадиганларини танлаб олиши мумкин.

Иккинчи усулга мувофиқ юқорида тавсия қилинган барча кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқарилиб, энг кичик сумма асосий кўрсаткич деб қабул қилинади. бунинг учун қуйидаги ҳисоб-китоблар бажарилади.

Бунинг учун хўжалик юритувчи субектнинг молиявий ҳисоботидан олинган асосий кўрсаткичлар жадвалнинг 2-устунига ёзилади. 3-устунидаги кўрсаткичлар (%) аудиторлик ташкилотининг ички стандарти(йўриқномаси)да аниқланган бўлиши ва доимий қўлланилиши лозим. 4-устундаги кўрсат-кичлар 2-устундаги кўрсаткичларни 3-устундаги кўрсаткичлар (%) га кўпайтириб, 100 га бўлиш йўли билан аниқланади.

Демак, иккинчи усул бўйича аудитор муҳимлик даражаси сифатида энг кичик сумма, 476, 0 минг сўмни танлайди.

2.2.2-жадвал

Муҳимлик даражасини ҳисоблаш жадвали

Асосий кўрсаткичлар	Асосий кўрсаткич қиймати, м. с.	%	Муҳимлик даражаси суммаси, м. с.
Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум	723491, 0	5	36175, 0
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	177826, 0	3	5335, 0
Жами давр харажатлари	32833, 0	3	985, 0
Баланснинг жами суммаси	241567, 0	2	4831, 0
Корхонанинг хусусий капитали (баланс пассиви I бўлим)	135945, 0	10	13595, 0
Корхонанинг умумий харажатлари	322762, 0	2	6455, 0
Тақсимланмаган фойда	23819, 0	2	476, 0

Учинчи усул 4-устундаги кўрсаткичларнинг ўртача миқдори қуйидагича аниқланади:

(36175, 0=5335, 0=985, 0=16272, 0=70795,
6=6455, 0=476, 0):7=19499, 0

Енг паст кўрсаткич ўртача кўрсаткичдан қанчага фарқ қилишини аниқлаймиз:

(19499, 0-476, 0):19499, 0x100%=97, 60%

Енг юқори кўрсаткичнинг ўртачадан фарқи:

(36175, 0-19499, 0):19499, 0x100%=85, 5%

Ҳар иккала ҳолатда ҳам энг юқори ва энг паст кўрсат-кичларнинг ўртача кўрсаткичдан фарқи сезиларли даражада яъни 20% дан катта бўлганлиги сабабли энг юқори (36175,0 м.с.) ва энг паст (476,0 м.с.) кўрсаткичлар ҳисоб-китобдан чиқариб ташланади. Бу кўрсаткичлар кейинчалик ўртача миқдорни ҳисоблашда қўлланилмайди. Қолган кўрсаткичлар асосида янги ўртача миқдор аниқланади.

(5335, 0=985, 0=16272, 0=70795, 0=6455):5=19968,5 м.с.

Олинган миқдор(19968, 5 минг сўм)ни 20000,0 минг сўмгача яхлитлаш ва мазкур миқдор кўрсаткичини Муҳимлик даражасининг қиймати сифатида фойдаланиш мумкин. Муҳимлик даражасининг яхлитлангунча ва яхлитлангандан сўнги қиймати ўртасидаги фарқ:

(20000, 0-19968, 05):20000, 0х100%қ0, 1% ни ташкил этиб, 20% лик кўрсаткич доирасида.

Фараз қилайлик, агар аудитор 20000, 0 минг сўмлик хатони ўтказиб юбориши мумкин бўлса, у ҳолда ушбу сумма актив ва пассив ўртасида тенг тақсимланиши лозим. (яъни ҳам актив бўйича, ҳам пассив бўйича йўл қўйилган хато 10000, 0 минг сўмдан тўғри келади). Аудитор ўзининг амалий иш тажрибаси ва корхона фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда хатони тақсимлашнинг бошқача нисбатини ҳам қўллаши мумкин. Шундан сўнг олдин муҳимлик даражаси баланс активи ва пассивнинг аҳамиятли моддалари ўртасида, уларнинг жами суммадаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ушбу усулда назорат воситалари рискининг ҳисобга олинмаслиги унинг асосий камчилиги ҳисобланади.

Агар аудит ўтказиш жараёнида аниқланган ва тахмин қилинган хатолар кўп ёки кам, аммо умуман олганда катталиги бўйича муҳимлик даражасига яқин ва (ёки) хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритишида ва молиявий ҳисоботни тайёрлашда тегишли меъёрий ҳужжатлардан четга чиқиши, бироқ четга чиқишлар сўзсиз жиддий деб тан олинмайди, аудитор ўзининг профессионал фикр-мулоҳазаларидан фойдаланган ҳолда, масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим ва мазкур вазиятда текширилаётган бухгалтерия ҳисоботидаги жиддий камчиликлар ҳақида хулоса қилиши ёхуд тегишли фикрларни аудиторлик хулосасига киритишнинг зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиши керак.

2.2.3-жадвал

Балансда муҳим ўрин тутадиган моддаларнинг Муҳимлик даражасини аниқлаш (баланс умумий суммасининг 1% дан юқори бўлган моддалар муҳим деб олинган)

Баланс моддалари	**Сумма, минг сўм**	**Модда-нинг баланс жамида-ги улуши%**	**Муҳимлик даражаси, минг сўм**
Актив моддалари			
Асосий воситалар	654472,0	80,4	8040,0
Ишлаб чиқариш заҳиралари	39957,0	5,0	500,0
Тайёр маҳсулотлар	49211,0	6,0	600,0
Харидор ва буюртмачилар	69938, 0	8,6	860,0
БАЛАНС	**813578,0**	**100,0**	**10000,0**

Пассив моддалари			
Устав капитали	19741,0	2,4	240,0
Резерв капитали	616135,0	75,7	7570,0
Тақсимланмаган фойда	23819,0	2,9	290,0
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	24134,0	3,0	300,0
Қисқа муддатли қарзлар	30000,0	3,7	370,0
Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	32120,0	3,9	390,0
Кредиторлар: - мол этказиб берувчилар - бюджет бўйича қарзлар - бошқа кредиторлар	 8597, 0 23102, 0 35930, 0	 1,1 3, 2 4, 1	 110,0 320,0 410,0
БАЛАНС	**813578,0**	**100, 0**	**10000,0**

Аудитор аниқланган хатолар бўйича мижоз-корхона раҳбариятига жорий бухгалтерия даврида тузатиш ёзувларини амалга оширишни тавсия қилиши лозим. Агарда тахмин қилинаётган хатолар ва тафовутлар сезиларли даражада бўлса, мижоз-корхона раҳбариятининг тузатиш киритишга рози бўлмаслиги аудитор учун салбий аудиторлик хулосаси тузишга асос бўлиши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти томонидан ўрнатиладиган ***асосий кўрсаткичлар тизими*** ва м***уҳимлик даражаси*** ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ҳамда аудиторлик ташкилотининг ижро органи томонидан тасдиқланади.

Аудиторлик текшируви жараёнида юзага келган вазиятлар тақазоси билан муҳимлик даражаси кўрсаткичи ўзгартирилиши (тузатилиши) мумкин. Бунда муҳимлик даражасининг ўзгартирилиш факти, унинг янги кўрсаткичи, тегишли ҳисоб-китоблар ва далил-исботлар тафсилоти аудиторнинг ишчи ҳужжатларида акс эттирилган бўлиши лозим.

Юқорида баён этилганидек, *аудиторлик рискларининг мақбул тўплами* бир қанча рисклардан иборат.

Умумий аудиторлик амалиётида *аудиторлик рискларининг мақбул тўплами*га қуйидагича ёндашув ишлаб чиқилган ва улар инглиз тилидаги аббревиатураси (бош ҳарфлари) бўйича қуйидаги формула кўринишида ифодаланган:

$$ДАР = ИР \times СР \times ДР$$

ДАР (Десиред аудит риск) – АРМТ (аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами);

ИР (Интернал риск) – ИХР (ички хўжалик риски);

СР (Сонтрол риск) – НР (назорат риски);

ДР (Детестион риск) – АР (аниқланмаслик яъни хатолар ва молиявий ҳисоботдаги камчиликларнинг аниқланмаслик риски).

Демак, аудиторлик рискларининг мақбул тўплами (АРМТ) ни ва уни ташкил этувчи таркибий қисмлар (ИХР; НР; АР)ни батафсил баён қилиш ва моҳиятини ўрганиш учун қуйидаги формула кўринишида ифодалаймиз ҳамда унинг таркибий қисмларини алоҳида кўриб чиқамиз:

АРМТ = ИХР х НР х АР

Ички хўжалик риски –ИХР (ИР-Интернал риск) – бу мазкур бухгалтерия счётида, баланс моддасида, бир турдаги хўжалик муомалалари гуруҳида яхлитланганда, хўжалик юритувчи субъект ҳисоботида жиддий камчиликларнинг, бундай камчиликлар ички назорат тизими воситалари ёрдамида аниқлан-гунга қадар ёки ички хўжалик назорати умуман йўқ бўлганда, аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланиш эҳтимоли тушунилади. Ички хўжалик рискини баҳолашда аудитор бир неча гуруҳ омилларни эътиборга олиши лозим.

Назорат (назорат воситалари) риски – НР (СР-Сонтрол риск) – бу корхонанинг мавжуд ва мунтазам қўлланилиб келинаётган бухгалтерлик ҳисоби тизими ва ички назорат тизими воситалари алоҳида-алоҳида ёки биргаликда жиддий аҳамият-га эга бўлган камчиликларни ўз вақтида аниқлай олмаслик ва тузата олмаслик (ёки бундай камчиликлар вужудга келишининг олдини олиш) эҳтимолининг аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланган кўрсаткичидир.

Аниқланмаслик риски (АР) - яъни хатолар ва молиявий ҳисоботдаги камчиликларнинг аниқланмаслик (кўзга ташланмаслик) риски (ДР-Детектион риск) – бу аудиторлик текшируви жараёнида қўлланиладиган аудиторлик амалларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ҳақиқатан мавжуд бўлган ҳар бири алоҳида-алоҳида ёки биргаликда жиддий ҳисобланган хатолар ҳамда камчиликларни аниқлаш имкони йўқлигининг эҳтимолидир. Бундай эҳтимоллик аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланади. Шунингдек, аудитор ишларининг сифат кўрсаткичи, аудиторнинг малакаси ва муайян аудиторлик текширувининг ўтказилиш хусусиятларига боғлиқ.

Аниқланмаслик рискини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. ***Таҳлилий риск*** –бу таҳлил амаллари (ишлари) бажарилганда жиддий хатоларга йўл қўйилиш рискидир. Бундай хатоларни аудитор кўриши мумкин, аммо жуда мураккаблиги ҳамда ўзининг махсус малакаси этишмаслиги сабабли тушунмасдан ўтказиб юбориши мумкин.

*2. **Танлашдаги риск*** –бу жиддий хато-камчиликларнинг назорат тестларини ўтказиш (танлаб олиш) чоғида ҳам, хўжалик муомалаларини моҳиятан текшириш чоғида ҳам аниқланмай қолиш эҳтимолидир.

Аниқланмаслик риски - аудиторлик фаолиятининг сифати ва самарадорлигини баҳолайдиган кўрсаткич бўлиб, у муайян аудиторлик текширувини ўтказиш тартибига, ҳамда аудиторлар малакаси ва уларнинг хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан олдиндан танишлик даражасига боғлиқ. Аудитор ички хўжалик риски ва назорат воситаларининг рискини баҳо-лаш асосида ўз фаолиятида йўл қўйиши мумкин бўлган аниқланмаслик рискини аниқлаши лозим. Аниқланмаслик рискининг имкон қадар пасайтирилган кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда тегишли аудиторлик амалларини режалаштириши лозим.

Аудиторлик текширувида фирибгарликни аниқлаш

Ҳисоб ва ҳисоботда товламачилик - корхона раҳбарияти ва ходимлари таркибидаги бир ёки бир нечта шахслар томонидан атайин ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини нотўғри акс эттириши ва тақдим этишидир. **У ҳийлагарлик билан ҳисоб ёзувларини Ўзгартириш ва дастлабки ҳужжатларни, регистрларни ва ҳисоботни қалбакилаштиришдан, хўжалик операциялар маъносини бузиб кўрсатишга,** корхона ҳисоб сиёсати ёки амалдаги қонунчилик билан белгиланган қоидаларни бузишга олиб келувчи ҳисобдаги ёзувларни атайин Ўзгартиришдан, активларни, ёзувларни тўғриланган натижаларини ёки ҳужжатларни атайин йўналтирилган ҳолда баҳолашдан иборат. **Ҳисоб ёзувларида ва гуруҳларда арифметик ёки мантиқий хатолар, ҳисоб тўлиқлигига эътиборсизлик ва хўжалик фаолияти ҳолатлари, мол-мулкнинг мавжудлиги ва ҳолати,** ҳисоб-китоблар нотўғри тақдим этилиши натижасида молиявий маълумот бехосдан бузилиши хато ҳисобланади.

Ҳисоб ёзувлари юзасидан ҳийлагарлик - ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш мақсадида, нотўғри (ноаниқ) бухгалтерия ўтказмаларидан ёки "сторно" ёзувлардан билиб туриб фойдаланиш.

Бухгалтерия ҳисоби ва ёзувларни қалбакилаштириш - била туриб бухгалтерия ҳисобининг нотўғри ёки соҳта ҳужжатларини (авизо, ҳисобварақлар, векселлар ва ҳоказолар) ва ҳақиқатни бузиб

кўрсатадиган бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларидаги ёзувларни расмийлаштиришдир

Ҳисобда ноўхшаш ёзувлар - ҳисобварақлар тизимида молиявий маълумотни тўлиқ бўлмаган ҳажмда акс этиш (бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари ва дафтарларида керакли бўлмаган ўзгартиришлар, ҳисобварақлар корреспондентланишини бузиш, тўлиқ бўлмаган файллар, **ҳисобда акс этилмаган хўжалик операциялар**).

Ғайриоддий операциялар - бир маротабали келишувлар ва ғайриоддий хўжалик операциялар бўйича суммалар ва тўловларни ошириб юбориш

Аудитор товламачилик ёки хато аниқанган тақдирда бўлар келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган барча саволларга корхона раҳбарияти ва ходимларидан жавоб олиши лозим.

Аудиторлик текшируви ўтказиш вақтида аниқланадиган хатоларнинг асосий турларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

Ҳисоб юритилмаслик - одатда корхона қуйи бўлими ёки фаолиятининг қайсидир бир тури бўйича бухгалтерияда тегишли ҳисоб олиб борилмаслиги билан ифодаланади.



2.2.1-чизма. **Хатоларнинг асосий турлари**

Масалан, корхона фаолиятининг бир тури қурилиш деб фараз қилайлик. Бухгалтер уни юритиш билан боғлиқ бўлган ўтказмалар билан шуғулланмаслик учун (мазкур масала бўйича кўпроқ тажрибага эга бўлган мутахассис келишини кутган ҳолда) йил давомида қурилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобварағининг дебетига ўтказиб

борган. Бунинг натижасида, йил якунига кўра ушбу ҳисобварақлар **бўйича жуда катта сальдо** вужудга келган.

Нихоятда кам учрайдиган арифметик хатолар, чунки бу хатоларни, одатда, бухалтернинг ўзи аниқлайди.

Хўжалик фаолиятининг қайсидир бир ҳолатини ҳисобга олишда ҳисобнинг тўғри усулини қўллаб, бухгалтер етарли даражада асослар бўлмаслигига қарамасдан ёки тасодифан **"ғайриоддий"** ўтказма беради, натижада тасодифий нотўғриўтказма ҳосил бўлади, **масалан, асосий воситаларни жорий таъмирлаш бўйича харажатлар маҳсулот таннархига киритган ҳолда, шунинг билан бирга, қайсидир бир суммани "Асосий воситалар" ҳисобварағига ўтказади**. Бундай хатолар кам учрайди, лекин уларни аниқлаш жуда қийин, чунки танлаб олиш усули билан текширувда, мазкур ҳисоб усулида қайд этилиши тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиб, аудитор операцияларнинг ушбу тури бўйича **ёппасига текширув олиб бормайди.**

Такрорланадиган хатолар. Бухгалтер хўжалик фаолиятининг қайсидир бир ҳолатини нотўғри қайд этганда ва ҳар гал нотўғри ўтказма қилганда ушбу хатолар вужудга келади. Ушбу хатоларни аниқлаш, одатда, унчалик қийин эмас, фақат **Бош китоб** ёки **балансниг тўлдирилган шаклини** қараб чиқиб уларни топиб олиш мумкин.

Мавзуга оид таянч атамалар

Ички хўжалик риски –ИХР (ИР-Интернал риск) – бу мазкур бухгалтерия счётида, баланс моддасида, бир турдаги хўжалик муомалалари гуруҳида яхлитланганда, хўжалик юритувчи субъект ҳисоботида жиддий камчиликларнинг, бундай камчиликлар ички назорат тизими воситалари ёрдамида аниқлан-гунга қадар ёки ички хўжалик назорати умуман йўқ бўлганда, аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланиш эҳтимоли тушунилади.

Аниқланмаслик риски (АР) - яъни хатолар ва молиявий ҳисоботдаги камчиликларнинг аниқланмаслик (кўзга ташланмаслик) риски (ДР-Детектион риск) – бу аудиторлик текшируви жараёнида қўлланиладиган аудиторлик амалларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ҳақиқатан мавжуд бўлган ҳар бири алоҳида-алоҳида ёки биргаликда жиддий ҳисобланган хатолар ҳамда камчиликларни аниқлаш имкони йўқлигининг эҳтимолидир.

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Аудитор қандай ҳолларда муҳимликни кўриб чиқиши лозим.
А. Аудиторлик амалларининг хусусиятларини аниқлашда.
Б. Аудиторлик вақти ва чуқурлигини аниқлашда.
С. Хатолар таъсирини аниқлашда.
Д. Барча жавоблар тўғри.
Е. Тўғри жавоб берилмаган.

2. Аудиторлик рискининг мақбул тўпламига қандай шарт-шароитлар асосий таъсирини кўрсатади.
А. Мижоз - корхона фаолиятининг кўлами.
Б. Мулкчиликнинг ташкилий- ҳуқуқий шакллари.
С. Кредиторлик қарзларнинг миқдори ва тавсифи.
Д. А, Б ва С жавоблар тўғри.
Е. Тўғри жавоб берилмаган.

3. Рисклар мақбул тўпламининг энг юқори чегараси -5%,ИР-90%, СР-80%, ишончлилик даражаси - …
А. 82,1%.
Б. 73,6%.
С. 80%.
Д. 93,1%.
Е. Тўғри жавоб берилмаган.

4. Рисклар мақбул тўпламининг энг юқори чегараси -5%, ИР - 70%, СР-40%, аниқланмаслик риски-…
А.17,9%.
Б.6,9%.
С.13,4%.
Д.9,6%.
Е. тўғри жавоб берилмаган.

5. Муҳимлик даражаси қайси босқичда аниқланади?
А. Режалаштириш босқичида.
Б. Текширув ўтказиш чоғида.
С. Аудиторлик хулосасини тузиш жараёнида.
Д. Уччаласида ҳам аниқланади.
Е. Тўғри жавоб берилмаган.

6. Раҳбарият ва ходимлар малакавий даражаларининг пастлиги қайси рискка таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади..

А. Ички хўжалик риски.
Б. Назорат риски.
С. Аниқланмаслик риски.
Д. Ишончлилик риски.
Е. Тўғри жавоб берилмаган.

7. Ҳисоботдаги ҳар бир сатр бўйича моддийлик алоҳида сатрлар бўйича йиғилиши учун қайси усулдан фойдаланилади?
А. Анализ усули.
Б. Синтез усули.
С. Дедуксия усули.
Д. Индуксия усули.
Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

8. Аудитор аудитни режалаштириш даврида ажратиб бўлмайдиган рискини 70%, ички назорат рискини 40%, аниқланмаслик рискини 12% қилиб белгилади. Шунда аудиторлик риски неча фоизга тенг бўлади?
А. 3,16%.
Б. 3,36%.
С. 3,46%.
Д. 2,15%.
Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

Муҳимлик даражаси ва аудиторлик риски ўзаро қандай боғлиқликда?
А. Боғлиқ эмас.
Б. Тескари пропорционал.
С. Тўғри пропорционал.
Д. Прогрессион боғлиқликда.
Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

9. Аниқланмаслик риски бу -
А. Аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлар томонидан субектив аниқланадиган кўрсаткич.
Б. Бухгалтерия счотида, баланс моддасида, бир турдаги хўжалик муомалалари гуруҳида учрайдиган камчиликларни абсалют қиймати.
С. Корхонанинг мавжуд ва мунтазам қўлланилиб келинаётган бухгалтерлик ҳисоби тизими ва ички назорат тизими воситаларини нисбий миқдори.
Д. Аудиторлик текшируви жараёнида қўлланиладиган аудиторлик амалларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда жиддий ҳисобланган хатолар ҳамда камчиликларни аниқлаш имкони йўқлигининг эҳтимолидир.

Е. Юқоридагиларни барчаси тўғри.

2.3. Аудиторлик текшируви жараёнида ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш

Аудиторлик текширувни режалаштириш текшириладиган корхона фаолиятини батафсил ўрганишдан бошланади. Аудитор корхона фаолиятини ўрганишдан иккита мақсадни кўзлайди: а) аудит ўтказишни осонлаштириш ва сифатини ошириш; б) текшириладиган корхона иқтисодини яхшилашга қаратилган амалий маслаҳат ёрдами кўрсатиш.

Бунинг учун корхона фаолиятига таъсир қиладиган ички ҳамда ташқи омиллар ҳақида маълумотларни тўплаш зарур.

Аудитор биринчи навбатда эътибор бериш лозим бўлган, корхона иқтисодига таъсир қиладиган ички омилларга қуйи-дагилар киради: мулкчилик шакли ва бошқарув тузулмаси, корхонанинг қандай мақсадда ташкил этилганлиги, корхона фаолиятида амалга ошириладиган асосий муомалалар, молияси, ходимлари, ҳисоб юритиш сиёсати, корхонанинг учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлари.

Ташқи омилларга мижоз фаолият қиладиган тармоқ, мамлакатдаги иқтисодий ҳолат киритилади.

Текшириладиган корхонанинг мақсадларини таҳлил қилиш, унинг муомалаларини яхши тушунишга имкон бериб, текшириладиган ҳисобот ҳақида тўғри фикр шаклллантирилиши учун зарурдир. Чунончи, агар аудитор ишини режалаштириш чоғида мулк эгаларининг корхонани тугатмоқчи эканликлари аниқланса, бунда у корхона ҳисоботига нисбатан фаолият қилаётган корхона принципини қўлламаслиги ҳақида аудиторлик ҳисоботига изоҳ киритишга тайёрланиши зарур.

Мижознинг муомалалари ҳақидаги маълумотлар аудиторга ўзининг хатарли ҳолатларини тўғри баҳолаш, самарали текшириш дастури тузиш ва уни ўтказишга кетадиган вақтни тежашда ёрдам беради.

Корхонанинг молиявий тузилмасини билиш аудиторга корхонанинг маблағларга бўлган талаби ва уларнинг келиш манбаларини, корхонанинг ҳақиқий тўлов қобилиятини аниқлаш ва шу билан бирга у келгусида ўз муомалаларини амалга ошира олишини аниқлашда ёрдам беради.

Текшириладиган корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсатини билиш аудиторга ҳар хил счётларни текширишнинг самарали методларини ишлаб чиқиш имконини беради. Ҳисоб юритиш сиёсатини тушуниш учун қуйидагиларни кўриб чиқиш зарур: ҳисоб юритиш сиёсатини

қабул қилиш тартиби; ҳисоб юритиш сиёсатига ўзгартиришлар киритиш; талаб этиши мумкин бўлган, корхона фаолиятида руй бериши кутилаётган ўзгаришлар; ҳисоб юритиш сиёсатининг амалдаги қонунчиликка мослиги, ҳисоб юритиш сиёсатининг мазкур тармоқ учун хослиги. (ҳисоб юритиш сиёсатини текшириш тартиби 3, 4-мавзуда батафсил баён қилинган).

Корхонанинг учинчи шахслар билан ўзаро муносабатларини кўриб чиқишда қуйидагиларни таҳлил қилиш зарур: корхона даъвоси, шунингдек унга қарши қўзғатилган даъво бўйича мавжуд ва бўлиши мумкин бўлган судлашувлар; корхонанинг мулклари ва масъулиятлари суғурта қилинганлиги; корхонанинг солиқ мақоми (солиқлар бўйича имтиёзлар ва ш. ў.).

Аудитор тармоқда қандай хатарли ҳолатлар билан тўқнашиши ва мазкур тармоқнинг ўзига хос муаммоларини ҳал қилишга лаёқатлилигини, унга нотаниш ва ўзига хос мураккаб масалаларни хал этиш учун тегишли мутахассислар жалб қилиш талаб қилинишини тасаввур қила олиши лозим. Бунинг учун у мазкур тармоқдаги рақобатчилик шарт-шароитларини (асосий рақобатчиларнинг рўйхатини тузиши лозим); баҳоларнинг ўзгаришини, тармоқда ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келадиган шароитларни ўрганади.

Аудитор ахборотларни тўплашни ўзига тушунарли методлар билан амалга ошириши лозим.

Корхона раҳбарияти ва бош мутахассислардан сўраб-суриштириш йўли билан асосий муаммоларни, хусусан, рақобат, солиқ масалалари, корхонанинг молиявий аҳволи, корхонанинг йирик муомалалари, бизнесдаги, раҳбариятдаги, мулкчилик шаклларидаги ўзгаришлар, ички назоратнинг ташкилий тузилмаси ва методлари, раҳбариятнинг аудитор махсус эътибор қаратишини истаган ўзига хос муаммоларини аниқлаши мумкин. Бўлинмалар, ишлаб чиқариш уринлари ва омборларга бориб, мижознинг амалга оширадиган муомалалари, ишлаб чиқариш товар-моддий захираларнинг мавжудлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Шунингдек, корхона фаолияти ҳақидаги унинг ҳисоботида (бухгалтерлик ҳисоботлари ва аналитик ёзувлар; директорлар, бошқарув ва акциядорлик кенгашининг мажлис баённомалари; ички аудиторнинг ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари, лавозим йўриқномалари), ташқи ахборот манбалари (матбуотда чиққан нашр маҳсулотлари, маълумотлар базаси, аналитик нашрлар, қонунчиликка оид ва бошқа меъёрий бюллетенлар) келтирилган маълумотларни таҳлил қилиши лозим.

Аудитор олинган маълумотларни ёзиб боради ва корхонага таъсир

қилувчи омиллар ҳамда аниқланган таҳликали ҳолатлар баён қилинган ҳолда бўлимларга бўлинган махсус ёзув кўринишида расмийлаштиради.

Аудитор корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни бошлашдан олдин бухгалтерлик ҳисоби қандай ташкил этилганлиги ва юритилаётганлигини ўрганиши лозим. Бунда у корхонада қўлланилаётган назорат воситаларини ўрганади ва баҳолайди, улар асосида тахмин қилинаётган аудиторлик амалларининг мазмуни, миқёси ва қилинадиган харажатларни аниқлайди.

Енг муҳими, аудитор амалдаги бухгалтерлик ҳисоби тизими текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини ишонарли акс эттириши ҳамда текширилаётган корхонадаги мавжуд назорат воситаларига қай даражада таяна олишига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шунингдек, ҳисоб тизимини, яъни ҳужжатлар айланиш режа-графигининг тузилишини, бухгалтерия ходимларининг хизмат вазифалари қандай тақсимланаётганлигини кўрсатиши, корхонанинг асосий муомалаларини акс эттириш учун қандай счётлар корреспонденциялари (ўзаро боғланишлари) қабул қилинганлиги ва қандай ҳисоб регистрларидан фойдаланилаётганлиги каби масалаларни баён қилиш лозим.

Кўпчилик аудиторлар ҳисобни ташкил этиш ва уни юритиш услубиёти стандарт, марказлаштирилган ҳолда тартибга солишга бўйсундирилган ва шунинг учун уни баён қилишга эҳтиёж сезилмайди деган нотўғри фикрга эга. Улар бундай фикрга асосланиб аудитни режалаштиришнинг бу қисмига этарли эътибор бермайдилар. Бундай ёндошувга йўл қўйиб бўлмайди, чунки марказлаштирилган тизим шунга олиб келадики, унда турли корхоналар нафақат ўз хусусиятларини, балки намунавий счётлар ва регистрлар номи остида ҳам хатоларини яширадилар. Масалан, 1010-1090 «Материаллар» счётлари бўйича қолдиқларни балансда ҳисоб баҳоларида акс эттириш ҳоллари кўп учрайди. Ҳисоб юритиш сиёсатидаги «ишлаб чиқариш захираларининг ҳисоби уларнинг ўртача сотиб олиш баҳоси бўйича юритилади» деган ёзув остида нафақат ўртача миқдорларни ҳисоб-китоб қилишнинг хилма-хил усуллари, балки улардан тўғридан-тўғри воз кечиш ва материалларни корхона учун энг қулай бўлган баҳоларда ҳисобдан ўчириш ва шунга ўхшашлар яшириниши мумкин. Бухгалтерия ходимлари корхонада юритиладиган оборот ведомостлари ва шунга ўхшашларни журнал-ордерлар деб тушуниб, ҳисоб журнал-ордер шаклида юритилишини тасдиқлашлари ҳам мумкин.

Бухгалтерлик ҳисоби тизимини баён қилиш қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши мумкин: аудитор ахборот олишни

режалаштирган асосий ходимлар фамилиялари кўрсатилган корхона бухгалтериясининг ташкилий тузилмаси; ташкилий тузилмада кўрсатилган ҳар бир ходимнинг вазифалари ва масъулиятларининг баёни; ҳисоб циклининг муҳим участкалари бўйича ҳужжатлар айланиш режа-графиги; ҳисоб цикллари йўналишида намунавий муомалалар бўйича проводкалар баёни; бир марталик муомалалар ва хато бўлиш эҳтимоли юқори бўлган муомалалар «ўзининг» фирмалари, мавозалари, комиссия ва консигнация шартномалари, қўшма фаолият шартномалари, лизинг) бўйича счётлар корреспонденциялари баёни; ҳисоб юритиш сиёсатидаги ёки айрим счётларни юритиш қоидаларида меъёрдан четга чиқишлар; ҳисобот маълумотларини текширишнинг назорат варақаси. Сўнгги ҳужжат аудиторнинг талаби бўйича мижоз томонидан тузилади. Унда ҳисоботнинг бутунлигича ҳам, қисман ҳам текширишга тайёр эканлиги мижознинг ушбу текширишни техник жиҳатдан қай даражада таъминлай олиши сўралади.

Аудитор бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ҳамда ҳолатини текширишда қуйидагилардан фойдаланади:

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига қўшиладиган, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом, юқори ташкилотларнинг йўриқнома, Низом ва кўрсатмалари; Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати.

Ҳукумат, молия ва статистик органларининг меъёрий ҳужжатлари билан бир қаторда, ўрганилаётган соҳадаги текширилаётган корхоналарнинг хусусиятларини ифодалайдиган таъсис ҳужжатларига алоҳида аҳамият берилади.

Мазкур масала бўйича аудитор қуйидагиларни текшириши лозим:

Бухгалтерлик ҳисобини ташкил этиш ва юритишга доир йўриқномалар ва кўрсатмалар счётлар режасини қўллашнинг тўғрилиги: ҳисобнинг журнал-ордер ёки жадвал автоматлаштирилган шаклларидан қўлланиладиган шаклни юритиш қои-даларига риоя қилиниши; дастлабки ҳужжатларнинг бухгалтерияга ўз вақтида келиб тушиши ва ҳужжатлар ташкил этилиши: ҳисоб регистрларининг ўз вақтида ва тўғри қўлланилиши синтетик ҳисоб маълумотларининг аналитик ҳисоб маълумотларига мос келиши: дастлабки ҳужжатларга автоматлаштирилган ишлов бериш усулларининг қўлланили-ши (иш ҳақи, материаллар, ишлаб чиқариш харажатлари ва ш. к.) ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг тўғрилиги; давр

харажатларини ҳисобга олишнинг тўғрилиги; ишлаб чиқаришга сарфланган материалларни баҳолашнинг тўғрилиги; балансдаги барча моддаларнинг инвентаризация қилинишини тўғри ташкил этилиши, шунингдек, инвентаризацияни ва унинг натижаларини ҳисоб ва ҳисоботда ўз вақтида ҳамда тўлиқ акс эттирилиши: бош бухгалтер томонидан материаллар, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, бухгалтерлик ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг қонунийлиги устидан назорат ўрнатилиши; банкларга, солиқ органларига, акциядорларга ва бошқаларга тақдим этиладиган баланс ва бошқа ҳисобот шаклларига бухгалтерлик ҳисоби маълумотларининг тўғри келиши; бюджет билан ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва ўз вақтидалиги; фойда (даромад)ни аниқлашнинг тўғрилиги; фойдани тақсимлаш ва резервлар яратишнинг тўғрилиги.

Булардан ташқари аудитор қуйидагиларни ҳам текшириши зарур:

- бухгалтерия аппарати ишининг тўғри ташкил этилганлиги;
- бухгалтерия ходимлари лавозим йўриқномаларининг мавжудлиги;
- бажарилган иш учун ҳар бир ходим жавоб берадиган қилиб, хизмат вазифаларининг бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсимланганлиги;
- аудиторлик текшируви ўтказилаётган ташкилот (фирма) раҳбарияти томонидан ишни бажарувчи мансабдор шахслар, омбор мудирлари, механиклар ва бошқалар)нинг дастлабки ҳисоботлар ва ҳужжатларни тақдим этиш графигининг тасдиқланганлиги, графикка риоя қилиш устидан назорат ўрнатилиши ва уни бузган айбдор шахсларга нисбатан интизом чоралари ва бошқа чораларнинг қўлланилиши; бухгалтерия ичида айрим иш турларининг бажарилиш муддатлари кўрсатилган, ҳужжатлар айланиши графигининг борлиги (иш ҳақи ҳисоб-китоби ведомостлари, моддий қийматликлар ҳаракатининг йиғма ведомости, асосий воситалар ва номоддий активларга эскириш ҳисоблаш ведомости, ҳисоб регистрларини якуний (йиллик) ҳисоботлари тузиш); бухгалтерия ходимлари жорий иш жараёнида зарур бўлган, тегишли қўлланмалар, йўриқномалар ва ҳисоб-китоб жадваллари билан таъминланганлиги;
- бош бухгалтер томонидан унга тўлиқ берилган молиявий назоратчилик ҳуқуқларининг амалга оширилиши, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботига доир бош бухгалтернинг фармойишлари, шунингдек, хусусан молия-хўжалик муомалаларини расмийлаштириш ва талаб қилинадиган ҳуж-жатлар ва маълумотларни бухгалтерияга тақдим этиш, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурийлиги каби корхонадаги ички тартибга риоя қилиниши, юқорида кўр-сатилган

ҳисоб, ҳисобот ва молиявий назорат масалаларига доир бош бухгалтер фармойиши ва кўрсатмаларининг бажарилмаганлиги ёки бузилганлиги учун айбдор ходимларга нисбатан аудит ўтказилаётган корхона раҳбарияти томонидан хайфсан ёки мукофотдан (тўлиқ ёки қисман) маҳрум этиш чораларининг қўлланилиши; бухгалтерия ходимлари билан бошқа бўлинмалар ўртасида ўзаро муносабатларининг тўғри йўлга қўйилганлиги, бош бухгалтер бошқа бўлинмалар раҳбарлари билан ҳамкорликда аудит ўтказилаётган корхона молиявий хўжалик ҳисоби, ҳисобо-ти маълумотларига асосан таҳлил қилиши;

- балансннинг асосий материаллар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоб моддаларини инвентаризация қилиш; бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисидаги Низомда белгиланган тартиби ва муддатларига риоя қилиниши; ўтказил-ган инвентаризация ва унинг сифати қандайлиги, инвентаризация натижасида барча баланс моддалари ҳаққоний-лигининг таъминланганлиги;
- бухгалтерлик ҳисоби ва назоратнинг ташкил этилиши пул маблағлари ва материал қийматликлар камомади, этишмовчилиги ва ноқонуний сарфланиши ва бошқа камчилик ҳамда суистеъмол қилишларнинг олдини олишни таъминлаши, дастлабки ҳужжатларни сифатли расмийлаштириш ва уларнинг ишонарлилиги устидан пухта назорат ўрна-тиш; хўжалик муомалаларини, пул маблағлари ва мулклар, материал қийматликлар мавжудлиги ва сақланишини даврий инвентаризацияси ва тўсатдан ўтказилган текширишлар натижалари ва шу кабилар;
- тузилган даврий ва йиллик ҳисоботлар маълумотларининг бухгалтерлик ва статистик ҳисобот маълумотларига тўғри келиши.

Ҳар бир аудитор, гарчи битта аудиторлик текширувида тўлиқ иштирок этган бўлса ҳам, бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш ва солиққа тортишнинг мавжуд тизимида исталган хўжалик юритувчи субъект бухгалтерлик (молиявий) ҳисо-ботининг у ёки бу даражадаги хатоларга йўл қўймаслиги ўта мураккаб эканлигини тушуниб этади.

Аудитор бундай хатоларни аниқлаганида қуйидаги вазифаларни ҳал этиши лозим:

- бухгалтерлик ҳисоботидаги хатоларнинг баёнини ёзиш;
- бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ҳамда юритишнинг қонунчилик билан белгиланган қоидалари хўжалик юритувчи субъект ходимлари томонидан билмасдан ёки атайлаб бузилган ҳоллар аниқланганида аудиторлик ташкилоти қандай иш тутиши хусусиятларини аниқ-лаш;
- бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилигига таъсир қилади-ган хатолар аудитор томонидан аниқланганлиги муносабати билан

хўжалик юритувчи субъект ва аудиторлик ташкилоти масъулиятларини бир-биридан ажратиб белгилаш;

- бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг бузиб кўрсатилиш хавф-хатари омилларини аниқлаш.

Кўпинча аудитор аудит ўтказиш чоғида бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботларга қандай мақсадларда атайлаб хатолар киритилганлигини аниқлашга уриниб, унга хос бўлмаган функцияларни зиммасига олишга ҳаракат қилади (балки бухгалтерлик ҳисоботи маълумотларидан фойдаланувчиларни чалғитиш учун ғаразли мақсадлар кўзланган бўлиши мумкин).

Хўжалик юритувчи субъект ходимларининг бухгалтерлик ҳисоботида хатолар пайдо бўлишига олиб келадиган, атайлаб қилинган ҳатти-ҳаракатлари (ёки лоқайдликлари) тўғрисида хулоса қилиш фақат ваколатли орган томонидан амалга оширилиши мумкинлигини аудитор ҳисобга олиши зарур. Аудитор учун аниқланган хатоларнинг аҳамиятли ёки аҳамияциз эканлигини аниқлаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Ҳар бир аудитор ўз тажрибасидан келиб чиқиб, муайян текшириладиган корхона учун бухгалтерлик ҳисобининг қайси бўлимлари энг хатарли эканлигини яққол тасаввур қилиб, аудитни режалаштиришда ўз ишини шундай тарзда эҳтиёткорлик билан қилиши керакки, нотўғри аудиторлик хулосаси тузиш ва тақдим қилиш хавф-хатари имкон қадар камайсин.

Агар раҳбариятга тақдим қилинган ахборотлар натижалари бўйича бухгалтерлик ҳисоботига тегишли ўзгартишлар киритилмаган бўлса, у ҳолда аудитор аудит жараёнида аниқланган бухгалтерлик ҳисоботидаги бузиб кўрсатилган фактлар тўғрисидаги маълумотларни аудиторлик хулосасига киритиши керак.

Аудиторлар ҳам, текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ҳам, шуни унутмасликлари зарурки, бухгалтерлик ҳисоботларини атайлаб ёки билмасдан бузишларнинг юзага келиши учун; шундай хатоларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилмаганлиги учун; уларни бартараф қилмаганлиги ёки кечикиб тўғрилаганлиги учун хўжалик юритувчи субъект ходимлари жавобгардир.

Аудиторлик ташкилоти эса, хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма равишда тақдим қилинадиган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасида бухгалтерлик ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисида объектив ва асосланган фикр билдирганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Аудитор хўжалик фаолиятини текширишда қуйидагиларни таҳлил

қилиши лозим:

- корхонанинг ўз устав фаолияти ва хўжалик дастурининг бажарилиши;
- устав капиталини ташкил этишнинг тўғрилиги ва унинг ўз фаолияти мақсадларига мувофиқ ишлатилиши;
- корхонада маҳсулотларни этказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ишонарли, тезкор ҳисобга олишнинг ташкил этилиши, тайёр маҳсулотлар этказиб бериш мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда корхона ходимлари томонидан белгиланган тартибга риоя қилиниши;
- маҳсулотларни тўлиқ ва ўз вақтида этказиб бермаганлик натижасида кўрилган йўқотишлар (жарималар, пениялар, неустойкалар ва бошқалар);
- чиқарилаётган маҳсулотларни янгилашга доир кўзланган тадбирларнинг бажарилиши; маҳсулот сифати кўрсаткичлари, брак ва сифатиз маҳсулот этказиб берганлик учун кўрилган зарарлар;
- маҳсулот чиқариш ритми, ритмсиз ишлаш сабаблари, суткалик графиклар бажарилмаслиги оқибатида кўрилган зарарлар;
- хом ашёлар, материаллар ва ишлаб чиқариш чиқитларидан оқилона фойдаланиш;
- корхона жамоаси мақсадларнинг тизими, ҳар бир ходимга вазифаларнинг оқилона тақсимланиши;
- ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий мақсадларга этишишда барча ходимлар (ишчидан тортиб бош директоргача) иқтисодий манфаатларни таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш тизими;
- маҳсулот чиқариш ва сотиш ҳақидаги ҳисобот маълумотларининг бухгалтерлик ҳисоби ва дастлабки ҳужжатлар маълумотларига тўғри келиши;
- маҳсулотлар ҳисоботига ҳисобот даврида тайёрланиб тугалланмаган маҳсулотларнинг киритилмаганлиги ва ҳисоботларда бошқа қўшиб ёзиш ҳамда чалкашликларга йўл қўйилмаганлиги.

№ 1 - «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ ***ҳисоб сиёсати*** хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш ҳамда тузиш учун фойдаланиладиган махсус тамойиллар, қоидалар ва амалий ёндашувлар тўпламини ифодалайди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати корхона раҳбари томонидан №1 БҲМС асосида тузилиб, хўжалик юритувчи субъектнинг турли йиллар учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларидаги кўрсаткичлар таққосланувчан, ҳамда бошқа алоқадор

БҲМС лар асосида шакллантирилган бўлиши лозим.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва унга риоя қилиниши масалалари аудитнинг аҳамиятли соҳаларидан бўлиб, бухгалтерия ҳисоботларининг ишончлилигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг барча босқичларида аудитни режалаштиришдан то аудиторлик хулосасини тузгунга қадар муҳим текширув объекти бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги пайтгача ишлаб чиқилган аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан кўпчилигида текшириладиган корхона фаолиятини тартибга соладиган, асосий ҳужжатлардан бири сифатида ҳисоб сиёсати тўғрисида сўз юритилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ташкил этилишини текшириш чоғида ҳисоб сиёсати билан танишишнинг мақсади бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асосий тамоилларини ва текшириладиган корхонанинг ҳужжатлар айланиши графигини ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборат. Бунда ҳисоб сиёсатини белгилайдиган фармойиш ҳужжатларининг мавжудлиги ва таркиби аниқланади.

Ҳисоб сиёсатининг мазмунини ифодалайдиган маълумот манбалари қуйидагилардан иборат:

- текшириладиган корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ (фармойиш);
- бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режаси;
- тасдиқланган дастлабки ҳужжатлар шакллари ва ички бухгалтерия ҳисоботлари учун ҳужжатлар шаклларининг рўйхати;
- ҳужжатлар айланиш режа-графиги ва ҳисоб ахборотларига ишлов бериш технологиялари;
- айрим кўрсаткичларни ҳисобга олиш бўйича тасдиқланган услубиёт ва текшириладиган корхона ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруққа бошқа иловалар;
- қуйидаги масалаларни баён қиладиган (очиб берадиган) тушунтириш хати.

Корхонанинг ҳисоб сиёсатига тааллуқли маълумотлар:

ҳисоб сиёсатини шакллантиришда танлаб олинадиган, ўтган йилгидан фарқ қиладиган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари;

ҳисобот йилида ёки ҳисобот йилидан кейинги даврларда бухгалтерия ҳисоботларидан фойдаланувчиларнинг баҳолаш ва қарор қабул қилишига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар;

ҳисобот санасидан кейин содир бўлган ҳодисалар ва хўжалик фаолиятининг шартли фактлари, муомалаларни тўхтатиш, битта акцияга

ёки 1 сўмлик пайтга тўғри келадиган фойда.

Ушбу маълумот манбаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида мижоз-корхона маъмуриятининг ҳисоб сиёсатини шакллантириш ҳамда уни бажаришга юзаки ёндашмаётганлигини аниқлаш (баҳолаш) зарур. Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ва унинг билан боғлиқ бўлган, ўз вақтида чиқарилган ва тўғри расмийлаштирилган фармойиш ҳужжатларининг мавжудлиги - ҳисоб сиёсатидан корхонани бошқариш механизми сифатида фойдаланилаётганлиги ҳақида этарли даражада гувоҳлик бера олмайди.

Масалан, ҳар хил фойда солиғи ставкаларини қўллайдиган фаолият турлари билан шуғулланадиган корхоналар ушбу солиқни энг юқори ставка бўйича ҳисоб-китоб қилган. Ушбу ҳолат ҳисоб сиёсатини шакллантириш масаласига корхонада юзаки ёндашилаётганлигидан далолат беради. Чунки, бунда ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатларидаги имкониятларидан фойдаланилмайди. Ҳар хил ставкаларда солиққа тортиладиган фаолиятлар турлари бўйича харажатларни алоҳида ҳисобга олиш услубини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш солиқ юкини энгиллатишга имкон берган бўлар эди. Аудитор томонидан корхона маъмуриятининг ҳисоб сиёсатига муносабатини баҳолашни корхонада ички назоратнинг аҳволини умумий баҳолашда эътиборга олиш зарур. Чунки ҳисоб сиёсати ўз-ўзидан ички назорат тизимининг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсатини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади - «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли №1 БҲМС талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисида хулоса тузишдан иборат бўлиб, ҳисоб сиёсати №1 БҲМСга мувофиқ уларни бажаришни таъминлаши лозим. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобо-тининг ишончлилиги тўғрисида фикр шакллантиришда қуйи-даги ҳолатлар ҳам инобатга олиниши зарур:

- корхоналарнинг мулкий ҳолислиги;
- ҳисоб сиёсатини қўллашнинг изчиллиги;
- хўжалик фаолияти фактларининг аниқлиги.

Аудиторлик текширувини ўтказишда қуйидагиларни ҳам аниқлаш зарур:

- ҳисоб сиёсатига доир фармойиш ҳужжатларининг мавжудлиги ва уларнинг таркиби;
- ҳисоб сиёсатига доир ҳужжатлар шакллари ва қабул қилиш муддатларининг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги;
- меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган ҳисоб усулларидан фарқ қиладиган, лекин корхонанинг мулкий ҳолатини ва молиявий

натижаларини ишонарли акс эттиришга имкон берадиган усуллар мавжудлиги;

- ҳисоб сиёсатини шакллантириш чоғида танланган, бухгалтерия ҳисоботларидан фойдаланувчилар томонидан корхона молиявий ҳолатини баҳолаш ва қарор қабул қилишга сезиларли таъсир кўрсатадиган бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг моҳияти тўлиқ очиб берилганлиги;
- ҳисоб сиёсатига риоя қилиш.
- Аудитор №1 БҲМС да белгиланган, ҳисоб сиёсатини қабул қилиш тартибига риоя қилинаётганлигини текшириши лозим: унда:
- ҳисоб сиёсатини қабул қилиш тўғрисида корхона раҳбарининг буйруғи (фармойиши) чиқарилганлиги) (№1 БҲМС 55 банди).
- ишчи счётлар режаси, намунавий қабул қилинмаган дастлабки ҳужжатлар шакллари, ҳужжатлар айланиши режа-графиги ва ҳисоб ахборотларига ишлов бериш технологияси, инвентаризация ўтказиш ва хўжалик муомалаларини назорат қилиш тартиби ва бошқалар тасдиқланганлиги.
- ҳисоб сиёсатига киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар тўғрисида буйруқ чиқарилганлиги (№1 БҲМС 56. 1, 56. 2, 56. 3, 56. 4 бандлари).

Шунингдек, янгидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект танлаган ҳисоб юритиш сиёсатини молиявий ҳисоботини биринчи марта эълон қилгунга қадар, лекин юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб 90 кундан кечикмасдан расмийлаштириши лозим. Корхона томонидан танланган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб юритилади.

№1 БҲМС 56 бандига мувофиқ ҳисоб сиёсати календар йили давомида ўзгартирилмайди. Фақат хўжалик юритувчи субъектни қайта ташкил этилиш (бирлашиш, бўлиниш, қў-шиб олиш), мулкдорлар алмашиши, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг ўзгариши ва бухгалтерия ҳисобининг янги услублари ишлаб чиқилган ҳолларда ҳисоб сиёсати ўзгартирилиши мумкин (№1 БҲМС 56. 1, 56. 2, 56. 3, 56. 4).

Ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгартишлар асосланган бўлиши ва тегишли тартибда расмийлаштирилиши лозим (№1 БҲМС 55 бандига мувофиқ). Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар оқибатлари хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобининг ўзгартирилган услублари қўлланилиб бошланадиган санага (ойнинг биринчи

санасига) текширилган маълумотлар асосида қиймат ифодасида баҳоланган бўлиши лозим.

Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқни таҳлил қилиш чоғида аудитор қуйидагиларни аниқлайди:

- ҳақиқатан ҳам буйруқнинг барча бандлари ҳисоб сиёсатига тааллуқли эканлиги;
- ҳисоб сиёсатининг барча жиҳатлари (ташкилий-техник, услубий, солиқчиликка доир) буйруқда акс эттирилганлиги.

Ушбу мақсадда ҳисоб сиёсати тўғрисидаги тақдим этилган буйруқ (фармойиш) тест синовидан ўтказилади. Бунинг учун аудитор текшириладиган корхона раҳбарига тахминан қуйидаги мазмундаги анкетани тўлғазишни тавсия қилади.

Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқларни аудиторлар томонидан тест синовидан ўтказиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, айрим хўжалик юритувчи субъектлар бу ҳужжатга ҳисоб сиёсатига тааллуқли бўлмаган нарсаларни ҳам киритадилар. Масалан, ходимларга иш ҳақи бериш муддатлари, таътиллар давомийлиги, меъёридан ошиқ хизмат сафари харажатлари ва ҳоказо. Бундай ахборотлар корхонанинг бошқа ички ҳужжатларида акс эттирилади. Айрим корхоналар бухгалтерия ҳисобининг барча мумкин бўлган унсурлари бўйича бухгалтерия ҳисоби услубларини, улар олдин қўлланганлиги ва кейинчалик қўлланиши зарурлигига қарамасдан буйруққа киритишлари оқибатида хато-камчиликларга йўл қўядилар.

Ҳисоб сиёсати тўгрисидаги буйруқни дастлабки текшириш учун анкета-тест(намуна)

Текшириладиган объект	Жавоб		эслатма
	ха	йўқ	
Ташкилий – техник 1. Ҳисоб юритишнинг ташкилий шакли қандай? а) бош бухгалтер бошқарадиган таркибий бўлинма. б) штатдаги бухгалтер лавозими в) ихтисослаштирилган ташкилот билан тузилган шартнома асосида. г) ҳисоб раҳбар томонидан юритилади			
2. Тасдиқланганми? ➢ бухгалтерия тўғрисида Низом. ➢ хизмат вазифалари рўйхати			
3. Қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби шакли: ➢ журнал-ордер шакли. ➢ мемориал-ордер шакли			

➢ соддалаштирилган ҳисоб тизими. ➢ компютерлаштирилган.			
4. Ишчи счётлар режаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланганми?			
5. Ҳужжатлар айланиш қоидалари ва ҳисоб ахборотларига ишлов бериш технологияси: ➢ дастлабки ҳужжатларнинг унификацияланган шаклларини қўллаш. ➢ намунавий шакллари мавжуд бўлмаган дастлабки ҳужжатлар шаклларини тасдиқлаш. ➢ бошлангич ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга шахслар рўйхатини тасдиқлаш. ➢ ҳужжатлар айланиш режа-графигини тасдиқлаш. ➢ бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш муддатларини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатлар жилдларининг рўйхатини ишлаб чиқиш. Ҳужжатларни сақлаш учун масъул шахсларни аниқлаш.			
6. Мулкларни баҳолаш: ➢ харид учун қилинадиган ишлаб-чиқариш харажатларини жамлаш йўли билан тўлов ҳисобига сотиб олинган. ➢ кирим қилинган пайтдаги бозор баҳоси бўйича текинга олинган. ➢ корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган унинг ҳақиқий таннархи бўйича.			
7. Инвентаризация ўтказиш тартиби: ➢ муддатларини белгилаш. ➢ доимий фаолият кўрсатадиган комиссия тузиш. ➢ инвентаризация ўтказиш тўғрисида буйруқ тайёрлаш.			
8. Ҳисобот ҳажми, тақдим қилиш муддатлари ва манзилгоҳи: ҳисоботни бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳажм ва муддатларда тузиш. Йиллик молиявий ҳисоботни тақдим қилиш: а) солиқ органларига; б) корхона таъсисчиларига; в) давлат статистика органларига; г) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга;			
9. Аудиторлик ташкилоти билан ўзаро муносабатлар			

тизими.			
10. Доимий фаолият кўрсатадиган комиссия таркибини тузиш: ➢ домоддий активлардан фойдаланиш муддатларини белгилаш учун; ➢ асосий воситаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва яроқсизлигини аниқлаш учун.			
11. Ҳисобдор шахслар рўйхати ва бўнак ҳисоботларини тақдим қилиш муддатларини тасдиқлаш.			
12. Вакиллик харажатлари сметасини тасдиқлаш			
ИИ. Бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари. 1. Асосий ва айланма маблағлар ўртасидаги қиймат чегарасини белгилаш.			
2. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари:			
3. Асосий воситаларни таъмирлашни ҳисобга олиш тартиби: ➢ Таъмирлаш меъёрига қараб.			
4. Асосий воситаларни қайта баҳолаш			
5. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш тартиби:			
6. Материалларни сотиб олиш ва тайёрлашни ҳисобга олиш тартиби:			
7. Ишлаб чиқаришга берилган материалларни ҳисобдан ўчириш усуллари: ➢ ҳар бир бирлигининг таннархи бўйича. ➢ ўртача таннарх бўйича (АВЕСО). ➢ моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг биринчи сотиб олинган таннархи бўйича навбати билан (ФИФО)			
8. Товарларни тайёрлаш ва омборга ташиб келтириш сарфларини ҳисобга олиш: ➢ товарларни тайёрлаш ва ташиб келтириш харажатлари муомала сарфлари таркибида (9411 сақлаш ва ташиш харажатлари счёти) «Транспорт харажатлари» моддаси бўйича; ➢ омбордаги товарлар қолдигига тўғри келадиган муомала сарфларининг суммаси транспорт харажатларининг ўртача фоизи бўйича			
9. Харажатларни ва муомала сарфларини ҳисобга олиш услуби: ➢ Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини шакллантирадиган харажатларни ҳисобга олиш			

(2010, 2310, 2510) баланс счётларида амалга оширилади. ➢ тўлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш таннархи.			
10. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ва ҳисобдан ўчириш тартиби.			
11. Келгуси давр харажатларини ҳисобдан ўчириш тартиби: ➢ бир текисда; ➢ маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда.			
12. Бошқарув ва тижорат сарфларини тан олиш тартиби: ➢ ҳисобот йилида улар тўлиқ тан олинади. ➢ сотилган ва сотилмаган товарлар (маҳсулотлар) ўртасида тақсимланади.			
13. Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар яратиш тартиби.			
14. Фойдани тақсимлаш ва ишлатишни ҳисобга олиш вариантлари: ➢ корхона махсус мақсадлар учун мўлжалланган фондлар ташкил қилмайди. ➢ соф фойда фондларга тақсимланади.			
Дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобдан ўчириш тартиби:			
ИИИ. Ҳисоб сиёсатининг солиққа тортишга доир жиҳатлари. 1. Корхонада даромадни тан олиш тартиби: ➢ пул маблағларининг корхона ҳисоб-китоб счётига ёки кассасига келиш меъёрига қараб (касса усули) ➢ ҳақиқатан маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш ва харидорларга ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим қилиш меъёрига қараб (ҳисоблаш усули)			
2. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)га тортиладиган товарларни сотишда ишлатиладиган моддий ресурслар бўйича ҚҚСни алоҳида ҳисобга олиш тартиби.			
3. ҚҚСни ҳисоблаш учун харажатларни алоҳида (ажратиб) ҳисобга олиш тартиби			
ИВ. Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) билан танишиш тартиби:			

Бундай тартибда тест синови ўтказиш аудиторга энг аввало, ҳисоб сиёсатининг қайси жиҳатлари тўлиқ ёритилмаганлиги ва қамраб олинмаганлиги тўғрисида хулоса қилишга ёрдам беради.

Агар хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобининг у ёки бу усулларини мустақил ишлаб чиқадиган бўлса, у ҳолда аудитор уларнинг бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоида ва талабларга мос келишини тек-шириши лозим.

Ҳисоб сиёсатида кўрсатилган бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари хўжалик юритувчи субъектнинг барча таркибий бўлинмаларида қўлланилади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ишончлилигини тасдиқловчи аудиторлик хулосаси ҳисоб сиёсати тўғрисидаги ахборотларга ҳам бир хилда тааллуқли бўлиши лозим. Бухгалтерия ҳисоботига берилган тушунтиришларнинг корхонадаги ҳақиқатан фойдаланилаётган бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига номувофиқлиги аниқланганида аудиторлик ҳисоботининг хотима қисмида махсус изоҳлар берилиши зарур.

Аудитор ички назорат тизимининг ишончлилигини ва текшириш ўтказишда унга таяниш мумкинлиги ҳақида асосли қарор қабул қила олиши учун бу тизимни ўрганади. Назорат тизимининг ишончлилиги, унинг ҳисоб юритишда муайян шахслар қасддан қилиши мумкин бўлган, шунингдек тасодифий йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш ва аниқлаш лаёқатидан иборат. Агар аудиторнинг фикрича, ички назорат тизими ишончли бўлса, бунда у текширув объектларидан бирортаси бўйича счётлар ёки муомалаларни текширишни тўлиқ ёки қисман ички назорат тизимининг ишлашини текшириш натижаси билан алмаштириши мумкин. Агар, ички назорат тизими ишончли ва сезиларли даражада издан чиқмасдан ишлаётганлигини аниқланса, у бундай тизимдаги бухгалтерлик маълумотларида ҳам катта хатолар йўқ деб тахмин қилишга ҳақлидир. Агар, ички назорат тизими самарасиз бўлса, аудитор унинг камчиликларидан келиб чиқадиган хатарли вазиятларни бартараф қилиш учун тестлар сони ва уни танлаш ҳажмини кўпайтириши лозим. Ички назорат тизимини кўриб чиқишда, аудитор аввало, корхона маъмуриятининг ички назоратга муносабатини, яъни корхона раҳбарининг фикрлаш хусусиятларини, уларнинг раҳбарлик қилиш услубини, аниқ молиявий ҳисоботга муносабатини ўрганади. Аудитор корхона атрофидаги ишчанлик муҳитини ҳам инкор қилмаслиги лозим. Ўрганишнинг ушбу босқичида аудитор мижоз билан тузилган шартномадан келиб чиқадиган таҳликали вазиятларни баҳолашда тўплаган маълумотларидан фойдаланади. Режалаштириш пайтида ички назорат тизими фаолиятининг барча томонларини батафсил таҳлил қилиб чиқиш лозим. Аудитор олинган маълумотларни ягона тизимга келтириш учун қисқача ҳисобот тайёрлаб, унда қуйидагиларни баён қилади:

корхонанинг фаолият қилиш соҳаси ва принциплари; раҳбариятнинг ишончли ҳисоб ва назорат тизимини яратишга оид мажбуриятлари; раҳбариятнинг корхона фаолиятини назорат қила олиш лаёқати.

Фаолият соҳасини баён қилишда аудитор асосий диққат-еътиборини ички назоратнинг алоҳида участкаларига қаратади. Тўғри йўлга қўйилган ички назорат тизими хатолар вужудга келишини бартараф этиб, натижада, нотўғри, бефойда қарорлар қабул қилиш ҳамда зарарлар вужудга келишини имкон қадар камайтиради. Бунинг устига ички назорат яхши йўлга қўйилганда тасодифий хатолар осон аниқланади, атайлаб қасддан қилинган хатолар эса фақат пухта ўйланган доимий текширув ва масъулиятларни тақсимлаш тизими ёрдамида бартараф қилиниши мумкин.

Кўплаб мутахассислар таъкидлашича, ички назорат тизими фақат корхонада ички назорат ички аудит хизмати томонидан амалга оширилгандагина яхши самара беради, жамоатчилик тафтиш комиссиясига юкланганида эса ёмон ишлайди, бошқалар эса ички аудит ички назорат тизими элементларидан биригина холос деб тасдиқлайдилар.

Ички назорат тизими- бу бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғрилигини таъминлашга қаратилган, ҳамда корхона ресурсларидан мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланишга имкон яратадиган доимий, кундалик ишлар мажмуидир.

Яхши ташкил этилган ички назорат тизими қуйидаги элементлари билан тавсифланади:

- ахборотларни тўплаш тизими мавжуд хатоларни ўз вақтида аниқлайди;
- амалдаги масъулият тизими ҳар қандай вазифани бошдан охиригача якка ўзи амалга оширишига йўл қўймайди;
- ҳар қандай муомалаларни мувофиқлаштириш тизими мавжуд;
- инвентаризация мунтазам равишда ўтказилади;
- бухгалтерия ҳисоботлари ва режадан четга чиқишлар таҳлил қилинади.

Агар ҳар кунлик иш ички назорат остида бўлса, даромадлар кўпаяди. Кундалик иш ишончли бўлса даромадни йўқотиш хавф-хатари ҳам пасаяди.

Ички назоратнинг тузилиши турли хил бўлиши, корхона фаолияти, унинг ҳажми, эҲМ билан жиҳозланганлиги, раҳбариятнинг шахсан назорат қила олиш имкониятлари ва кўплаб бошқа омилларга боғлиқ.

Аудитор ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш жараёнини ўтказиш ҳамда ҳужжатлаштиришда қуйидаги намунавий шакллардан

фойдаланиши зарур:

- махсус ишлаб чиқилган тестлар;
- раҳбар ходимлар ва бухгалтерия ходимларининг фикрларини аниқлаш учун намунавий саволлар рўйхати;
- махсус бланкалар ва текширув варақалари; блоксхемалар ва графиклар;
- камчиликлар рўйхати, баённомалар ёки далолатномалар.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида ички назоратга таалуқли қандайдир махсус талаблар йўқ. Шунинг учун аудитор ички назорат тизимини баҳолашда иккита омилга таянади:

- ички назоратнинг мақсади корхона раҳбарияти учун ҳам, аудитор учун ҳам бир хил бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилиги ва объективлигини таъминлаш;
- аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида ички назорат ҳолатини экспертиза қилиш натижаларини акс эттириш зарур.

Ички назорат тизимини баҳолашнинг асосий мақсади аудитни режалаштириш, шунингдек аудиторлик амалларининг турларини, ўтказиш вақти ва ҳажмини аниқлаш учун пухта замин яратиб, уларни аудиторлик текширувининг дастурида акс эттиришдан иборат. Фараз қилайлик, аудитор томонидан дастлабки аудиторлик текшируви дастури тайёрланган ва у олдинда турган ишларнинг бориши тўғрисида маълум тасаввурга эга. Дастлабки дастур сифатида ўтган йилги аудиторлик текширувининг дастури олиниб, мижоз-корхонадаги ички назорат тизимини дастлабки таҳлил қилиш ва самарасизлик хавф-хатарини баҳолаш натижаларига мувофиқ тузатишлар киритилади.

Аудиторлик текшируви дастури молиявий ҳисоботдаги ахборотларнинг ишончлилигини тасдиқлашга қаратилган амаллар рўйхатидан иборат. Ҳар бир аудиторлик амалининг тури, ўтказиш вақти ва миқёси аниқланиб, у молиявий ҳисоботнинг бир ёки бир неча кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ. Аудиторлик амалларининг эттита асосий тури мавжуд: қайта санаш, кузатиш, тасдиқлаш, оғзаки сўров, ҳужжатларни текшириш, нусха кўчириш ва таҳлил қилиш амаллари.

Ички назорат тизимини баҳолашнинг навбатдаги мақсади -бу уни такомиллаштириш бўйича конструктив таклифлар ишлаб чиқишдир. Аудитор ички назорат тизимини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб, ўз таклифларини мижозга тақдим этиладиган махсус хатда баён қилади. Аудиторлар ушбу таклифларни аудиторлик текширувининг элементи сифатида расман қабул қилиб, уларни консултация хизматлари қаторига киритмайди. Берилган таклифларга риоя қилиш

ёки қилмасликни мижознинг ўзи ҳал этади. Таклифлар баён қилинган хат аудит жараёни якунланганидан сўнг ёзилади.

Хатда ички назорат тизимининг муаммолари билан боғ-лиқ фактлар баён қилиниб, аудитор булар ҳақида мижоз-корхона бошқарувини хабардор қилиши лозим. Чунки, бу муаммолар ички назорат тизимининг таркиби ва фаолият кўр-сатишида сезиларли камчиликлар мавжудлигидан далолат беради ва корхонанинг молиявий ахборотларини рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва молиявий ҳисоботда умумлаштириш лаёқатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай камчиликлар қуйидагиларда намоён бўлади:

- хизмат вазифаларининг тақсимланмаганлиги;
- хўжалик муомалаларининг текширилмаслиги ва зарур назоратнинг ўрнатилмаганлиги;
- назорат амалларининг самарасизлиги;
- назоратдан қочиш мақсадида мансабдор шахслар томонидан назорат амалларининг атайлаб бузилиши;
- корхона раҳбарияти ёки ходимларининг атайлаб қилган хатолари, масалан, бухгалтерия ёзувларини қалбакилаштириш ёки алмаштириш.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот, шунингдек ички назорат тизимини ташкил этиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари жавобгардир.

Аудитор мижоз учун самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқишга жавобгар эмас. Ички назорат тизими тузулмаси учта таркибий қисмга бўлинган:

- **назорат муҳити** - корхонада ички назорат учун қулай бўлган ўзаро хизмат муносабатларини аниқлайдиган белгилар йиғиндисидир;
- **корхонадаги бухгалтерлик ҳисоби тизими** - тегишли хўжалик муомалаларини ёзишга тааллуқли ҳисоб сиёсати ва амаллардир;
- **назорат амаллари** - корхона ходимлари томонидан бажариладиган махсус текширувлар.

Ушбу учала таркибий қисм ўзаро боғлиқликда ахборотлардаги жиддий хатоларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тузатишни таъминлайди.

Назорат муҳити деганда хўжалик юритувчи субъект раҳ-бариятининг хабардорлиги, ички назорат тизимини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлари тушунилади.

Назорат муҳити қуйидаги элементлардан иборат:

- сиёсат ва бошқарув услублари;
- корхонанинг бошқарув тузулмаси;
- директорлар кенгаши, хусусан унинг аудиторлик комитети фаолияти;
- бошқарув функциялари ва масъулиятларни тақсимлаш услублари;
- назорат бошқарув услублари, шу жумладан ички аудит;
- кадрлар сиёсати ва амалиёт;
- ташқи таъсирлар (банклар текшируви, солиқ назорати).

Раҳбарлар ва менеджерларнинг назоратга муносабати назорат муҳитига энг катта таъсир кўрсатади. Яхши бошқарув муҳити юқори даражадаги ички коммуникация тизимини таъминлайдиган, директорлар Кенгаши ҳузуридаги аудиторлик инспекциясининг самарали ишлашига ёрдам берадиган, бюджетлар тизими (бизнес-режа ёки смета) ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлардан фойдаланадиган, ички аудитнинг самарадорлигини таъминлайдиган бошқарув тизими билан тавсифланади. Кейинчалик, назорат муҳити корхона ходимларининг компетентлилиги, хизмат вазифаларининг тақсимланиши, ҳужжатларни ва ҳисоб ёзувларини вақти-вақти билан таққослаб туриш билан аниқланади. Назорат функцияларини амалга оширувчи ходимлар компетентлилиги корхона ички назорат тизимининг асосий белгиси ҳисобланади. Корхонанинг кадрлар билан боғлиқ муаммолари ички назорат тизимига салбий таъсир кўрсатади. Агар бухгалтерлар тез-тез алмаштириб турилса, бу ҳисоб ва назорат функциялари этарли тажрибага эга бўлмаган ва бунинг оқибатида кўплаб хатоларга йўл қўядиган одамлар томонидан бажарилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ходимларининг тез-тез алмаштирилиб туриши нохуш факт деб баҳоланади.

Ички назорат тизими самарали бўлиши учун функционал масъулиятлар ёки хизмат вазифаларининг этарли даражада тақсимланиши жуда муҳимдир. Бу назорат амаллари самарадорлигининг муҳим шарти ҳисобланади. Булар қуйидагилардан иборат:

- хўжалик муомалаларини амалга оширишга рухсат этиш. Бу вазифани хўжалик муомалаларини расмийлаштириш ҳуқуқига эга ходимлар бажарадилар. Рухсат этиш маълум турдаги муомалалар (масалан, барча турдаги сотиш)га тааллуқли, умумий, ёки махсус (масалан, муҳим активни сотишга рухсат этиш) бўлиши мумкин.
- хўжалик муомалаларини рўйхатга олиш. Кўпчилик корхоналарда хўжалик муомалаларини ёзиш (ҳисоб юритиш) ва ҳисобот ишлари компютер ёрдамида бажарилади;

- хўжалик фаолиятида корхона маблағларининг сақланишини таъминлаш. Бунда корхонага тегишли активларга ҳақиқатда эгалик қилиш ёки улар устидан назорат ўрнатиш назарда тутилади;
- счётларда акс эттирилган суммаларни ва ҳақиқатда мавжуд активларни вақти-вақти билан таққослаб туриш. Бу эрда активларни мунтазам инвентаризация қилиш ва тафовутлар аниқланган ҳолларда тегишли чораларни қўллаш тушунилади.

Хизмат вазифаларининг мос келмаслиги - бу шундай комбинация бўлиб, унда хатога йўл қўйган ёки ахборотни бузиб кўрсатган хизматчи ўзининг оддий фаолияти чоғида бу фактларни яшириши мумкин. Вазифалар шундай тақсимланиши керакки, хизматчилардан ҳеч бири юқорида санаб ўтилган тўртта функциянинг икки ёки ундан ортиғини бажармаслиги лозим. Биринчи ва тўртинчи функциялар бошқарув, иккинчи функция ҳисоб, учинчиси эса сақлаш функцияси ҳисобланади. Бу функцияларни турли шахслар ва бўлинмалар ўртасида тақсимлаш иккита афзалликка эга.

1. ишларни мувофиқлаштириш (битта хўжалик муомаласининг турли жиҳатларини кўриб чиқиш) ҳисобига атайлаб қилинмайдиган хатоларни аниқлаш ва тўғрилаш осонлашади.

2. ахборотларни бузиб кўрсатиш қийинроқ бўлади, чунки бу икки ёки ундан ортиқ ишчи шахсларнинг тил бириктиришини талаб этади.

Назорат қилиб туриш назорат муҳитининг муҳим элементи ҳисобланади. Корхонада ҳисоб функциялари ва назорат амалларини корхона ходимлари ва компютер тизими бажариши мумкин. Менежерлар томонидан бу функциялар бажарилиши устидан назорат ўрнатилишини таъминлаш эътиборга молик. Кредитлаш бўйича менежерлар иши устидан назоратни амалга оширувчи назоратчи, масалан, дебиторлар счётларидаги салдоларни назорат счёти маълумотларига вақти-вақти билан таққослаб туриши мумкин. Бўлинмалар раҳбарлари ёки назоратчилари хизматчилар томонидан топилган хатоларни тузатишлари, шунингдек, корхонадаги ҳисоб тизимига тааллуқли қарорлар қабул қилиши ва рухсат этиши мумкин. Назорат ўрнатиш бошқарув назоратининг муҳим воситаси ва бутун ички назорат тизими фаолият кўрсатишининг шарти ҳисобланади.

Томонлар ўртасида келишилган дастур бажарадиган ишлар (хизматлар) ҳажми ва қийматини аниқлашда асос бўлиб, қуйидаги шаклдаги шартнома билан расмийлаштирилади

Назорат ҳаракатлари – бу шундай хатти-ҳаракатки, сиёсат ва процедуралар кўмагида раҳбариятга назоратнинг бажарилишини таъминлаш борасида ёрдам беради. Назорат ҳаракатлари жараёнлар

доирасида бажарилади, масалан, транзакцияларга ва технология муҳитига ишлов беришда зарур бўладиган мажбуриятларни бўлиб бериш. Улар ташкилотнинг ҳамма даражасида бажарилади.

Фаолият назоратини танлаш ва ишлаб чиқиш

Назорат бўйича айрим тадбирлар кўплаб ташкилотларда кўриб чиқилсада (мажбуриятларни бўлиш, мустақил таққослаш, рухсат бериш ва келишув, текширувлар), бироқ назорат бўйича тадбирларнинг универсал тўплами ҳамма ташкилотларда ҳам қўлланилмайди. Ташкилотлар кўпроқ назоратнинг ташкилот рискларни баҳолашда идентификациялайдиган рискларни бартараф этиш учун кўпроқ қўл келадиган турларини танлайди. Масалан, юқори тартибга солинадиган (бошқариладиган) ташкилотлар, қоидага кўра, камроқ тартибга солинадиган субъектларга нисбатан назоратнинг мураккаброқ фаолиятига эга бўлади. Бошқа мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: қайта марказлаштирилган операциялар ва маҳаллий автономия ва инновацияларга урғу берувчи ташкилот операциялари доимий ва юқори марказлаштирилган ташкилотларга нисбатан бошқарув фаолиятининг турли хилларига эга бўлади.

Назорат операциялари. Назорат операциялари (шунингдек, таклифлар назорати деб номланувчи) ўзларида бошқарув фаолиятининг муҳим турини акс эттирадилар. У операциялар рискини пасайтириш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятни назорат қилади ва у операциялар, ҳисобрақамлар ва тасдиқлашларнинг маълум жараёнларига таъсир қилади. Улар қуйидагилар билан боғлиқ операцияларни ўз ичига олади:

- бизнес жараёнлар;
- молиявий ҳисоботнинг баҳоси;
- ёзувларни тартибга солиш, ёзувларни ёпиш.

Ахборотларга ишлов бериш операциялари вақтида ташкилот ўз олдига ахборотларга аниқ ва тўлиқ ишлов бериш мақсадини қўяди. Ташкилот назоратнинг қуйидаги мақсадларига эришуви зарур:

- Рўйхатга олинган операциялар мавжуд ва ўтказилди.
- Ҳамма операциялар рўйхатга олинган.
- Операциялар зарур тарзда баҳоланган.
- Операциялар ташкилотнинг ҳуқуқ ёки мажбуриятларига тегишли.

Операцияларни бошқаришнинг маълум бизнес-жараёнларда бажарилган харид қилиш ва сотиш каби турли хил воситалари, ишлов беришнинг ушбу мақсадига эришилганлиги ҳақида оқилона кафолат бериш учун ишлаб чиқилади ва жорий этилади. Бизнес-операциялар билан боғлиқ назорат операциялари компютернинг мос келиши ёки

асосланганликни, (ўхшаш) батафсил ёрдамчи ҳисобрақамлар ва назорат ҳисобрақамлари, харажатлар ҳақидаги ҳисоботни тасдиқловчи супервизор каби рухсат ва тасдиқлашлар орасидаги келишувларни текшириш кабиларни тўғрилашга ўхшашларни текшириб кўришни ўз ичига олади

Операциялар жараёни

1. Бизнес-жараёнлар операциялари.
2. Молиявий ҳисобот ва ахборотларни очиш.
3. Молиявий ҳисоботни баҳолаш.
4. Ёзувларни тартибга солиш, ёзувларни ёпиш.

Шубҳали қарзлар, пенсия мажбуриятлари, экологик мажбуриятлар, шунингдек, кафолатли захиралар бўйича резервларни ишлаб чиқишдаги бухгалтериянинг баҳолари раҳбарият томонидан синчиклаб кўриб чиқилиши шарт. Бу баҳолар аввал аниқ баҳолашда муваффақиятли бўлган асосий жараёнлар ва маълумотларга асосланган бўлиши лозим. Бошқарув органлари маълумотлар аниқлигига, баҳолар ишончлилигини ва баҳолашнинг асосий модели жорий иқтисодий шароитни акс эттириши ҳамда аввал ҳам оқилона баҳолар билан таъминланганлигига этарлича ишончни таъминлаш учун жараён атрофида бўлмоғи (уни яхши билмоғи) зарур.

Тўғрилаш, ёпиш ва бошқа типик бўлмаган ёзувларни назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

• Ҳамма ёзувларни ҳужжатлаштирилган ҳолда сақлаш;

• Фойдаланувчи (ёки аудитор)га операцияларнинг юз беришидан тугагунга қадар ёки аксинчасига кузатиб бориш имконини берувчи ҳужжатлар ва ёзувларни ўз ичига олувчи яхши ишлаб чиқилган операциялар изидан асосий иллюстрацияланган материалларга таяниш.

• Молиявий директор ёки назоратчининг шарҳи.

Операцияларни бошқаришнинг автоматлаштирилган ва қўл билан ишлатиладиган воситалари. Операцияларни бошқариш воситалари назоратнинг қўл билан бажариладиган операциялари, автоматлаштирилган ва уларнинг бирикмаларидан иборат назорат операцияларини ўз ичига олади. Таклифларни бошқаришнинг автоматлаштирилган фаолиятига мисол тарзида Интернетга киритилганларни ўрганиш учун автоматлаштирилган келишувни ва текширувлар таҳририни келтириш мумкин. Агар маълумотлар мос келмаса ёки нотўғри форматда киритилган бўлса, қарама-қарши алоқа, зарур тузатишлар бажариладиган тарзда кўрсатилади. Айрим ҳолатларда қарама-қарши алоқа ва тузатишлар автоматик тарзда рўй беради. Бошқа ҳолатларда эса қўлда ва автоматик тарзда тузатиш қуйидаги тарзда иштирок этади: тизим автоматик тарзда маълумотлар

беришдаги хатони топади, лекин маълумотни қўлда бериш керак бўлади. Операциялар назорати автоматик ёки қўлда бошқариш бўлса ҳам маълумотларни киритиш, ишлов бериш ва чиқариш билан боғлиқ рискларни пасайтиради.

Киритишни бошқариш воситаси муаллифлик операциялари тўғрилиги ва тўлиқлигига, фақат муаллифлик операцияларигина киритилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш учун ишлаб чиқилган. Киришни бошқариш воситасининг иккита умумий тури киритишни текширишга тестлар ва ўзини-ўзи текшириш рақамлари ҳисобланади. Текширишга кириш тестлари кўпроқ таҳрир қилувчи тестлар сифатида эсланади, чунки улар киритилаётган маълумотларни эҳтимолий хатолар учун тадқиқ этадиган ва таҳрир қиладиган назорат тестларидир. Маълумотларни текшириш тестлари битимларни тажрибали ходим қўлда ишлаб, ишни ўтган ҳафтада ҳеч ким 70 соатдан ортиқ ишламаганини билгани каби кўриб чиқишга мўлжалланган. Агар Интернетга киритилган элемент талаб қилинадиган мезонларга жавоб бермаса фойдаланувчи бу ҳақда хабардор қилинади (олади) ва тузатиш амалга оширилади ёки битимни ишлов берилгунга қадар кўриб чиқиш лозимлиги ёки йўқлиги ҳақида қарор қабул қилинади. Текширилувчи рақамларнинг ўзи идентификация рақами билан боглиқ алмашиб (чалкашиб) кетиш хатолигига текшириш учун ишлаб чиқилган текширувга кириш тести ҳисобланади. Рақамларнинг ўзини ўзи назорат қилиши қўшимча рақамларни ёки сонли идентификатор қўшиладиган (ёки қўйилади) бир неча рақамни ҳисоблаб чиқиш йўли билан амал қилади. Алгоритмлар хатоларнинг тарқалган турини аниқлаш учун мўлжалланган. Ҳар гал идентификатор тизимга киритилганда, ўзини-ўзи назорат қилиш тизими идентификатор тўғрими-йўқмилигини аниқлаш учун рақамларни қайта санайди.

Бошқарувнинг ишлов берувчи воситалари ишлов бериш учун тўғри дастурдан фойдаланилаётгани, ҳамма операцияларга ишлов берилгани ва операциялар тегишли файлларни янгилаши ҳақида ишончли кафолат бериши учун ишлаб чиқилган. Масалан, маошлар ҳисоб-китобининг ишлов берилган операциялари маошларни ҳисоб-китоб қилиш китоби остида (бўйича) янгиланиши керак.

Чиқиш сигналини тартибга солиш (бошқариш) ҳамма маълумотларга тўлиқ ишлов берилгани ва уларнинг чиқарилиши фақат муаллифлик – олувчиларга тарқатилишига этарлича ишонч ҳосил қилишни таъминлаш учун мўлжалланган. Бошқарувнинг типик воситаси назорат суммаларини келишиш, чиқиш ва процедураларни тақсимлаш жадвали (графиги) ҳамда чиқувчи шарҳларни ўз ичига олади. Критик жиҳатдан муҳим маълумотлар учун фойдаланувчи

батафсил таҳлилни бажариши ва чиқариладиган маълумотларни энг муҳим жараёнлар тўлиқлигини аниқлаш учун киритиш билан келишиши мумкин. Ташкилот, шунингдек, хусусий ҳаёт дахлсизлигини ва ёзувлар сақланишини ҳимоя қилиш учун сиёсат ишлаб чиқиши зарур.

Бошқарувнинг бошқа муҳим операциялари. Бошқарувнинг бошқа муҳим операциялари мажбуриятларни бўлаклаш (ажратиш) ва активлар устидан жисмоний назоратни ўз ичига олади. Мажбуриятларни бўлаклаш (ажратиш) бошқарув фаолиятидаги муҳим йўналиш бўлиб, инсон ёлғон ишлатиши ва уни яшириши мумкин бўлгани каби рискилардан ҳимояланишга мўлжалланган.

Мажбуриятларнинг тўғри ажратилиши хеч бўлмаганда икки ходим шундай иштирок этиши керакки, уларда операцияларга ишлов бериш ва мажбуриятлардан маҳрум бўлиш имкони бўлмслигини талаб қилади. Бу функцияларнинг бўлиниши кимдир сохта ёки ноқонуний операцияларни хал қилиб, кейин уларни бухгалтерия ҳисоб воситасида яширишига тўсқинлик қилади. Бўлакларга ажратиладиган ҳисоб ва активларни жисмоний сақлаш кимингдир мажбуриятидан маҳрум этилган ҳолда активларни қабул қилиш ва уларни ҳисоб ёзувларида сохта ёзувлар йўли билан қоплашининг олдини олишга мўлжалланган. Шу тарзда хусусий шахсларнинг ноқонуний равишда активларни ўзлаштиришнинг олди олинади.

Бобнинг бошланишидаги контексида касбий мулоҳазаларида этибор беринг “Chesapeak Petroleum Va Supply, 1nc” да активлврнинг бутлигини (сақланишини) таминлаш учун ички назоратнинг муҳимлиги, мисол учун мажбуриятларнинг бўлиб берилиши бўлмаган жойда инсонга активларни ўзлаштириш имкони туғилади.

Жисмоний назорат активларининг тасодифий ёки олдиндан кўзлаб, йўқ қилиниши ва ўғирланишидан ҳимоялаш учун зарур. Бошқарувнинг жисмоний элементларига мисоллар хавфсизлик қулфларини ўз ичига олади, бунда пул маблағлари ва бошқа ликвидли активларга кириши чеклаш учун омборхона инвентарлари ва сақлаш жойлари сейфлар ва бошқа шунга ўхшашларга кириш чегараланади. Қўшимча назорат захиралари каби жисмоний активларни даврий санокдан ўтказиш ҳамда уларнинг ҳисоблаб чиқилган суммаларга мос келишини акс эттиради.

Бошқарувнинг профилактик ва детектив воситалари назорат бўйича мос келувчи тадбирларнинг қўшилувчи ҳам профилактик, ҳам детектив назоратни ўз ичига олади. Бошқарувнинг профилактик воситалари нотўғри арзномаларни келишининг олдини олиш учун ишлаб чиқилганю. Маслан таҳрир қилинган тестлар айрим мос

келмайдиган операциялар ўтказилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бошқарувнинг профилактик воситалари энг иқтисодий самарадор ҳисобланади. Бошқарувнинг детектив воситаси ишлов бериш чоғида юз берган хатоларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган. Масалан, узлуксиз назорат методлари ишлов бериш керак бўлмаган операцияларни аниқлайди.

Технология асосида бошқарувнинг умумий воситаларини танлаш ва ишлов бериш (COCO 11-принцип)

Деярли ҳамма ташкилотлар ишончли молиявий ҳисоботларга ёрдам бериш учун ахборот технологияларга боғлиқ бўлади. Назорат бўйича танлаш доирасида раҳбарият автоматлаштирилган назорат ҳаракатлари ва бошқарувниг умумий компютер воситалари қай даражада назорат бўйича тадбирлар қўшилмасининг қисми ҳисобланишини аниқлаши зарур. Автоматлаштирилган бошқарув воситасини қўллаш учун ташкилотда компютер билан бошқаришнинг самарали умумий воситаси бўлиши лозим (базан бошқарувнинг умумий воситаси ахборот технологияси деб ҳам аталади).

Бошқарувнинг умумий компютерли воситаси назорат борасида кенг тарқалган бўлиб, ахборот технологиялари тузилишининг тизимининг фойдаланадиган компютерига мўлжалланган катта ЭҲМ биз кундалик ҳаётимизда мобил қурилмалар учун портатив компютергача тасир қилади. Бошқарувнинг умумий компютер воситалари технологик инфратузилма орқали назорат фаолиятини (қўлда ёки автоматик) хавфсизликни бошқариш ва технологияларни сотиб олиш, ривожланиш ва техник хизмат кўрсатишни ўз ичига олади.

Технологик инфратузилма. Технологик инфратузилма ахборот технологияларини самарали фаолият юритиши учун қўллаб-қувватлайди. У технологияларни биргаликда юоғловчи алоқа тармоғини, ҳатто электр қувватлари ишлари, технологиянинг оствқланиши учун зарур бўлган ҳисоблаш ресурсларини ўз ичига олади. Назорат ҳаракатлари (тасир этилиши) технологияни қандайдир муаммоларда текшириб кўриш ва зарурат туғилганда, ҳолатини тузатиш бўйича чоралар кўриш учун зарурю Бошқарувнинг инфратузилмаси билан боғлиқ бошқа яна иккита тадбири резерв нусхалаш процедураларини ва аврияларни тиклаш режаларини ўз ичига олади.

Хавфсизликни бошқариш. Хавфсизликни бошқариш технологияларига киришни чекловчи назорат бўйича фаолиятни ўз ичига олади. Назоратнинг ушбу тадбири муаллифлик фойдаланувчиларни уларнинг хизмат мажбуиятлари билан боғлиқ таклифлардан чекловчи сиёсатни, ходимлар ишларини ўзгартирса ёки

ташкилотни тарк эца, ва доимий равишда кириш ҳуқуқини талаб қилса, уларнинг кириш имкониятларини алмаштириш кабиларини ўз ичига олади. Хавфсизлик технологияси устидан назорат қилиш ва ташкилотни зарур бўлмаган ва рухсациз киришлардан ҳимоялаш малумотлар ва дастурлар яхлитлигини ҳимоя қилади.

Хавфсиликни бошқаришда фойдаланувчиларнинг кириш имконияти билан боғлиқ муҳим тасаввурлар қуйидвгиларни ўз ичига олади:

- Малумотларнинг ҳар қандай элементига кириш чекланади
- Малумотлар элементларини ўзлаштириш ёки олиб ташлаш (ўчириш) бунин учун рухсати борлар томондаина амалга оширилади.
- Киришнинг назорат тизими малумотлар элементлари учун рухсат берилган ёки ман қилинган сифатида потенциал фойдаланувчиларни идентификациялаш ва текшириш имконига эга.
- Хавфсизлик бўлими тизимни бузишга уринишларни фаол назорат қилиш ва малумотлар бутунлигини ва уларга киришга жавоб берувчилар ҳақида вақти-вақти билан (даврий) малумотлар тайёрланиши лозим.

Фойдаланувчиларнинг киришини назорат қилиш учун методларга пароллар жисмоний тавсифлар асосида идентификация бўлган магнит тасма (чизиқ)чани карта (кўпинча паролни қўшиб, талаб қилинадиган)ни ўз ичига олади. Масалан, бармоқ изи, кўз шўр пардаси сканирланган (нусхаланган) ҳолда.

Технологик ютуқлар, ривожланиш ва хизмат кўрсатиш. Ташкилот техникаларни сотиб олиш, ривожлантириш устидан назорат бўйича фаолиятни танлаши ва ривожлантириши зарур. Айрим ташкилотлар, бошқа ташкилотлар технологияни дастурий таминлаш пакетлари ёки ауцорсинг механизми орқали олиши мумкин бўлган ҳолда, ўзларининг ички технологияларини ишлаб чиқишлари мумкин. Агар ташкилот пакетли дастурий таминлашдан фойдаланса ушбу пакетларни танлаш ва реализация қилиш борасида сиёсатга эга бўлмоғи керак. Агар ташкилот ўз ички техноогиясини ишлаб чиқса ва сақласа, у ҳужжатларга талабларга нисбатан сиёсатга, тасдиқлашларга талаблар, ўзгартиришга сўровнома, шунингдек, ўзартириш керакли тарзда қилинганлиги йўқлилигини аниқловчи мос ҳолдаги баённомалар ва тестларга эга бзлиши зарур.

Сиёсат ва процедураларда муфассал (COCO 12-принцип)

Назорат операцияларининг муҳим принципи ташкилотда сиёсат бўлишлиги бўлиб, у умумий чизгиларда ниалар кутаётгани ва сиёсатни

ҳаракатга келтирувчи процедураларни тасвирлаб беради. Масалан, сиёсат нақд пул олиши мумкин бўлмаган тегишли ходимларнинг банкдаги барча счётларини ҳар ойда текшириб кўришни талаб қилиши мумкин эди. Процедура текширишнинг ўзи бўларди. Сиёсатчиларга оғзаки ёки ёзма равишда хабар қилиниши мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам улар аниқ жавобгарлик ва ҳисоб ўрнатишлари лозим. Кейин, процедуралар жиддийлик билан, изчил ва тегишли ҳамда ваколатли ходим томонидан ўз вақтида бажарилиши керак.

Ички назоратчининг ахборот коммуникацион компонентларини тарифланг, унинг принципларини санаб беринг ва ҳар бир принципга мисол келтиринг.

COCO компоненти : Ахборот ва коммуникация

Ташкилот ички назоратидаги ўз мажбуриятларини бажариш учун ички ва ташқи омиллардан ахборотлар олишга эҳтиёжманд бўлади. Коммуникация ахборотларни таминлаш, ажратиш ва олиш жараёни ҳисобланади. Ахборот ташкилотнинг ичида узатилади ва ташкилотнинг мос келувчи ташқи томонлари билан иккиёқлама алоқа бўлиши лозим. Ахборот ва коммуникациялар ички назоратнинг компонентлари ташкилот мақсадигига эришиши учун ахборотларни ўз вақтида идентификациялаш, йиғиш ва алмашиш жараёнида жараёнларига тааллуқли. У ҳисобларни ва ҳисоб методларини ҳамда операциялар бўйича ҳисоботлар ташкил этиш тизимларини, шунингдек, асосий стратегиялар, муомала кодекси ва стратегияларига ўхшаш асосий хабарларни ўз ичига олади.

Мос келувчи ахборотлардан фойдаланиш (COCO 13-принцип) Ташкилот ички назоратни сақлаш ва ишончли молиявий ҳисобдорликда ўз мақсадларига эришиш учунмос келувчи ички ва ташқи ахборотларни аниқлаши ва олиши керак. Масалан, ташкилот ўз ходимларидан ўзларини ташкилотининг муомала стандартларига мос келмайдиган тарзда тузатишларини, масалан, журналга айнан бир хил ёрдамчи хужжатларсиз ёзув киритишини сўрашдими каби даврий сўровномалар ўтказиўи мумкин.бу тадкикот назорат мухитини функсияланишини хакида ахборотлар беради ва бошкарувнинг зарур элементлари тастиклашда фойдаланиши мумкин.ички ахборотларнинг бошқа манбалари хисоб тузишни ички электрон хатларни йигилишлар буюртмалари ва хисобдорлик тузими уз ичига олади.

Ахборотларнинг ташқи мақолаларига мисоллар саноатнинг иллмий тадқиқотга оид хисоботларини шошилинч юналишда хабар юуборувчиларни уз ичига олади.

Ички муносабатлар (COCO 14-принцип)ахборотларни ички узатилиши бутун ташкилот буйича юз беради. Масалан, хамма

ходимлар ички назоратнинг мажбуриятларини жиддий қабул қилиш зарурлиги хақида очиқ сигнал олишлари лозим. Бу алоқа юуқори рахбарият томонидан даврий бюллетенлар дам олиш хонадонларига плакатлар ёки янада расмироқ каммуникациялар ёрдамида амалга оширилиши мумкин айрим холатларда алоқанинг махсус линияси ходим канпания фаолиятида нимадир мос келмайдиганлиги ҳақида ҳавотирда булган тақдирда, аноним ёки махфий хабарлар учун зарур бўлади. Бу “хабар берувчининг функцияси”деб аталиб,аноним тарзда булиши мумкин.бундан ташқари,иш берувчи айбни фош этувчи ходимларга қарши нохуш хатти харакатларда иштирок этишига юл қуйилмаслиги зарур.хабар қилувчиларнинг дастури аудит буйича қумитага мухим этика ва молияви масалаларни келтиришни ўз ичига олиши керак.Амалётдаги аўдит “Уилям ва Флора Хюлетларнинг манавий бузулишлари ҳақида ҳисобот: сиёсатининг ўз хабарчиларидан парча “ўзида хабар берувчилар сиёсатига мисол булиб,хизматчиларнинг иштироки мухумлигини тақиқлаб ходим хабарчи ролида чикишидан қандайдир ўч олишидан кўрқиш йўк.

Ташқаридан мурожат қилинади (COCO 15-принцип).

Ташкилотлар ташкилотнинг ташқи томони шчу жумладан,акционерлар,ишдаги шериклар,мижозлар ва тартибга солувчи ўртоқлар билан икки ёқлама алоқа қилиш заруриятига эга.

Раҳбариятнинг ташқи алоқаси ички назоратининг муҳимлиги ва ташкилотнинг қимматликлари хақида хабарлар жўнатиши лозим.

Ташкилотлар шунингдек ташқи томондагиларга ташкилотлар учун ахборотлар беришига имкон яратувчи механизимларга хам эга булиши керак. Масалан мижозлар маҳсулотлар сифати хақида қарама-қарши алоқаларни таминлаши мумкин этқазиб берувчиларда сотилган товарларга тўловлар ҳақида саволлар туғилиши мумкин в.б. Бошқа мисол йирик чакана савдогарлар кўпинча қўлаб этқазиб берувчилар билан муомалада бўладилар. Чакана савдонинг корхоналардан кўплари агар сотивучи компаниянинг харид бўйича агенти томонидан бироқ бир ғайриқонуний ҳаракатини топса у бевосита ички аудит бўлими ёки бошқа мос келувчи томон билан малумотларни алмаштириш мумкин.

Мавзу оид бўйича таянч иборалар

Назорат ҳаракатлари – бу шундай хатти-ҳаракатки, сиёсат ва процедуралар кўмагида раҳбариятга назоратнинг бажарилишини таъминлаш борасида ёрдам беради. Назорат ҳаракатлари жараёнлар доирасида бажарилади, масалан, транзакцияларга ва технология муҳитига ишлов беришда зарур бўладиган мажбуриятларни бўлиб

бериш. Улар ташкилотнинг ҳамма даражасида бажарилади

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Корхона иқтисодига таъсир қиладиган ички омилларга қуйидагилардан қайси бири киради?

А. Тармоқ ҳолати.

Б. Мамлакат солиқ сиёсати.

С. Мамлакатдаги мавжуд инфляцион ҳолат.

Д. Корхонанинг учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлари.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

2. Бухгалтерлик ҳисоби тизимини баён қилиш қуйидаги ҳужжатлардан қайси бирини ўз ичига олиши мумкин?

А. Ҳисоб сикллари йўналишида намунавий муомалалар бўйича проводкалар баёни

Б. Ҳисобварақ-фактура.

С. Тўлов талабнома.

Д. Иш ҳақини ҳисоблаш қайдномаси.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

3. Аудиторлик текширувига кўра корхона ҳисоб сиёсати календар йили давомида ўзгартирилган. Бу 1-сон БҲМСнинг қайси бандига зид ҳисобланади?

А. 50-бандига.

Б. 54-бандига.

С. 56-бандига.

Д. 59-бандига.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

4. Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги тақдим этилган буйруқ (фармойиш) аудитнинг қайси усулига кўра текширилади?

А. Сканерлашга кўра.

Б. Инвентаризацияга кўра.

С. Кузатишга кўра.

Д. Тест синовига кўра.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

5. Ички назорат тизими нечта таркибий қисмдан иборат?

А. 2.

Б. 3.

С. 4.

Д. 5.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

6. Корхонада ички назорат учун қулай бўлган ўзаро хизмат муносабатларини аниқлайдиган белгилар йиғиндиси нима деб аталади?

А. Назорат муҳити

Б. Корхонадаги бухгалтерлик ҳисоби тизими

С. Назорат амаллари

Д. Ички назорат тизими

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас

7. Тегишли хўжалик муомалаларини ёзишга тааллуқли ҳисоб сиёсати ва амаллар нима, деб аталади?

А. Назорат муҳити.

Б. Корхонадаги бухгалтерлик ҳисоби тизими.

С. Назорат амаллари.

Д. Ички назорат тизими.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

8. Корхона ходимлари томонидан бажариладиган махсус текширувлар нима, деб аталади?

А. Назорат муҳити.

Б. Корхонадаги бухгалтерлик ҳисоби тизими.

С. Назорат амаллари.

Д. Ички назорат тизими.

Е. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

9. Ички назорат тузулмаси қандай таркибий қисмларга бўлинган?

А. Тафтиш муҳити, назорат муҳити.

Б. Ҳисоб тизими, назорат амаллари.

С. Ички текшириш ва назорат қилиш.

Д.Тафтиш ва текширув муҳити.

Е. Назорат муҳити, корхонадаги бухгалтерлик ҳисоби тизими, назорат амаллари.

10. Ички назорат муҳити нима?

А. Хўжалик юритувчи субект раҳбариятининг хабардорлиги.

Б. Ички назорат тизимини ўрнатиш.

С. Ички назорат тизимини қўллаб-қувватлаш.

Д. Юқоридагиларнинг барчаси.
Е. Тўғри жавоб йўқ.

2.4 Аудиторлик далиллар

Аудиторлик далилларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига, шунингдек уларни олиш мақсадида бажариладиган амалларга нисбатан қўйиладиган талаблар № 500 – «Аудиторлик далиллари» номли АХСда белгиланган. Ушбу стандарт талабларини барча аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувларини ўтказиш чоғида қўллаши мажбурийдир.

Аудитор молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини асослаши учун қуйидаги амалларни бажариш натижасида этарли аудиторлик далилларини тўплаши лозим:

- счётлар бўйича оборотлар ва қолдиқларнинг молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилишини батафсил текшириш:
- таҳлилий амаллар:
- ички назорат воситаларини текшириш;

Аудиторлик далилларни тўплаш учун зарур бўлган аудиторлик амаллари ва уларнинг ҳажми аудит дастурида кўрсатилади.

Аудиторлик далиллар – бу аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувлар вақтида тўпланган ва аудиторлик хулосасини асословчи ахборотдир.

Демак, аудиторлик далиллар аудиторлик текшируви жараёнида текширилаётган мижоз – корхона ва учинчи шахслардан олинган ахборотлар ҳамда уларни таҳлил қилиш натижалари бўлиб, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси тузиш имконини беради.

Ушбу таъриф ва тавсифлардаги таянч тушунчаларни батафсил кўриб чиқамиз.

Далил дейилганда бошқа фактнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки инкор қиладиган факт, ёки мазкур факт ҳақида у ёки бу даражадаги ишончлилик билан фикр шакллантиришга имкон берадиган, маълум факт тўғрисида маълумотлар олиш жараёни тушунилади.

Ахборот – хўжалик фаолиятидаги фактлар тўғрисидаги хабарлар тўпламидир.

Мижоз корхона – аудиторлик хизмати кўрсатилаётган хўжалик юритувчи субект.

Учинчи шахслар – аудитор ёки мижоз корхона билан у ёки бу тарзда алоқадор бўлган ва бу алоқадорлик аудитор фикрига жиддий таъсир кўрсатадиган юридик ёки жисмоний шахслардир.

Таҳлил қилиш – бу мижоз корхона бухгалтерия ҳисоботида фактларнинг аудитор томонидан мушоҳада қилиниши ва ўз фикрини шакллантириши.

Аудиторлик текширувларининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субектлар бухгалтерия ҳисоботларининг ишончлилиги тўғрисида аудиторнинг мустақил билдирилган фикридан иборат. Бунинг учун аудитор ҳисоботнинг ишончлилиги ёки унинг ишончлилигини рад этиш тўғрисидаги асосли фикр билдиришга имкон берадиган далилларни тўплаши зарур.

Ишончлилик – молиявий ҳисобот маълумотларининг улардан малакали фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг натижалари тўғрисида тўғри хулосалар қилишга ва ушбу хулосаларга асосланган қарорлар қабул қилишга имкон берадиган даражаси тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, бу аудиторлик далиллар қанчалик ишончга сазовар ва ҳақиқатга яқин эканлигини тавсифлайди. Аудит жараёнида олинган далилларнинг ишончлилиги мустақиллик ва манба компетентлиги, ички назорат тизимининг самарадорлиги каби омилларга боғлиқ. Аудиторнинг ўзи мустақил манбалардан олган далилларнинг ишончлилик даражаси хўжалик юритувчи субектдан олинган далилларга қараганда юқорироқ. Барча далиллар йиғиндисини фақат сўнгилари этарли бўлганидагина ишончли деб ҳисоблаш мумкин.

Далилларнинг этарлилиги уларнинг миқдори ва сифати билан белгиланади. У танлаш кўлами ва тўпламдаги муайян элементларнинг тавсифи билан боғлиқ. Ахборотларнинг самарадорлиги эса танлаш элементларининг репрезентативлиги (бош тўпламнинг ўрганилаётган белгилар бўйича хусусиятлари танлама тўпламда намоён бўлиши)га боғлиқ, яъни репрезентативлик қанча юқори бўлса, аудиторлик риски шунча паст бўлади. Аудиторлик рискларини пасайтирувчи далилларнинг этарлилиги тўғрисида аудитор ички назорат тизимини баҳолаш ва аудиторлик рискининг ҳажмига асосланиб хулоса қилиши мумкин. Ички назорат тизими қанчалик ишончли ва аудиторлик риски қанчалик паст бўлса, аудитордан шунчалик кам далил-исботлар тўплаш талаб этилади.

Далилларнинг этарлилигини аниқлашда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш зарур: мустақил манбалар (учинчи шахслар)дан олинган далилларнинг мижоз-корхона ходимларидан олинган далилларга нисбатан ишончлироқ эканлиги; аудиторлик ташкилотининг мустақил текшируви ёки таҳлили натижасида олинган маълумотларнинг учинчи шахслардан олинган маълумотларга қараганда ишончлироқ эканлиги; ҳужжатлар ва ёзма кўрсатмалар шаклидаги аудиторлик далилларининг

оғзаки кўрсатмаларга қараганда ишончлироқ эканлиги. Ниҳоят, турли манбалардан олинган далиллардан фойдаланиш натижасида қилинган хулосаларни таққослаш имкониятларини ҳисобга олиш керак.

Амалдаги стандартларга мувофиқ аудиторлик баҳолаш учун зарур маълумотлар миқдори қатъий чегаралаб қўйилмаган. Шу боисдан аудитор ўзининг профессионал фикрига таянган ҳолда хўжалик юритувчи субект молиявий ҳисоботи-нинг ишончлилиги тўғрисида хулоса тузиш учун зарур бўладиган маълумотларнинг миқдори ҳақида мустақил қарор қабул қилиши лозим. Аудиторлик далилларининг ўз вақтида тўпланишига алоҳида эътибор бериш зарур. Акс ҳолда улар ошиқча ва кераксиз бўлиб қолади. Ўз вақтидалик ҳар бир аудиторлик далилининг текширилаётган даврга бевосита тааллуқлилиги ёки мижоз-корхона фаолиятининг ҳисобот тузилганидан сўнг, аммо аудиторлик хулосаси тузилишидан олдин содир бўлган маълум бир жиддий ҳодисаларига тааллуқли эканлигидан ҳам иборатдир. Тўпланган далиллар текширилаётган ҳисобот тузилган санага қанчалик яқин бўлса, улар шунчалик ишонарли бўлади.

Агар хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги далиллар мижоз корхона маъмуриятига аудиторлик хулосаси солиқ органига топширилмасдан олдин тақдим этилган бўлса, у ҳолда бухгалтерияда ҳисоботларга зарур тузатишларни киритиш имкони бўлади. Агар ҳисобот солиқ органига топширилганидан сўнг аудит ўтказилса, тузатиш киритиш имкони йўқ, лекин жорий даврда аниқланган хато камчиликларни ўз вақтида тузатиш мумкин.

Аудиторлик текширувларининг асоси аудиторлик далилларини топишдан иборат. У маълумотларни тўплаш, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги (ёки ишончсизлиги)ни, молия-хўжалик муомалаларининг бухгалтерия ҳисобини юритишга оид белгиланган қоидалар ва низомларга мувофиқлиги-ни ва шу билан бирга аудиторлик хулосаси тузиш учун аудиторнинг шахсий фикрини шакллантириш мақсадида уларни умумлаштириш ва баҳолашни назарда тутади.

Аудиторлик текширувлар жараёнида тўпланадиган далиллар турли-туман бўлиб, улар **тури, манбаси** ва **олиниш усулларига** кўра туркумланади.

Ёзма равишда олинган далиллар (ҳужжатлар ва ёзма тушунтиришлар) оғзаки шаклдаги далилларга қараганда ишончлироқ бўлиши мумкин.

Аудиторлик далиллар олиниш манбасига кўра ички, ташқи ва аралаш далилларга бўлиниши мумкин. Ички аудиторлик далиллар хўжалик юритувчи субектдан ёзма ёки оғзаки кўринишда олинган маълумотларни ўз ичига олади.

Ташқи аудиторлик далиллар учинчи томонлардан ёзма кўринишда (одатда аудиторлик ташкилотининг ёзма сўрови бўйича) олинган маълумотлардан иборат.

Аралаш аудиторлик далиллар хўжалик юритувчи субектдан ёзма ёки оғзаки кўринишда олинган ва учинчи томон ёзма равишда тасдиқлаган маълумотларни ўз ичига олади.

Аудиторлик даллиллар олиниш усулига кўра қуйидагича туркумланади: а) фактларни тасдиқлаш йўли билан олинган далиллар; б) ҳужжатлаштирилган фактларни аниқлаш йўли билан олинган далиллар; в) махсус ўтказилган таҳлил натижасида аниқланган далиллар.

Фактларни тасдиқлаш мулклар ва мажбуриятлар муайян турларининг мавжудлигини аниқлашдан иборат. Бу хўжалик фаолиятидаги фактлар бўлиб, уларни факт-вазиятлар деб ҳисоблаш мумкин; улар замонавий аудитнинг ажралмас қисми ҳисобланган инвентаризация йўли билан аниқланади.

Ҳужжатлаштирилган фактларни аниқлаш молиявий ҳисоботни ва ҳисоб регистрларини тўлдириш учун асос бўлган дастлабки ҳужжатларни текшириш йўли билан амалга оширилади. Буларга таннархни асоссиз равишда ошириб юбориш ёки товарсиз операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ операциялар мисол бўлиши мумкин. Шунингдек, битта ҳужжатнинг турли нусхаларидаги ёзувларининг бир-бирларига мос келмаслик ҳолатлари.

Махсус ўтказилган таҳлил натижасида фактларни аниқлаш ҳужжатларда келтирилган маълумотларни мантиқий жойлаштириш ва математик ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади. Бундай аргументлаш рационал деб номланади ва у аудит жараёнида салмоқли ўрин тутади. Масалан: 1) 2910-«Омборлардаги товарлар» счетида корхона мулки ҳисобланган товарлар ҳисобга олиниши лозим; 2) аудитор ушбу товарлар учун корхонанинг мулкий ҳуқуқи мавжудлигини аниқлаши зарур; 3) тақдим этилган ҳужжатлар (шартномалар, товарлар ҳисоботи, банк кўчирмалари) ва мулкий ҳуқуқнинг корхонага ўтган пайтини аниқлаш асосида аудитор товарларнинг эгаси ҳақида хулоса қилади.

Аудитор фикрига биринчи аргумент кўпроқ таъсир кўрсатади. Ҳақиқатда 2910-«Омборлардаги товарлар» счетида қолдиқ сифатида кўрсатилган товарлар йўқ бўлса, ҳеч қандай фикр-мулоҳазага ўрин қолмайди. Сўнгра учинчи ва тўртинчи аргументларни аҳамиятлилиги бўйича кўрсатиш мумкин.

Аудиторлик далиллар ҳужжатларни текшириш жараёнида; хўжалик юритувчи субект ходимлари ва учинчи шахслардан ёзма ва

оғзаки сўров ўтказиш йўли билан; ҳисоб жараёнларининг бажарилиши ва хўжалик фаолияти устидан аудиторнинг бевосита кузатиши чоғида олиниши мумкин.

Аудиторлик далиллар бевосита олинадиган манбаларга қуйидагилар киради: мижоз корхона ва учинчи шахсларнинг дастлабки ҳужжатлари; мижоз корхона бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва унинг молия хўжалик фаолиятининг таҳлил натижалари; мижоз корхона ходимлари ва учинчи шахсларнинг оғзаки билдиришлари; мижоз корхонанинг бир ҳужжатларини бошқалари билан солиштириш, ҳамда унинг ҳужжатларини учинчи шахсларнинг ҳужжатлари билан таққослаш; мижоз корхона активлари ва пассивларини инвентаризация қилиш натижалари ҳамда унинг молиявий ҳисоботлари.

Олинган далилларнинг сифати уларнинг манбаларига боғлиқ. Аудиторнинг бевосита кузатиши ва молия хўжалик муомалаларини ўрганиши натижасида олинган далиллар энг ишончли ҳисобланади. Шунингдек, мустақил манбалардан олинган, ҳужжатларга асосланган маълумотлар ҳам ишончли ҳисобланади. Мижоз корхонанинг ахборотларга ишлов бериш тизимидан тўпланганига қарамасдан, тўпланган маълумотларга асосан аудитор томонидан олинган ва ишлов берилган маълумотларнинг далил кучи камроқ ҳисобланади. Мижоз корхонанинг ахборот тизимида тузилган, ишлов берилган ва сақланаётган ҳужжатлардаги ахборотларнинг далил кучи паст ҳисобланади. Бунда ички назорат тизимининг баҳоланишини инобатга олиш зарур. Агар ушбу тизим самарали бўлса, ундан олинган ахборотдан далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Ҳар хил манбалардан олинган ва турли шаклдаги аудиторлик далиллар аудиторлик рискини пасайтиради.

Кўп ҳолларда битта ҳолат бўйича ҳар хил манбалардан тўпланган далиллар бир-бирларига зид бўлиб чиқади. Бу ҳолда аудитор вужудга келган зиддиятни ҳал этиш ва тўпланган далилларнинг ишончлилиги ҳамда хулосаларнинг асослилигига ишонч ҳосил қилиши учун қўшимча ахборотлар тўплаши зарур. Агар аудитор қандайдир муаммо бўйича этарли далиллар тўплаш имконига эга бўлмаса, буни ўзининг ҳисоботида акс эттириши лозим.

Агар мижоз корхона аудиторга тўлақонли текширув учун зарур ҳажмдаги ҳужжатларни тақдим килмаса ёки агар аудитор зарур аудиторлик далилларини тўплаш имконига эга бўлмаса, унинг олдида катта муаммолар вужудга келиши мумкин. №500 «Аудиторлик далиллар» номли АХСда таъкидланишича: «Агар аудиторлик ташкилотига хўжалик юритувчи субект томонидан мавжуд ҳужжатлар тўла ҳажмда тақдим этилмаса ва у қайсидир счет ва (ёки) муомала

бўйича этарли аудиторлик далилларини тўплаш имконига эга бўлмаса, аудиторлик ташкилоти бу вазиятни ўзининг ҳисоботида акс эттириши лозим ва салбий аудиторлик хулосаси тузиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиши мумкин. Демак, этишмаётган аудиторлик далиллари жиддий ҳисобланган бухгалтерия ҳисоботи моддаларига тааллуқли бўлса, аудитор аудиторлик хулосаси тузишдан расмий равишда бош тортиши ва бу ҳолни тегишли тарзда расмийлаштириши лозим.

Шундай қилиб, ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги тўғрисида ўз фикрларини шакллантиришда, аудитор аудиторлик далиллар олинадиган турли манбалардан фойдаланиб, аудиторлик рискини пасайтиришни кўзлайди.

Аудиторлар аудиторлик амалларини бажариш чоғида далилий маълумотларни тўплайдилар. Аудиторлик амали бу муайян аудит участкасида далилларни олиш учун аудитор томонидан амалга ошириладиган ишларнинг маълум тартиби ва кетма-кетлиги. Далилларни тўплаш учун қандай аудиторлик амаллари зарурлиги ва уларни қачон бажаришни аудитор аудиторлик текширишлар дастурини тузиш чоғида мустақил ҳал қилади. Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти миллий стандартларига мувофиқ аудитор қуйидагиларга асосан этарли далилларни тўплаши лозим: ички назорат воситаларини текшириш; счётлар бўйича қолдиқлар ва оборотларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш; таҳлилий амаллар.

Ички назорат воситаларини мувофиқлик учун текшириш аудиторларга ички назорат тизимида кўзда тутилган тадбирлар ва амалларнинг самарадорлиги (самарасизлиги) тўғрисида далиллар тўплашига имкон беради.

Счётлар бўйича қолдиқлар ва оборотларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини батафсил текшириш муайян муомалаларнинг мазмунини ва хатоларини аниқлаш учун ўрганишни назарда тутади. Батафсил текшириш одатда аудитор томонидан текширув мақсадини, танлашнинг режалаштирилган кўламини ва унинг объектларини саралаб олишни ҳисобга олган ҳолда танлов тўпламини шакллантириш йўли билан амалга оширилади.

Таҳлилий амаллар мижоз корхонанинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини, кутилмаган ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик муомалаларини аниқлаш, шунингдек бундай хатолар ва чалкашликларнинг сабабларини аниқлашни кўзда тутади.

Тўпланган аудиторлик далиллари бухгалтерия ҳисобининг йўлга қўйилишини ва ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш

тўғрисидаги ёзувлар, баённомалар, жадваллар ва бланкалар шаклида аудиторнинг ишчи ҳужжатларида акс эттирилиши лозим. Ишчи ҳужжатларда аудиторлик амалларининг режалаштирилиши ва бажарилиш натижаларини ҳам акс эттириш зарур. Аудиторлик далилларини тўплаш кетма-кетлигини қуйидагича:

1. Аудиторлик далилларини тўплашнинг мақсадини шакллантириш шартноманинг умумий аудит режаси ва аудиторлик текширувлар дастурига тааллуқли мақсадига боғлиқ. Шартномадан келиб чиққан ҳолда бошқа мақсадлар ҳам, жумладан ҳисобни ташкил этишнинг самарадорлигини баҳолаш, тўлов лаёқатини, рентабелликни ва бошқаларни башоратлаш ҳам аниқланиши мумкин.

2. Танланган аудиторлик амаллари №300-«Аудитни режалаштириш» номли АХС га мувофиқ аудитор томонидан аудиторлик текшируви дастурида кўрсатилиши лозим. Бунда аудиторлик амалларидан қайсиларини (назорат воситалари тести ёки моҳиятан текширишлар) ва қайси участкаларда қўллаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш зарур.

Етарли даражадаги ва ишонарли далилларга эга бўлиш учун моҳиятан ўтказиладиган аудиторлик амаллари ва аналитик амаллардан фойдаланилади. Аудитор ҳисоб ва ҳисоботнинг маълум бўлимларини текширишда қўлланиладиган аудиторлик амалларини батафсил баёнини дастурда акс эттириши зарур. Бунда айрим муомалаларни текширишда қўлланиладиган амаллар мазмуни акс эттирилган, олдиндан ишлаб чиқилган тахминий рўйхатлардан фойдаланиш мумкин.

3. Аудиторлик далилларини олиш усуллари (қайта ҳисоблаш, инвентаризация, хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилиниши, тасдиқлаш, оғзаки сўров, ҳужжатларни текшириш, кузатиб чиқиш, аналитик амаллар) стандартда келтирилган.

Аудитор қуйидагиларни аниқлайди: муайян вазиятда қандай усулларни қўллаши; у ёки бу усулни қайси объектларга нисбатан (активлар, пассивлар, мажбуриятлар, субъектлар ва ҳоказо) қўллаш зарурлиги аудиторлик амалларини қандай кетма-кетликда бажаришни.

Аудитор томонидан олинган далилларнинг этарлилиги ва ишонарлилиги турли амаллар, усуллар ва зарур далилларни олиш манбаларини мувофиқлаштириш натижасида таъминланади.

4. Аудиторлик текширувлари учун ахборотларни тўплаш. Бунинг учун аудит дастуридаги ҳар бир бўлим бўйича норматив-саволнома ва ҳисоб-ҳисобот маълумотларининг зарур рўйхати тузилади. Норматив-саволнома маълумотлар рўйхати асос сифатида шакллантирилади. Аудитор бу рўйхатни текширув объектига нисбатан аниқлаштиради.

Текширувда иштирок этадиган ходимлар ушбу рўйхатдаги ҳужжатларнинг мазмуни билан таништирилган бўлишлари лозим. Текширувни бошлашдан олдин ҳисоб-ҳисобот маълумотлари – мижоз-корхонадан талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар ва регистрларнинг рўйхатини ҳам тузиш зарур.

5. Аудиторлик амалларни бажариш ва аудит жараёнида аниқланган далилларни баён қилиш. Бу босқичда аудитор аудитни режалаштириш чоғида белгиланган танлов ҳажмидан келиб чиқади. Аниқланган тафовутлар уларни аниқлаш амаллари ёки кодлари ва аудит жараёнида аниқланган далилларнинг батафсил баёни кўрсатилган ҳолда ишчи ҳужжатларда рўйхатга олинади. Баён қилиш вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ихтиёрий ҳолда бўлиши мумкин ёки махсус ишлаб чиқилган ишчи ҳужжатлар шаклларини тўлдириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

6. Тўпланган далилларни баҳолаш деганда уларнинг аудит мақсадига эришиш ва ишончлилигини аниқлашдаги ролини белгилаш тушунилади.

Далилларни баҳолашда қуйидагиларни аниқлаш зарур: манбанинг мустақиллиги, олинган фактлар ва бошқа маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги (яъни бунинг қонунга зид эмаслиги); мазкур далилнинг текшириладиган объектга тааллуқлилиги; танлаш ҳажми ва методологияси. Шунингдек, мазкур далилнинг объект бўйича тўпланган бошқа далиллар билан алоқадорлиги; ушбу алоқадорликнинг кўлами ва тавсифи; олинган далилларнинг кейинги аудит жараёнида кўлланилиш имкониятлари; аниқланган тафовутларнинг жиддийлик даражаси; олинган далиллар тўпламининг қарор қабул қилиш учун этарлилигини ҳам аниқлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, аудитор молиявий ҳисоботнинг у ёки бу моддаси бўйича жиддий хатолар йўқлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиши лозим

Аудитор аудиторлик далилларини тўплашда ҳар хил усуллардан фойдаланади. №500-«Аудиторлик далиллар» номли АХСда келтирилган асосий усулларнинг мазмунини кўриб чиқамиз. Булар: мижоз-корхонанинг арифметик ҳисоб-китоб-ларини текшириш (қайта ҳисоблаш); инвентаризация; айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш; тасдиқлаш; хўжалик юритувчи субъект ва мустақил (учинчи) томонлар ходимларини оғзаки сўровдан ўтказиш; ҳужжатларни текшириш; кўриб чиқиш; таҳлилий амаллар; муқобил баланс тузиш каби усуллардир.

Мижоз корхонанинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш (қайта ҳисоблаш) унинг мазмуни ҳужжатлар ва бухгалтерия

ёзувларининг арифметик аниқлигини текшириш ҳамда мустақил ҳисоб-китобларни бажаришдан иборат.

№500-«Аудиторлик далиллар» номли АХСда қайта ҳисоблашлар танлаб амалга оширилиши тавсия қилинган. Танлаш кўлами ва унинг элементлари аудитор томонидан ички назорат тизимининг аҳволини ҳисобга олган ҳолда мустақил аниқланади.

Ҳужжатни расмийлаштиришдан ҳисобот тузилгунга қадар маълумотларни шакллантириш устидан ўрнатилган самарали ички назорат тизими (моддий жавобгар шахсларни ўзаро қарама-қарши текшириш, раҳбарият, бош бухгалтер ва бухгалтерлар томонидан назорат) содир бўлиши мумкин бўлган арифметик хатоларни, натижада аудиторлик рискни пасайтиради.

Қўлда тўлғазилган ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари (маълумотномалар ва ҳисоб-китоблар, касса ҳисоботлари, бўнак ҳисоботлари, ҳисоблашув-тўлов ведомостлари ва бошқалар) қайта ҳисоблашдан ўтказилади.

Агар мижоз-корхонада ҳисоб ишлари компютерлаштирилган бўлса, дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларидаги арифметик ҳисоблашларни текшириш зарурати ошади. Бу компютер дастурларини атайлаб нотўғри тузиш ва арифметик хатоларни компютер клавиатурасидан нотўғри киритиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Арифметик ҳисоб-китобларни текшириш компютер дастурига киритилган ҳисоб-китоблар алгоритмини назорат қилишни тақозо этади. Агар хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби компютерлаштирилган бўлса, ҳисоб-китобларни текшириш ҳам компютердан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Инвентаризация–мижоз корхона мол-мулкларининг мав-жудлиги тўғрисида аниқ маълумот олишга имкон беради. Бунда барча мол-мулклар (дебитор қарзлар ҳам) ва кредитор қарзлар инвентаризация қилиниши зарур.

Халқаро ва Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлар ўзлари инвентаризация ўтказиши шарт эмас, аммо унинг ўтказилиши устидан назорат қилиши лозим. Бу бутун ички назорат тизимининг ва айрим назорат воситаларининг ишончлилигини баҳолашга имкон беради. Масалан, мижоз-корхонанинг жорий йилдаги ҳисоб сиёсатида мол-мулклар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш тартиби кўрсатилмаган бўлса, шунингдек, моддий жавобгар шахслар алмашганида ҳам йиллик молиявий ҳисоботни тузишдан олдин ҳам инвентаризация ўтказилмаган бўлса, бу ҳол аудиторга ички назорат тизимининг ишончлилигини паст деб баҳолашга асос бўлади. Инвентаризация жараёнида аудитор хўжалик муомалаларини

дастлабки ҳужжатларда ўз вақтида ва сифатли рас-мийлаштирилиши, моддий жавобгар шахслар томонидан моддий бойликларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш тартиби ва оператив ҳисоб юритиш тўғрисида, корхонанинг ўзига тегишли ва комиссияга қабул қилинган товарлари ҳамда материалларининг сақланиш тартиби тўғрисида маълумот олиши мумкин. Инветаризация ўтказиш жараёнида ҳисобда акс эттирилмаган фактлар аниқланиши ҳам мумкин. Бу ҳолат моддий бойликларни сақлаш бўйича хизмат кўрса-тиш, биноларни шартнома тузмасдан ижарага бериш ва шунга ўхшашлар билан боғлиқ.

Аудитор инвентаризация ўтказилишини кузатишда №19-«Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби» номли бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини текширади.

Инвентаризация ўтказиш тартибига маълум талаблар қўйилади. Масалан, №19 БҲМСга мувофиқ инвентаризация ўтказиш чоғида комиссия аъзоларидан бирортасининг иштирок этмаслиги унинг натижаларини ҳақиқий эмас деб ҳисоб-лашга асос бўлади. Инвентаризация жараёнида аниқланган моддий бойликлар камомади ва бузилишининг табиий камайиш меъёридан ошган қисмини ҳисобдан ўчириш учун тақдим қилинган ҳужжатларга, айбдор шахсларнинг йўқлигини тасдиқлайдиган тергов ёки суд органларининг қарори, ёки этказилган зарарни айбдор шахсдан ундиришнинг рад этилиши, ёки моддий бойликларнинг бузилиш фактини тасдиқловчи техник назорат бўлими ёки тегишли махсус ташкилотлардан олинган хулосалар илова қилинган бўлиши шарт.

Ҳисобот йилида ўтказилган инвентаризация натижаларининг маълумотлари корхона томонидан махсус далолатномалар, қайдномалар ва бошқа тегишли ҳужжатларда умумлаштирилиши лозим.

Инвентаризациянинг ўтказилишини кузатиш, шунингдек инвентаризация материалларини таҳлил қилиш аудиторга бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ташкил этилишини тўғри баҳолаш имконини беради.

Алоҳида хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидала-рига риоя қилинишини текшириш бевосита ушбу ишларнинг бажарилиш пайтида амалга ошириладиган ҳисоб ишлари устидан назорат ўрнатишни назарда тутади.

Аудитор у ёки бу хўжалик муомаласининг ҳужжатлар билан қандай расмийлаштирилаётганлиги, ҳамда бундай фактларни ҳисоб регистрларида акс эттиришнинг кетма-кетлиги устидан назорат ўрнатишни кузатади. Бу ички назоратнинг аҳволи каби, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига риоя қилинишини ҳам баҳолашга имкон

беради.

Тасдиқлаш аудиторлик далили сифатида ҳисоб-китоб ва валюта счетларидаги, мол этказиб берувчилар, харидорлар, буюртмачилар, турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинадиган счетлардаги қолдиқларнинг ҳақ-қонийлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш учун қўлланилади.

№500 АХСга мувофиқ: «аудиторлик ташкилоти пул маблағлари, ҳисоб-китоблар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисобга олинадиган счетларнинг қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи аудиторлик далилларини мустақил (учинчи) томонлардан ёзма равишда олиши лозим». Ҳисоб-китоб ва валюта счетларидаги қолдиқлар банк кўчирмалари билан, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳаққонийлиги эса таққослаш далолатномалари билан тасдиқланади. Ҳисоб-китобларнинг аҳволи, олди-сотди ишларининг шартларини ва шунга ўхшашларни тасдиқловчи зарур маълумотларни олиш учун турли ташкилотларга сўровлар жўнатилади.

Маълумотларни тасдиқлаш учун жўнатиладиган сўровлар мижоз корхона раҳбарияти номидан тайёрланиб, унда тасдиқловчи жавобни аудиторлик ташкилотига жўнатиш сўралади. Шундай қилиб, мижоз-корхона томонидан маълумотни тасдиқлаш учун учинчи томонга жўнатилган сўровнинг ёзма тасдигини аудиторлик ташкилоти олади.

Зарур ҳолларда аудиторлик ташкилоти тасдиқлатиш учун сўров жўнатилган учинчи томон билан бевосита алоқа ўрнатиши ҳам мумкин.

Агар аудиторлик ташкилоти салбий жавоб олса ёки умуман жавоб олмаса, у ҳолда мижоз корхона маълумотларининг ҳаққонийлигини аниқлаштириш учун қўшимча аудиторлик амалларини қўллаши зарур.

Ходимлардан оғзаки сўров ўтказиш – бу мижоз корхона ходимлари ёки учинчи шахслардан оғзаки мулоқат ва жавобларни баҳолаш йўли билан тасдиқловчи маълумотларни олиш усулидир. Мазкур усул аудиторга ички назорат тизимини баҳолаш, риск чегараларини аниқлаш ва аудиторлик тенкширувининг стратегиясини ишлаб чиқиш чоғида фикр юритиш учун кенг кўламдаги маълумотларни беради. Мижоз корхона ва учинчи томон ходимлари ҳамда раҳбарияти орасида сўров ўтказиш аудиторлик текширувининг барча босқичларида амалга оширилиши мумкин.

Аудитни режалаштириш босқичида, хусусан мижоз корхонанинг ҳолати ва бизнесининг келажаги ҳамда ички назоратнинг ташкил этилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиш зарур. Ушбу мақсадда

корхона раҳбарияти орасида сўров ўтка-зилиши мумкин. Олинган жавобларни таҳлил қилиш асосида текширув жараёнда кейинчалик бажарилган аудиторлик амалларининг натижасида тасдиқланадиган ёки тасдиқланмайдиган муайян жиҳатлар бўйича аудиторда аниқ фикр шаклланади.

Битта манбадан олинган, ушбу маълумотнинг оғзаки тавсифдалигини эътиборга олган ҳолда, аудитор қилинган хулосага таяниши мумкин эмас, яъни кушимча далиллар туплаши зарур. Аудиторлик текшируви жараёнида бевосита ижрочилар (менежерлар, моддий жавобгар шахслар, бухгалтерлар ва б.) билан суҳбатлашиб, мансаб йўриқномаларининг аниқ ижрочиларига этказилганлигини аниқлаши ва шу билан бирга ички назоратнинг ишончлилиги ёки юзакилиги тўғрисида қўшимча далиллар олиши мумкин.

№500-«Аудиторлик далиллар» номли АХСга мувофиқ оғзаки сўров натижалари баённома ёки қисқача конспект кўринишида ёзиб бориш зарур бўлиб, унда сўров ўтказган аудиторнинг фамилияси, ҳамда сўралган шахснинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилган бўлиши шарт. Оғзаки сўровлар ўтказиш учун ҳар хил муаммолар (масалан, айрим муомалаларни участкалар, фаолият турлари ёки бўлинмалар бўйича ҳужжатлар билан расмийлаштириш тартиби ва ҳужжатлар айланишини баҳолаш) бўйича анкеталар олдиндан тайёрланган бўлиши мумкин. Аудиторлик ташкилотлари саволлар рўйхати билан стандарт тестлар тайёрлаб, унда сўралган шахсларнинг жавоблари кўрсатилади.

Жавобларнинг аудитор томонидан баҳоланиши сўров ўтказиш жараёнининг муҳим қисми бўлиб, оғзаки сўровлар натижалари бўйича тайёрланган ёзма маълумот аудиторлик ташкилотининг бошқа ишчи ҳужжатларига қўшимча қилинади.

Ҳужжатларни текширишда аудитор кўриб чиқаётган маълум ҳужжатнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Ушбу мақсадда бухгалтерия ҳисобида маълум ёзувларни танлаб олиш ва хўжалик фаолиятида содир бўлган фактнинг ҳисобда акс эттирилиши кузатиб чиқилади.

Ҳужжат билан ишлашда унинг ким томонидан тузилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Мижоз корхона томонидан тайёрланган ва ишлов берилган ҳужжатлар ички ҳужжатлар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилотига қай даражада ишониш бундай ҳужжатларни тузиш ва ишлов бериш устидан ўрнатилган мижоз-корхона ички назорат воситаларининг ишончлилигига боғлиқ. Учинчи шахслар томонидан тайёрланган ва хўжалик юритувчи субектларга юборилган ташқи ҳужжатлар ички ҳужжатларга қараганда ишончлироқ ҳисобланади.

Ҳужжатларни текшириш чоғида уларнинг ўз вақтида ва аниқ расмийлаштирилганлиги, мажбурий реквизитларнинг мавжудлиги ва тўғрилигини аниқлаш ҳам зарур. Аудиторлар ҳужжатларни текширувдан ўтказишда уларнинг бухгалтерия ҳисоби регистрларига ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ акс эттирилишига ҳам эътибор беришлари керак.

Кузатиб чиқиш – бу синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларида дастлабки ҳужжатлар маълумотларининг акс эттирилишини, айрим дастлабки ҳужжатларни текширадиган, якуний счетлар корреспонденциясини топадиган ва хўжалик фаолиятининг тегишли фактлари бухгалтерия ҳисобида тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини текшириш жараёнидир.

Кузатиб чиқиш дастлабки ҳужжатлардан синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларига, бош дафтарга ва ҳисоботларга томон, ёки кўп ҳолларда учрайдиган, тескари томон йўналиши-да амалга оширилади. Кузатиб чиқиш, хусусан, мижоз-кор-хона ҳужжатларида акс эттирилган нотипик моддалар ва ҳоди-саларни ўрганишга имкон беради.

Муқобил баланс тузиш – аудиторлик ишининг муҳим элементидир. У аудитни бошлашдан олдин синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларининг ёки бош дафтарнинг маълумотлари бўйича тузилади. Натижада, аудитор тасдиқланиши лозим бўлган балансга ўхшаш, янги балансга эга бўлади. Агар расмий ва муқобил баланслар ўртасида тафовутлар вужудга келса, бу тофовутлар мижоз-корхона ҳисоботида бош бухгалтернинг атайлаб қилган чалкашликларини билдиради.

Баён қилинганларни умумлаштириш асосида таъкидлаш зарурки, аудиторлик текширувларининг самарадорлиги маълум даражада аудиторлик далилларни тўплашда қўлланиладиган усулларни қандай маҳорат билан қўллашга ҳам боғлиқ.

Аудит далиллар аудиторлик хулосасини тасдиқлаш учун аудитор томонидан олинган маълумот. Хулосани шакллантиришда Аудиторлик фаолиятининг энг кўп иши аудит далилларни олиш баҳолашдан иборат. Бу аудит амалларида амалга оширилади ва уч тоифага бўлинади:

- **Рискларни баҳолаш жараёнлари**. Аудитор томонидан молиявий ҳисоботлардаги хато ёки фирибгарлик буйича рискларни аниқлаш ва баҳолаш учун маълимот олинади. Аудит хулосасини тузишда этарли далиллар олинмаганда, аудитор ўзи рискларни баҳолаш жараёнини амалга оширади ва бу аудитни режалаштириш мақсадлари учун фойдалинилади.

• **Назорат тестлари**. Аудит жараёнларининг одатда тасдиқлаш босқичида, жиддийлик даражасини олидни олиш, ёки аниқлаш ва тузатишда назорат фаолият самарадорлигини баҳолаш учун мўлжалланган.

2.4.1-жадвал

Аудит амалларининг турлари

Аудит амалларининг турлари	**Мисол**
Ҳужжатларни текшириш	Далилларни тасдиқлаш учун мижоз ҳужжатини ўрганиш
Активларни текшириш	Мижоз активларни жисмоний мавжудлигини текшириш
Кузатиш	Жараён ёки тарибни кузатиш, хусусан мижоз чекнанган ҳудудлардан фойдаланган томонларни
Ташқи тасдиқ	Аудитор учун тўғридан-тўғри ёзилган, мижознинг харидори томиндан қарз миқдорини тасдиқловчи, учинчи шахснинг тасдиғни олиш
Қайта ҳисоблаб чиқиш	Қайдлар ва ҳужжатлардаги математик аниқликни текшириш, мисол учун инвенторларни ҳисоблашдаги
Солиштирма ҳисоб	Мижоз томонидан ҳақиқий бажарилган ишни мустақил равишда тариб ва назоратни бажариш, мисол учун банк билан солиштирма ҳисоб
Таҳлилий жараёнлар	Молиявий ва номолиявий маълумотлар ўртасидаги боғликни ақлан таҳлил қиллиш
Кўриш	Таҳлилий жараённинг тури, бунда одатда бухгалтерия маълумотлари муҳим ёки муҳим эмаслигини аниқлаштириш учун кўриб чиқилади, мисол учун счётнинг средит баланси дебит баланси билан текширилади
Талаб этиш	Мижоз ташкилотнинг ички ёки ташқи шахслари маълумотлари қидирлади, мисол учун ҳисоб сиёсатида ўзгаришлар ҳақида молиявий директор ёки бош директор билан алоқадорлик

• **Мустақил жараёнлар**. счётлардаги жиддийлик даражасини аниқлаштирадиган аудит жараёни бўлиб, батафсил тест ва мустақил таҳлилий жараёнини ўз ичига олади.

Аудитор аудиторлик хулосасини тақдим қилишда этарли даражада тегишли аудит далилларни олиш учун аудит тартибларини амалга ошириш учун масъулдир. Аудиторлар аудит амалини бажариш учун

аудиторлик тартиб табиати, вақти ва узайтириш ҳақида қарор қабул қилади. Аудит амалининг яна бир табиати, аудитнинг мақсад ва унинг турини кўрсатади. Аудит амалини аниқлашнинг мақсади бу рискни баҳолаш тартиби, назорат тест, ёки мустақил жараёнларидир. Аудит амалларининг турлари ҳужжатларни текшириш, активларни текшириш, кузатиш, ташқи тасдиқ, қайта ҳисоблаб чиқиш, солиштирма ҳисоб, таҳлилий жараёнлар, кўриш ва талаб этишни ўз ичига олади. 5.6 расмда ҳар бир жараён турлари изоҳланган. Умуман олганда, ҳар бир амал тури бу аудитор томонидан қайси нуқтаи назардан қарашига қараб, рискни баҳолаш тартиби, назорат тести, ёки мустақил жараёнларда фойдаланиш мумкин.

Аудит амали вақти бу аудиторлик далиллар амал қиладиган давр ёки санада бажарилишни англатади. Мисол учун, амал мижознинг йил охиригача мижознинг йил охирида ёки оралиқ санада амалга оширилиши мумкин. Аудит амали кўлами миқдорда амалга оширилиши назарда тутади (масалан, назорат фаолиятининг кузатувлар сони ёки танлов кўлами). Аудит амаллари бажарилиш давомида аудит дастури деб аталадиган ҳужжатда йиғилади. 6-бобда биз аудит амаллари ва аудит далиллар ҳақида кўпроқ маълумот берамиз.

Далилларга мисол: Менежмент томинидан тасдиқланган далилларни олиш -мустақил аудитролик амали

Аудиторлик танлашда аудит амали ва далиллари бу муайян счётлар ва тасдиқланган тестдир. Ташкилотнинг молиявий ҳисоботида асосий воситалар ва қуйидаги баҳолашни назарда тутувчи аудитини кўриб чиқайлик:

Молиявий ҳисоботда кўрсатилган ускуналар амортизация учун тўғри қийматда баҳоланади.

Бу тасдиқлаш тўрт асосий унсурни ўз ичига олади:

- бу йил қўшиган янги активларни баҳолаш
- олдинги йилларда сотиб олинган активларни баҳолаш
- амортизацияни тўғри қайд қилиш
- мавжуд активларнинг қиймат пастлиги салоҳияти

Буларга мисол учун, биз жорий йилда қўшилган ускуналарни тўғри баҳоланганига эътибор қаратмиз. Аудит амаллари бунда қуйидагилардан ташкил топади:

- *АВга қўшилишни ҳужжатларда текшириш орқали аудит қилиш*

–АВга барча қўшимчаларни танлаш, счёт фактура орқали таннархни аниқлаш, ва туъгри ҳисобда қайд этилагнини аниқлаш. Агар баҳолашда ҳатолик юқори риски бўлса, аудитор танлаш кўламини кенгайтриши мумкин.

• *Менежмент талаби ва активларни текширув орқали АВга қўшимчаларнинг қиймат пастлиг салоҳиятини баҳолаш*- Ушбу амаллар паст баҳода ҳисобдан чиқариш керак бўлганда аудиторга аниқлашга ёрдам. Жорий иқтисодий маълимот ва мустақил далилларни активларни жорий бозор нархи сифатида менежментининг ҳисоботини тасдиқламоқ учун фойдаланиш мумкин.

Бу аудит амалларининг муҳим элементлари қуйидагилар:

• Тест учун *кўламни танлаш*. Аудитор намуна нусхасини олиши керак, чунки кўпинча АВга барча қўшимчалар кўриб чиқиш жуда қиммат. Танлаш кўлами агар юқори хатолик риски мавжуд бўлганда оширилиши мумкин. Танлаш кейинги 8 бобда муҳокама қилинади.

• Қийматли *ҳужжат далилларни текшиш*. Аудитор тўлов миқдори ва сотиб олинган ускуналар ҳолатига доир ташқи, объектив далилларни текширади, масалан счёт фактура.

• *Бошқа амаллар билан талаб қилсиҳ ва тасдиқлаш*. Аудитор эҳтимол айрим аудит далилларни олиш учун менежментдан талаб эца, менежмент айтган қўшимча далилларни аудитор тасдиқлаши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, масалан ҳужжатларни текшириш ёки кузатиш

Аудит ҳужжатлари

Аудитор аудит стандартларига мувофиқ аудит режалаштирган ва амалга оширганини далиллар асосида аудит ҳужжатларини тайёрлаш керак. Иш қоғозлари ёки ишчи қоғозлар атамалари баъзан аудит ҳужжатларига мурожаат қилинганда ишлатилади. Аудитор аудит амаллаирни ҳужжатлар асосида амалга ошириб, аудит далиллар текширилади ва молиявий ҳисоботларга тегишли ҳулосалашитирилади. Аудит стандартлари бу аудит ҳужжатларидан бошқа мақсадларга хизмат қилади, жумладан:

• Аудитни режалаштириш ва амалга оширишда ишчи гуруҳга кўмаклашиш

• Аудит ишида ишчи гуруш аъзолари маъсул бўлган назорат ва кузатиш учун кўмаклашиш

• Шу каби ташкилотнинг келажакдаги аудити давомида аҳамиятга молик масалаларни қайд қилиш

• Тўлиғинча аудитда ички ёки ташқи текширувларни ўтказиш

• Жорий ишларни бажариш ва режалашитиш каби олдинги йилдаги бажарилган ишларни тушинишда аудиторга кўмаклашиш

Аудит ҳужжатларига мисоллар қуйдагилар:

• Аудит дастурлари

• Мижоз ёки аудиторл томонидан тайёрланган таҳлиллар

• Меморандумлар

- Муҳим топилмалар ёки масалаларни қисқача баёни
- Тасдиқлаш ва баёнли ёзувлар
- Назорат қоғози
- Муҳим топилмалар ёки масалаларига доир (шу жумладан э-маил) ёзишмалар
- Ёзишмалар

Корхонадаги бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат аҳволининг аудитор томонидан тўғри баҳоланиши унинг барча кейинги ишлари муваффақиятининг гаровидир. Чунки, аудиторда мижоз ҳисоботини ўрганиш ва ходимлар билан суҳбат ўтказиш натижасида, ҳисобот тўғри ва ишончли бирламчи маълумотлар асосида тузилганлигига мутлақо ишонч ҳосил бўлса, у дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини танлаб текширувдан ўтказиши мумкин.

Акс ҳолда, аудитор бирламчи маълумотларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, бухгалтерия ходимларининг билим даражаси ва ички назоратнинг ташкил этилишига қониқиш ҳосил қилмаса, у жуда пухта, одатда, ёппасига текширув ўтказиши лозим.

Корхонанинг бутун молия-хўжалик фаолиятини ёппасига текшириш жуда сермеҳнат ишдир. Аммо, аудитор касб этикасининг меъёрларига мувофиқ мижоз-корхона молиявий ҳисоботининг ишончли (ишончсиз) лигига тўла ишонч ҳосил қи-лиши ёки у тўғрисида фикр билдиришдан бош тортиши лозим.

Агар текшириладиган объектларининг сони статистик танлаш усулларини талаб қилмайдиган даражада кам бўлса, ёки аудиторлик танлаш усулини қўллаш ёппасига текширув ўтказишга қараганда самарасиз бўлса, аудиторлик ташкилоти бухгалтерия ҳисобидаги қолдиқларни ва муомалаларнинг счётларда акс эттирилишини ёки назорат тизими воситаларини ёппасига текширувдан ўтказиши мумкин.

Аудитор кўп ҳолларда мижоз ҳисоботининг ишончлилигига ўртача даражада ишонч ҳосил қилади. Бу айрим ҳисоб бўлимлари бўйича ҳисоб яхши ташкил этилганлиги, малакали мутахассислар томонидан амалга оширилаётганлиги, автоматлаштирилаётганлиги бош бухгалтер ва ёндош ҳисоб бўлинма-лари томонидан ички назоратнинг яхши йўлга қўйилганлиги билан, бошқалари бўйича эса бунга тескари аҳвол вужудга келганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Айнан ҳисобот кўрсаткичларига нисбатан ишонч ҳосил қилиш даражаси ўртача бўлганда аудиторлик танлаш усулларини қўллаш зарур.

Аудиторлик танлаш – бу алоҳида ҳужжатлар, ёзувлар ва ҳоказолар кўринишидаги текшириладиган тўпламни шакллантириш учун маълум қоидалар асосида танлаб олинган элементлардир.

Аудитнинг халқаро амалиётида аудиторлик танлаш №530-« Аудиторлик танлаш ва тестлашнинг бошқа танлаш амаллари» (Аудит Самплинг) номли халқаро стандартга мувофиқ амалга оширилади. Бизнинг мамлакатда эса, аудиторлик танлаш ишлари №530-« Аудиторлик танлаш ва тестлашнинг бошқа танлаш амаллари» номли Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АХС) асосида бажарилади. Шунинг учун ушбу стандартга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Стандартнинг мақсади аудиторлик ташкилоти учун текшириладиган тўпламдан маълумотларни танлаб олиш ва шу тарзда олинган ахборотларнинг натижаларини баҳолаш қоидаларини ўрнатишдан иборат.

Ўтказилган аудит натижалари бўйича расмий аудиторлик хулосаси беришни кўзда тутадиган аудиторлик текширувларини ўтказишда, «тавсия тавсифига эга» деб кўрсатилган қоидалардан ташқари барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

Танлаб текшириш икки турли бўлиши мумкин:

1. Мувофиқ (мос) келишни танлаб текшириш
2. Моҳиятан танлаб текшириш.

Мувофиқликни танлаб текширишнинг вазифалари. Текшириладиган ҳисобот даври ичида ички назорат меъёрларининг тез-тез бузилиб туришини аниқлашдан иборат. Бунга корхона раҳбариятининг четдан сотиб олинган товар-моддий заҳиралар ва чет ташкилотлар хизматлари учун тақдим этилган счет-фактураларни тўлашга рухсат этиши, корхонага сотиб олинаётган товар-моддий заҳиралар-ни номлари, миқдори ва сифати бўйича уларнинг тегишли ҳужжатлари билан солиштириши мисол бўлади.

Моҳиятан танлаб текширишнинг вазифаси ички назоратнинг бузилишини қиймат ифодасида ўлчашдан иборат. Моҳиятан танлаб текшириш миқдорий танлаб текшириш деб ҳам аталади. Бунга бухгалтерия ҳисоби счётларининг қолдиқлари-ни, дастлабки ҳужжатлардаги ёзувларни тасдиқлаш, учинчи шахслардан тасдиқлар олиш, хўжалик фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш мисол бўлади.

Бухгалтерия ҳисоботининг муайян бўлимини текширувдан ўтказиш тартибини ишлаб чиқишда аудиторлик ташкилоти текширув мақсадларини ва ушбу мақсадга эришишни таъминлайдиган аудиторлик амалларини аниқлайди. Сўнгра аудитор эҳтимолдан ҳоли бўлмаган хатоларни аниқлаши, тўплаш талаб қилинадиган зарур далил-исботларни баҳолаши ва шунга асосан кўриб чиқиладиган маълумотлар тўпламини аниқлаши зарур. Бу тўплам маълум тарзда идентификацияланадиган бирликлар йиғиндисидан ташкил топиши

мумкин. Аудиторлик ташкилоти тўплам элементларини танлашни, аудит ўтказишдан қўйилган мақсадга эришишга имкон берувчи, энг самарали ва тежамли тарзда ўтказади.

Ҳар қандай танлаб текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- танлаш кўлами;
- кузатиш бирлиги;
- танлаш бирлиги;
- танлаш услублари;
- сайлаб олиш ҳажми;
- салмоқли (репрезентатив) танлаш;
- танланган маълумотларни текшириладиган тўпламга тадбиқ қилиш.

Текширув мақсадларига эришиш учун тегишли текшириладиган тўпламни аниқлаш зарур. Чунки, танлаш асосида қилинадиган хулоса айнан шу тўпламга тааллуқли бўлади.

Текшириладиган тўплам – бу маълум элементлар йиғиндисидир. Аудитда бухгалтерия ёзувлари (проводкалари), моддалар, ёзувлар тўплам элементлари сифатида танлаб олиниб, ушбу танлаш улар ҳақида маълумот бериши лозим.

Текшириладиган тўпламни шакллантириш учун мижоз-корхонанинг барча ҳужжатлари *турли белгилар – ҳужжатлар тури, моддий жавобгар шахслар, вақтинчалик изчиллиги ва бошқалар* бўйича маълумотлар ўхшаш бўлакларга бўлиб чиқилади. Масалан, аудитор маълум суммадан юқори дебитор қарзлар ҳақидаги ахборотларни тўплайдиган бўлса, у ҳолда дебиторлар билан ҳисоб-китобларга тааллуқли бўлган, аммо белгиланган (шарт қилиб қўйил-ган) суммадан кам бўлмаган барча бухгалтерия ҳужжатлари, ёзувлар ва ҳоказолар тўплами *текшириладиган тўплам* бўлиб ҳисобланади.

Бундай турдаги танловда танлаш бирлиги кузатиш бирлиги билан мос келади. Бу мижоз корхонасида тайёрланган ёки мижознинг учинчи шахслардан олган ҳужжатларидир. Танлаш бирлиги ва кузатиш бирлиги бир-биридан фарқ қилади. Кузатиш бирлиги аудиторлик текширувида шартли қабул қилинган. Бухгалтерия ҳисобининг ҳар қандай бўлими ёки соҳаси, хўжалик муомалаларининг тури кузатиш бирлиги бўлиши мумкин. Битта кузатиш бирлиги ичида ҳар хил танлаш бирликлари бўлиши мумкин. Танлаш бирлиги сифатида энг батафсил элемент аниқланганда танлов самарадорлиги ошади. Аммо, бунда ушбу элемент албатта текшириладиган бўлиши шарт.

Аудиторлик танлаш усуллари, танлаш услубини шакллантириш, танлаш рисклари ва натижаларини баҳолаш

Аудитни режалаштириш босқичида аниқланган муҳимлик ва

аудиторлик рискининг катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда аудиторлик танлаш жараёни қай тарзда амалга оширилишини аниқлаш зарур. Ушбу жараённи амалга ошириш №530-«Аудиторлик танлаш ва тестлашнинг бошқа танлаш амаллари» номли АХСга мувофиқ тартибга солинади. Хусусан, ушбу стандартда аудиторлик танлаш мақсади, моҳияти ва усуллари; танлаш тамойиллари, танлаш рисклари ва натижаларини баҳолаш масалалари баён этилган. Аудиторлик танлаш текшириладиган тўплам объектларининг 100 %дан кам қисмига нисбатан аудиторлик амалларини қўллаш мақсадида ўтказилади. Текшириладиган тўплам деганда счётларнинг қолдиқларини ёки муомалаларни ташкил этувчи, счётлар бўйича оборотларни ташкил этувчи бутун текшириладиган тўплам ҳақида фикр шакллантиришга имкон берадиган аудиторлик далил-исботларни тўплаш учун зарур бўладиган элементлар тушунилади.

Аудиторлик танлаш услубини шакллантириш учун аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботнинг муайян бўлимини, текшириладиган тўпламни текшириш тартибини аниқлаши лозим. Текшириладиган элемент ушбу тўпламдан танлаб олинади.

Танлов ўтказишда аудиторлик ташкилоти ўрганиладиган бутун тўпламни алоҳида гуруҳлар (қуйи тўпламлар)га бўлиши мумкин. Ушбу гуруҳлар элементлари бир-бирига ўхшайди. Тўпламни бўлаклаш мезонлари, унинг қайси гуруҳга тегишли эканлигини аниқ кўрсата оладиган бўлиши лозим. Ушбу амал стратификация деб номланиб, маълумотларнинг тарқоқлигини пасайтиради. Бу эса ўз нав-батида аудитор ишини энгиллаштириши мумкин.

Аудиторлик танлашга қўйиладиган муҳим талаблардан бири-репрезентативлик, яъни текшириладиган тўпламнинг барча элементларидан тенг миқдорда танланиш эҳтимолининг таъминланишидир. Аудиторлик ташкилоти ушбу талабни таъминлаш учун қуйидаги статистик усулларнинг бирортасидан фойдаланиши мумкин:

1) Тасодифий танлаш. Тасодифий сонлар жадвали бўйи-ча ўтказилиши мумкин.

2) Систематик танлаш. Бунда элементлар тасодифан танланган маълум бир сондан бошлаб, ҳар бир доимий –интервалдан танлаб олинади. Интервал ёки тўплам элементларининг сонига қараб, ёки уларнинг қийматига қараб тузилади. Масалан, мазкур тоифадаги ҳужжатларнинг ҳар ўнинчисини ўрганиш ёки элементлар тўплами қийматидан салдо ёки оборотни шакллантирадиган юз минг (ёки миллион) сўмлик қиймат ифодаланган ҳужжат танланади.

3) Уйғунлашган танлаш. Тасодифий ва систематик танлаш

усулларидан таркиб топган уйғунлик кўринишида бўлади.

Аудиторлик танлаш масаласига назарий жиҳатдан ёндашилганда, ҳатто ушбу мақсад учун танлаш услубини ишлаб чиқадиган математиклар меҳнати талаб қилинсада, юқорида келтирилган танлаш усулларидан исталган бирини қўллаш унча мураккаб кўринмайди. Мураккаблик танлаш жараёнини бевосита амалиётда бажариш чоғида вужудга келади.

Аудиторлик танлашда статистик усулларни қўллаш ҳар биридаги элементлар ўхшаш хоссаларга эга бўлган тўпламлар (қуйи тўпламлар)га нисбатан қўлланганда самарали бўлиши мумкин. Масалан, бу маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотиш чо-ғида харидорларга тақдим этиладиган счёт-фактураларни текширишда қўлланилиши мумкин. Чунки, счёт-фактуралар ягона шаклга эга, битта файлда сақланади ва кетма-кет тартиб рақами берилади. Аммо, мол этказиб берувчилардан олинган счет-фактураларни текширишда, уларнинг мол этказиб берувчилар томонидан рақамланиши ва тартиб рақамлари келиб тушиш тартибига мос келмаслиги билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Бу ҳолда аудитор, агар статистик танлаш усулларини қўлламоқчи бўлса, текшириладиган тўпламдаги барча счет-фактураларни ўзи рақамлаб чиқиши мумкин (фақат текширув мақсадида). Кўп ҳолларда эса мижоз-корхонадаги ҳужжатлар айланиш графигининг тузилиш принципи статистик танлашни тўғри амалга оширишга салбий таъсир кўрсатади. Чунки, ҳужжатларни архивга топширишда стратификациялашни амалга оширишга имкон берадиган бир хиллик бузилади.

Аудиторлик танлашда статистик усулларни қўллаш кўпроқ мижоз-корхонада бухгалтерия ҳисоби компютерлашган шароитда самара беради. Бу ҳолда текширишнинг компютерлашган воситаларидан фойдаланиш имкони бўлади.

Текшириладиган тўпламдаги элементлар сони статистик усулларни қўллаш самара бермайдиган даражада кам, ёки статистик усулларни қўллаш ёппасига текширишдан кўра самарасиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда аудиторлик ташкилоти бухгалтерия ҳисоби счетларида қолдиқ ва оборотларнинг тўғри акс эттирилганлигини ёки назорат тизимини ёппасига текширади. Амалиётда кўп ҳолларда текшириладиган бош тўпламни 100% тўлиқ текшириш имкони йўқ ёки мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бунда текшириладиган элементларни танлаш аудиторларнинг касб маҳоратига таянган ҳолда амалга ошириладиган ностатистик усуллар қўлланилади. Танлаш кўлами муҳимлик даражасига боғлиқ бўлиши керак, яъни муҳимлик даражаси қанчалик паст бўлса, зарур бўладиган танлаш кўлами шунча юқори

бўлади.

Ҳар қандай танлаш (статистик ёки ностатистик) учун аудиторлик ташкилоти қуйидагиларни бажариши лозим:

- танлашга тушган ҳар бир хатони таҳлил қилиш;
- танлаш жараёнида олинган натижаларни барча текшириладиган тўпламга тарқатиш (екстраполяция);
- танлаш рискларини баҳолаш.

Танловга тушган хатоларни таҳлил қилишда аудиторлик ташкилоти биринчи навбатда уларнинг тавсифини аниқлаши лозим.

Аудиторлик танлаш жараёнида олинган натижаларни аудиторлик ташкилоти барча текшириладиган тўпламга тарқатиши лозим. Натижаларни бутун тўпламга тарқатиш услублари турлича бўлиши мумкин, аммо ҳамма вақт танловнинг тузилиш услубларига мос келиши керак. Агар текшириладиган тўплам қуйи тўпламларга бўлакланган бўлса, у ҳолда натижаларни тарқатиш уларнинг ҳар бири бўйича амалга оширилади.

Аудиторлик ташкилоти танлов ҳажми (кўлами)ни аниқлаш чоғида танлаш рискларини, йўл қўйиладиган ва кутиладиган хатоларни аниқлаши лозим.

Танлаш рискининг мазмуни шундан иборатки, танлаб олинган маълумотлар асосида тузилган, маълум масалага доир аудиторнинг фикри худди шу масаланинг ўзи бўйича бутун тўпламни ўрганиш асосида тузилган фикрдан фарқ қилади. Танлаш риски назорат воситаларини тест синовидан ўтказишдаги каби, счётлар бўйича қолдиқ ва оборотларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг тўғрилигини батафсил текширишда ҳам мавжуд. Аудиторлик амалиётида назорат воситаларини тест синовидан ўтказиш ва счётлар бўйича қолдиқ ҳамда оборотларнинг тўғрилигини текшириш учун танлаш рисклари биринчи даражали ва иккинчи даражали тоифаларга бўлинади.

Назорат воситаларини тест синовидан ўтказишда танлаш рискларининг қуйидаги турлари мавжуд:

а) биринчи тоифа рисклар-танлаш натижалари назорат тизимининг ишончсизлигидан далолат бериб, айни пайтда ҳақиқатан бу тизим ишончли бўлганида тўғри гипотезани чиқариб ташлаш риски;

б) иккинчи тоифа рисклар-танлаш натижалари назорат тизимининг ишончлилигидан далолат бериб, айни пайида ушбу тизим ишончсиз бўлганида нотўғри гипотезани қабул қилиш эҳтимоли.

Счётлар бўйича қолдиқ ва оборотларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришниг тўғрилигини батафсил текширишда қуйидаги танлаш хатарлари мавжуд:

а) биринчи тоифа хатарлар -танлаш натижалари текшириладиган тўпламда жиддий хатолар мавжудлигидан далолат бериб, айни пайтда ушбу тўпламда бундай хатолар йўқ бўлганида тўғри гипотезани чиқариб ташлаш хатари;

б) иккинчи тоифа хатарлар -танлаш натижалари текшириладиган тўпламда жиддий хатолар йўқлигидан далолат бериб, айни пайтда ушбу тўпламда жиддий хатолар мавжуд бўлганида нотўғри гипотезани қабул қилиш хатари.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик танлашнинг барча босқичларини ва унинг натижалари таҳлилини аудиторнинг ишчи ҳужжатларида акс эттириши шарт

Мавзуга оид таянч иборалар

Муқобил баланс тузиш – аудиторлик ишининг муҳим элементидир. У аудитни бошлашдан олдин синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларининг ёки бош дафтарнинг маълумотлари бўйича тузилади. Натижада, аудитор тасдиқланиши лозим бўлган балансга ўхшаш, янги балансга эга бўлади. Агар расмий ва муқобил баланслар ўртасида тафовутлар вужудга келса, бу тофовутлар мижоз-корхона ҳисоботида бош бухгалтернинг атайлаб қилган чалкашликларини билдиради

Текшириладиган тўплам – бу маълум элементлар йиғиндисидир. Аудитда бухгалтерия ёзувлари (проводкалари), моддалар, ёзувлар тўплам элементлари сифатида танлаб олиниб, ушбу танлаш улар ҳақида маълумот бериши лозим.

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Қуйидагилардан қайсиниси аудиторлик далилларнинг энг ишончлиси ҳисобланади?

А. Учинчи шахснинг оғзаки билдиришлари.

Б. Учинчи шахснинг дастлабки ҳужжатлари.

С. Аудиторнинг бевосита кузатиш ва молия хўжалик муомалаларини ўрганиши натижасида олинган далиллар.

Д. Мижоз корхонани инвентаризация қилишдан олинган маълумотлар.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

2. Аудиторлик амали нима?

А. Бу мижоз корхонани инвентаризация қилишдир.

Б. Бу муайян аудит участкасида далилларни олиш учун аудитор томонидан амалга ошириладиган ишларнинг маълум тартибда ва кетма-кетлигидир.

С. Бу учинчи шахснинг оғзаки билдиришларини йиғишдир.

Д. Бу мижоз корхонанинг бир ҳужжатларини бошқалар билан солиштиришдир.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

3.Таҳлилий амаллар нима?

А. Бу аудитор томонидан олинган маълумотларни баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш.

Б. Бу синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларида дастлабки ҳужжатлар маълумотларни акс эттириш.

С. Бу мижоз корхонани инвентаризация қилиш.

Д. Бу мижоз корхонанинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

4. Аудиторлар аудиторлик амалларини бажариш чоғида қуйидагилардан қайси бирини бажаради?

А. Корхонани таҳлил қилади.

Б. Мижоз корхонани инвентаризация қилади.

С. Учинчи шахснинг оғзаки билдиришларини йиғади.

Д. Далилловчи маълумотларни тўплайди.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

5. Қуйидагилардан қайси бирини аудиторлик далилларини тўплаш кетма-кетлигига тааллуқли эмас?

А. Аудиторлик текширувлари учун ахборотларни тўплаш.

Б. Аудиторлик амалларини бажариш ва аудит жараёнида аниқланган далилларни баён қилиш.

С. Аудиторнинг бевосита кузатиш ва молия хўжалик муомалаларини ўрганиши натижасида олинган далиллар.

Д. Тўпланган далилларни баҳолаш.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

6. Қуйидагилардан қайси бири аудиторлик далилларини тўплаш усулларига тааллуқли эмас?

А. Мижоз корхонанинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш.

Б.Айрим хўжалик муомалаларни ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш.

С. Инвентаризация.

Д. Тўпланган ҳужжатларни баҳолаш.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

7.Қуйидагилардан қайси бири аудиторлик ташкилотининг иш ҳужжатлари ҳисобланмайди?

А. Хўжалик юритувчи субект ҳужжатларининг нусхалари.

Б. Хўжалик юритувчи субектнинг тушунтиришлари, билдиришлари.

С. Аудиторлик ташкилотининг таҳлилий ҳужжатлари.

Д. Аудиторлик ташкилоти томонидан қўлланилган амаллар.

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

8. Аудиторлик далиллари олиниш манбасига кўра қайси турларга бўлинади.

А. Ёзма ва оғзаки.

Б. Тасдиқловчи, ҳужжатлаштирилган.

С. Ички, ташқи ва аралаш далиллар.

Д. Манбали олинган далиллар.

Е. Махсус таҳлил ўтказилган далиллар.

9. Аудиторлик тўплаш кетма-кетлигидаги энг охирги поғона қайси поғона ҳисобланади?

А. Аудиторлик текширувлари учун ахборотларни тўплаш.

Б. Аудиторлик амалларини бажариш ва аудит жараёнида аниқланган далилларни баён қилиш.

С. Аудиторлик далилларини тўплашнинг мақсадини шакллантириш.

Д. Далилларни баҳолаш.

Е. эксперт далилларига қўшимчалар қилиш.

10. Аудиторлик иш ҳужжатларига қуйидагилардан қайси бири киради?

А. Аналитик ва синтетик регистрлар.

Б. Аудитни режалаштириш тўғрисидаги ёзувлар.

С. Муқобил баланс.

Д. Ҳужжатларга қилинган хулосалар.

Е. Б ва Д жавоблар.

2.5 Таҳлилий амаллар

Аудитор кузатиб чиқиш учун дастлабки ҳужжатларни №520-«таҳлилий тартиб-таомиллар» номли АХСга мувофиқ танлаб олади.

Таҳлилий амаллар деганда аудитор томонидан олинган

маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай хатолар ва чалкашликлар-нинг сабабларини аниқлаш мақсадида текширилаётган хўжалик юритувчи субектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади.

Таҳлилий амаллар молиявий таҳлилнинг таққослаш, нисбатлар ва коеффициентларни баҳолаш каби элементлари ва усулларидан фойдаланишни назарда тутади.

Таҳлилий амалларнинг энг кўп тарқалгани таққослаш бўлиб ҳисобланади. Бунда қуйидагилар таққосланади: турли даврлар учун счетлардаги қолдиқлар; молиявий ҳисобот кўрсаткичлари бизнес-режа кўрсаткичлари билан; ҳисоботнинг ҳар хил моддалар билан олдинги даврлар маълумотлари ўртасидаги нисбат; хўжалик юритувчи субект молиявий кўрсаткичлари иқтисодиётнинг тегишли тармогидаги ўртача кўрсаткичлар билан; молиявий ахборотлар номолиявий ахборотлар (хўжалик юритувчи субектнинг фаолияти тўғрисидаги унинг бухгалтерия ҳисоби тизимида бевосита акс эттирилмайдиган маълумотлар) билан.

Таҳлилий амаллар ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш, ҳисобот маълумотларини ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини таққослаш, ҳисобот моддалари ва кўрсаткичларининг кескин фарқ қилиш сабабларини ўрганишни назарда тутади.

Масалан, асосий воситалар қийматининг кўпайиши одатда амортизация суммаларининг кўпайишига ҳам олиб келади. Номувофиқлик аниқланганда аудитор тегишли далилларни топиши лозим. Айтайлик, асосий воситалар киримини текшириб мижоз-ташкилот мазкур активларни бюджетдан молиялаштириш ҳисобига совға шартномаси бўйича олганлигини аниқлади. Бундай обектлар бўйича эса амортизация ҳисобланмайди. Шундай қилиб аниқланган номувофиқликка аудитор томонидан қониқарли исбот топилган.

Таҳлилий амаллар аудитни режалаштириш чоғида, текширув жараёнида ва уни якунлаш босқичида қўлланилади.

Аудитни режалаштириш чоғида таҳлилий амалларни қўллаш, масалан, баланс структурасини аниқлаш, энг жиддий моддаларни ва моддалар нисбатидаги каби, бошқа даврлар билан солиштириш бўйича ҳам ўзгаришларни аниқлашга имкон беради. Бу ахборотлар риск зонасини аниқлаш ва бошқа аудиторлик амалларини режалаштириш чоғида қўлланилади. Хусусан, аудитор ҳисоботни дастлабки таҳлил қилиш маълумотларига кўра қайси ҳисобот моддаларини пухта текширувдан ўтказиш зарурлигини ҳал қилади. Ҳисоботда учрайдиган

хатолар зонаси мижоз-корхонанинг жорий даврдаги дастлабки маълумотлари ва ўтган йиллардаги шунга ўхшаш маълумотлар ёки таққослаш учун ишлатилган бошқа ахборотлар ўртасида кескин фарқларни топиш йўли билан аниқланиши мумкин. Кескин тафовутларнинг эҳтимолдан ҳоли бўлмаган сабабларидан бири ҳисоб ва ҳисоботда атайлаб ёки билмасдан йўл қўйилган хатолар бўлиши мумкин.

Аудиторлик текширувлар чоғида таҳлилий амаллар бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ҳақиқий маълумотлар ёки аудитор томонидан ҳисоблаб чиқилган суммалари билан таққослаш орқали ҳам қўлланилиши мумкин.

Аудитнинг якунловчи босқичида таҳлилий амалларни қўллаш ҳисоб ва ҳисоботдаги аниқланган номувофиқликларга қў-шимча далиллар олиш, ҳамда ушбу номувофиқликларнинг ҳисобот ишончлилигига таъсирини аниқлашга ҳам имкон беради.

Ҳақиқатга яқин таҳлилий амаллардан бири баланс ҳисоб-китоблари ҳисобланади. Хусусан, аудитор тайёр маҳсулотларнинг ҳисобда ҳаққоний ва тўлиқ акс эттирилиши тўғрисидаги далил-исботларга эга бўлиш учун тез-тез хом-ашёлар, материаллар ва тайёр маҳсулот олиниши балансини тузади.

Хом-ашё ва материаллар балансини тузиш қуйидагиларни назарда тутади: маҳсулотнинг бир бирлиги учун норма бўйича сарфланган хом-ашё ва материаллар ва ҳақиқатда олинган маҳсулотлар ҳисоб-китоби; хом-ашё ва материалларни ҳақи-қий сарфи билан таққослаш; хом-ашё ва материалларни сарфлашда тафовутларни аниқлаш.

Тайёр маҳсулот балансини аниқлашда унинг ҳақиқий чиқиши маҳсулот бирлиги учун кетадиган хом-ашё ва материаллар нормасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган нормативлари ва хом-ашё ва материалларнинг ҳақиқий сарфи билан таққосланади.

Бундай балансни тузиш хом-ашё, материаллар сарфи ва маҳсулот чиқиши (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) нормативидан четга чиқишларни аниқлаш ва шу билан бирга молиявий натижани ҳисоблаб чиқаришнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилишга имкон беради.

Мавзуга оид таянч атамалар

Таҳлилий амаллар - аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай хатолар ва чалкашликлар-нинг сабабларини аниқлаш мақсадида

текширилаётган хўжалик юритувчи субектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1.Аудиторлик амали нима?

А. Бу мижоз корхонани инвентаризация қилишдир.

Б. Бу муайян аудит участкасида далилларни олиш учун аудитор томонидан амалга ошириладиган ишларнинг маълум тартибда ва кетма-кетлигидир.

С. Бу учинчи шахснинг оғзаки билдиришларини йиғишдир.

Д. Бу мижоз корхонанинг бир ҳужжатларини бошқалар билан солиштиришдир.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

2.Таҳлилий амаллар нима?

А. Бу аудитор томонидан олинган маълумотларни баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш.

Б. Бу синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларида дастлабки ҳужжатлар маълумотларни акс эттириш.

С. Бу мижоз корхонани инвентаризация қилиш.

Д. Бу мижоз корхонанинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

3.Аудиторлар аудиторлик амалларини бажариш чоғида қуйидагилардан қайси бирини бажаради?

А. Корхонани таҳлил қилади.

Б. Мижоз корхонани инвентаризация қилади.

С. Учинчи шахснинг оғзаки билдиришларини йиғади.

Д. Далилловчи маълумотларни тўплайди.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР ВА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. 2016 йил 13 апрель (янги тахрир)

2. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 2021 йил 25 февраль (янги тахрир)

3.Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: «Норма», 2020.

4. «Маҳсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом». Ўз.Р. ВМ нинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 17 январь

6.Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М., Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудити". Дарслик.- Самарканд, "Фан булоғи" нашриёти, 2022. – 316-б.

7.Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Халқаро аудит. Дарслик. –Т.: ИҚТИСОД МОЛИЯ, 2015. -348 б.

8.Туйчиев А., Қўзиев И., Авлоқулов А., Шеримбетов И., Авазов И. Аудит. Дарслик. – Т.: "Iqtisod-Moliya", 2019. – 530 б

9.Ҳамдамов Б.К. Аудитнинг халқаро стандартлари. Дарслик. –Т.: ТМИ. 2020 йил. 281 бет

Қўшимча адабиётлар:

1. Кутер М.И. Введение в бухгалтерский учет. Учебник.- М.: Майкоп: Элит,2015.

2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.– Т.: Норма,2010.

3. Ғуломова Ф. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганувчилар учун қўлланма-Т.: Норма,2010. -509 б.

4. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шархлар тўплами.– Т.: Норма,2010.-527 б.

5. Интернет сайтлари:

6. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)

7. http://www. ziyonet.uz (Axborot ta’lim tarmog‘i)

8. https://www.naab.uz. – Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий асосиациясининг расмий сайти

9. http://uzaudit.uz- Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси расмий Сайти

10. www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти).

11. https://www.theiia.org. - Халқаро ички аудиторлар институти (The institute of internal auditors of North Amerika)нинг расмий сайти.

12. https://www.aicpa.org-Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти расмий сайти.

13. https://www.pwc.com-Global Annual Report расмий сайти.

14. http://www/iia-ru-Россия Федерацияси ички аудиторлар институти расмий сайти.

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3
I БОБ. АУДИТ АСОСЛАРИ..... 4
1.1. Аудитга умумий тавсиф..... 4
Аудитнинг предмети ва объектлари 14
Аудитнинг методи ва унда қўлланиладиган усуллар 16
Мавзуга оид таянч атамалар..... 18
Мавзу бўйича тест савол-жавоблари 20
1.2 Аудитнинг норматив-ҳуқуқий асослари..... 21
Мавзуга оид таянч атама..... 38
Мавзу бўйича тест савол-жавоблари 38
1.3. Аудиторнинг касб этикаси..... 39
Мавзуга оид таянч атамалар..... 43
Мавзу бўйича тест савол-жавоблари 43
II ВОВ. АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ..... 45
2.1 Аудиторлик текширувини режалаштириш..... 45
Мавзуга оид таянч атамалар..... 50
Мавзу бўйича тест савол-жавоблари 51
2.2 Аудиторлик текширувида муҳимлик ва риск..... 53
Аудиторлик текширувида фирибгарликни аниқлаш 63
Мавзуга оид таянч атамалар..... 65
Мавзу бўйича тест савол-жавоблари 66
2.3. Аудиторлик текшируви жараёнида ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш..... 68
Мавзу оид бўйича таянч иборалар 96
Мавзу бўйича тест савол-жавоблари 97
2.4 Аудиторлик далиллар..... 99
Мавзуга оид таянч иборалар..... 121
Мавзу бўйича тест савол-жавоблари 121
2.5 Таҳлилий амаллар 123
Мавзуга оид таянч атамалар..... 125
Мавзу бўйича тест савол-жавоблари 126
ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР ВА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ..... 127

Уразов К.Б., Эргашев Х.Х., Ширинов У.А., Уразов Д.К., Пўлатов Х.У.

“АУДИТ ВА ЭШУРЕНС”
(Audit and Assurence)
(1-қисм)

Ўқув қулланма

Ўқув қўлланма институт Кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги мажлисда муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган. (4-сонли мажлис баёни).

“STAP-SEL” MChJ nashriyoti, Samarqand - 2023

ISBN: 978-9910-720-25-3

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)
Nashrga ruxsat etildi: 10.11. 2023 y.
© “STAP-SEL” MChJ nashriyoti.

Qog‘oz bichimi A5, 60x84 1/16, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog`i 8.12
Buyurtma № 0186A/23. Adadi 100 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo`limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko`chasi 60-uy.